


Чўллоной Султонова

АДАБИЙ  
ДРАМАТИК ТўГАРАКЛАР  
МАЪНАВИЯТ ГУЛШАНИ

70



C-86

3.7

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**  
**Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази**


---

**Чўлпоной СУЛТОНОВА**

**АДАБИЙ-ДРАМАТИК**  
**ТЎГАРАКЛАР МАЪНАВИЯТ**  
**ГУЛШАНИ**

Ўрта мактабларнинг адабиёт ўқитув-  
чилари, ўзбек филологияси факультети  
талабалари, олий ўқув юртлари ҳамда  
академик лицей, касб-хунар коллежлари,  
умумий ўрта таълим мактаблари  
адабий-драматик тўгараклари учун  
қ ў л л а н м а

**“Ma’rifat-Madadkor” нашриёти**  
**Тошкент—2003**



Филология фанлари доктори, профессор  
Қудрат Жўраевнинг умумий таҳрири остида.

Масъул муҳаррир: доцент Ж.Эсонов.

Тақризчилар: профессор Х.Х.Холиёров,  
доцентлар — М.Азимов,  
Р.Мустафоқулов.

Адабий-драматик тўғарақлар маънавият гулшани номли ушбу қўлланма ўрта ва олий ўқув юртларида олиб борилган адабий-драматик тўғарақ ўтказиш тажрибасининг кўп йиллик изланишлари сифатида юзага келган.

Қўлланма адабий-драматик тўғарақлар билан қизиқувчи мактаб муаллимлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг ўқитувчи ҳамда талабалари, умуман, сўз санъати билан қизиқувчи маданий-маърифий муассасалар мутасадди ходимлари, шунингдек, кенг жамоатчилик оммаси учун мўлжалланган.

Султонова, Чўлпоной.

Адабий-драматик тўғарақлар маънавият гулшани: Ўрта мактабларнинг адабиёт ўқитувчилари, ўзбек филологияси факультети талабалари, олий ўқув юртлари ҳамда академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, умумий ўрта таълим мактаблари адабий-драматик тўғарақлари учун қўлланма (Қ.Жўраевнинг умумий таҳрири остида; Масъул муҳаррир: Ж.Эсонов.-Т.: «Маърифат-Мададкор», 2003.

Сарлавҳада: ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази.

ББК 85. 7 я 7

*Муҳтарама онам Исмоил қизи  
Раҳима руҳига бағишлайман.*

### **КИРИШ**

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин утган йиллар ичида Президентимиз Ислоом Абдуганиевич бошчилигида амалга оширилган ютуқларимизни кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, у асрларга татийди.

Мустақиллик зиммамизга истиқлол шарафига муносиб инсонлар бўлишдек, улкан масъулият юклайди. Зотан, фақат ва фақат баркамол авлодни тарбиялаб етказиш орқалигина мустақил Ўзбекистонимизнинг мустақкам пойдеворини яратишимиз мумкин. Гап шунчаки, ёшлар ҳақида кетмаяпти. Гап ҳам жисмоний, ҳам ақлий-маънавий соғлом авлодни тарбиялаш ҳақидадир. Лекин, афсуски, бугунги ёшларимиз орасида тарбияси бузилган: ҳуқуқбузарлик, жиноят содир этувчи, гиёҳвандлик, ичкиликбозликка берилган, энг даҳшатлиси, билиб-билмай диний ақидапарастлик, халқаро терроризм ва турли оқимлар, гуруҳлар таъсирига тушиб қолган ёшлар учраяпти. Тарбиячиман деган ҳар бир кишининг бунга эътибор бермаслигини ҳам жиноят деб билмоқ лозим.

Юртбошимиз бундай мудҳиш гуруҳларга адашиб кирганларни, ҳатто, афв этишга қарор қилдилар. Бу оталарча ғамхўрлик, бағри кенглик барчага — тарбиячига ҳам, тарбияланувчига ҳам ибратдир. Ахир, “Эгилган бошни қилич кесмайди”.

Яна бир жуда муҳим қарор қабул қилинди. Унда: “Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Республика “Маънавият ва маърифат” кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, “Соғлом авлод учун”, “Камолот” жамғармалари, ўзини

узи бошқариш органлари, ички ишлар идоралари ёшлар ва усмирларни тарбиялаш, ўқитиш ишлари устидан назоратни кучайтирсинлар. Вояга етмаганларни ўқишдан ташқари вақтларда дам олиш ва иш билан таъминлаш масалаларини доимий назоратга олсинлар”<sup>1</sup> дейилган. Бу тўғридан-тўғри ўқитувчиларга ҳам тааллуқлидир.

Аввало, “Ўзбекистон Республикасининг кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш” тўғрисидаги фармон, таълим тизимини ислоҳ қилиш, Давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий ишлаб чиқариш мажмуи сифатида ривожлантириш масалалари бўйича эълон қилинган ҳужжатлар биз, педагог-мураббийлар фаолиятида дастуриламал бўлмоғи даркор.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг бугунги узлуксиз таълим тизимини барпо этиш давридаги асосий талаби олий ўқув юртлари билан мактаб фаолиятини тобора бир-бирига мувофиқлаштиришдан иборат бўлиб қолмоқда. Бу соҳада ўзига хос бир қатор ютуқларга эришилди, аммо асосий иш ҳали олдинда.

Маълумки, мактаб ва олий ўқув юртларида бериладиган билим принциплари икки хил характерга эга бўлиб, мактабда умумий таълим, институт ва университетда эса махсус, яъни мутахассилар тайёрлашга асосланган. Бироқ улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Мактаб ҳаётида рўй бериши мумкин булган ҳар қандай янгилик бевосита мутахассис фаолияти орқали намоён бўлади. Шунга кўра мактабда адабиёт фанидан дарс утаётган ўқитувчи ўз олдига фақат адабиётшунос кадр тайёрлашни мақсад қилиб қўймайди, балки мазкур фан орқали ёш авлодда эстетик дидни — гузалликни ҳис қилиш туйғуларини шакллан-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарори. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2000 йил 27 сентябр.

тиришни кўзда тутади. Қисқаси, умуман инсонни тарбиялайди.

Университетларнинг филология факультети асосий эътиборни тил ва адабиёт фани бўйича мутахассислар тайёрлашга қаратади. Тарбия муаммоси эса кўпинча тил ва адабиёт ўқитиш методикаси, педагогика ва психология каби фанлар зиммасига юклатилади. Назаримизда, бу факультетда қайси фан ўқитилмасин, албатта, таълим билан тарбиянинг узвий бирлигига эришиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда ёш авлод характерини шакллантириш деганда, умуман, инсон омилида унинг жамиятда тулган ижтимоий-сиёсий, маънавий мавқеидан келиб чиқиб, иш юритиш лозимга ухшайди. Президентимиз ва ҳукуматимиз қўяётган талаб ҳам шундай.

Миллий дастурда ҳам инсонни тарбиялашда бадиий адабиётнинг ролига алоҳида эътибор берилган. Дарҳақиқат, бадиий адабиёт ёш авлодда чуқур инсоний фазилатларни шакллантиради, уларнинг маънавий ва ахлоқий баркамоллигига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўрта мактабда ўқувчилар ўзбек адабиётининг энг нодир намуналарини ўрганадилар. Дарсликларга ўзбек адабиёти намояндаларидан ташқари, жаҳон адабиёти, шунинг-дек, рус ва ҳамдўстлик халқлари адабиёти дурдоналари ҳам киритилади. Бу принцип, бир томондан, уша фаннинг самарадорлигини таъминласа, иккинчи томондан, бугунги кундаги ислохот талабларини амалга оширишнинг гаровидир. Маърифий-эстетик тарбия — кўп қиррали иш. Тажриба кўпинча ўқувчининг фан билан дарсдан ташқари шуғулланишини тақозо этади. Бу соҳа “Адабиёт ўқитиш методикаси”да синф ва синфдан ташқари ўқиш деб алоҳида белгиланган<sup>1</sup>.

Демак, адабиёт ўқитувчиси таълим-тарбиянинг ранг-баранг услуб ва усулларида фойдаланиши лозим. Бу

---

<sup>1</sup> С.Долимов, Ҳ.Убайдуллаев, Қ.Аҳмедов. Адабиёт ўқитиш методикаси. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1967, 45-бет.

А.Зуннунов, Н.Ҳотамов, Ж.Эсонов, А.Ибраҳимов. Адабиёт ўқитиш методикаси, Тошкент. “Ўқитувчи” 1994, 316-бет.

йуналишдаги иш болаларнинг ёш хусусияти ва характери, билим савиялари ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилса яхши натижа беради. Болани китоб билан муомала қилишга, кутубхонадан тўғри фойдаланишга ургатиш, мактабда ташкил этилган адабиёт, ёш қаламкашлар, адабий-драматик тўғарақларга фаол жалб этишга эришиш уша фанга бўлган қизиқишни янада кучайтиради.

Бу борада олий таълим талабалари таълим-тарбиянинг энг мувофиқ усуллари бўйича изланиши: фан тўғараги ва нотиклик санъатини эгаллашни истовчилар факультетда утиладиган “ифодали ўқиш” курсини мукаммал эгаллашдан ташқари, “сўз санъати ва режиссёрлик” бўлимларида иштирок этиб, амалий тайёргарликка эришишлари мумкин. Негаки, адабиётни гоъвий-эстетик жиҳатдан узлаштиришнинг замини адабиёт ўқитиш услубияти ва ифодали ўқиш предметларида кўпроқ намоён бўлади.

Бинобарин, бу борада яратилган қўлланмалар<sup>1</sup> талабаларнинг бадиий адабиёт, нотиклик санъатини эгаллашга бўлган интилишларига ёрдам бермоқда. Бироқ драматик тўғарақ ўтказиш ҳақида махсус қўлланма яратилгани йўқ.

Айниқса, ҳукуматимизнинг клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирларига оид қарорлари ўқув юртлари ва маданий-маърифий муассасаларда спорт билан адабий-бадиий ҳаваскорлик тўғарақлари фаолиятини янада уйғунлаштириш ҳуқуқини беради. Шунга кўра, мазкур ҳаётий талаблар асосида урта ва олий ўқув юртларида адабий-драматик тўғарақ иши ҳақидаги баъзи мулоҳазаларни уртага ташлашни лозим топдик.

Бу мулоҳазаларнинг юзага келишига қўйидаги омиллар ҳам сабаб бўлди.

Биринчидан, ҳар бир мактаб ва олий ўқув юртларида адабий-драматик тўғарақлар адабиёт, эстетика фанига қўшимча мустаҳкамловчи восита сифатида мавжуд бўлишини ҳаётнинг ўзи тақозо эта бошлади. Чунки бугунги

<sup>1</sup> К.Жўраев. Ифодали ўқиш ва ҳикоя қилиш (Бошланғич синфлар учун). Т., “Ўқитувчи”, 1968., Б.Турдиев. 4–7-синфларда ифодали ўқиш, Т., “Ўқитувчи” 1978., С. Имомхўжаев, А.Зуннунов. Ифодали ўқиш асослари. Т., “Ўқитувчи”, 1978., Қ.Орипов, М.Обидова. Ифодали ўқиш. Т., “Ўқитувчи”, 1994.

фан-техника тараққиёти даврида ёш авлод маънавий оламини шакллантиришда фақат адабиёт дарсларининг узигина кифоя қилмай қолди. Бунинг учун адабиёт тўғарақларидан ташқари, адабий-драматик тўғарақлар ташкил этиш, қисқа-қисқа саҳна кўринишларини тайёрлаш ўқувчиларнинг маънавий қиёфасини шакллантирибгина қолмай, балки нутқининг равонлашувига ҳам хизмат қилувчи асосий омиллардан биридир.

Иккинчидан эса, мактабларда мавжуд тўғарақлар фаолиятининг натижаси ҳам мазкур тўғарақларнинг зарурлигини исботламоқда. Албатта, мактаб ўқитувчиси актёр ҳам, режиссёр ҳам эмас. Бироқ, албатта актёр булиш шарт эмас, лекин актёр каби муаллим бўлиш орзуси кўпчилик ўқитувчида мавжуд. Бунинг ҳеч қандай ёмон томони йўқ. Аксинча, бадий адабиётни эзгу, улуғ маънода тасаввур қилиш ҳар бир ўқитувчининг мактаб саҳнасига бадий раҳбар бўлишини тақозо этади. Ўқитувчи ва актёр. Бир қарашда бу икки касб айрича-айричадек таассурот қолдиради. Бироқ, диққат қилинса, улар ўртасида қандайдир яқинлик, уйғунлик кўзга ташланади. Негаки, актёр ҳам, ўқитувчи ҳам — уз аудиториясига эга. Актёр томошабин, ўқитувчи эса шогирдлари қалбидан жой олади. Ўқитувчилик ҳам — санъат. Ўқитувчиликка билимнинггина ўзи етарли эмас: “Ўқитувчи булиб туғилиш керак”, дейди донолар.

Дарҳақиқат, театрга чипта олиб кирасану, кейин қаерда ўтирганингни ҳам унутиб қўясан киши. Сени ҳайратга солган қаҳрамон кулса кулсан, йиғласа қўшилиб йиғлайсан, у билан бирга изтироб чекасан. Нега? Чунки санъатнинг кучи шунда: эргаштиради, шерик қилади, тарбиялайди.

Москва бадий театрининг машҳур актёри Борис Добронравов “Иван Грозний” спектаклида талант билан рол бажараётиб, саҳнада улыб қолган. Халқ артисти Аброр Ҳидоятлов Отелло ролини уйнаётиб, Дездемонага яқинлашаётганда Сора опа даҳшатга тушиб, томошабинга эшиттирмай: “Аброр ака! Ролдасиз...” деб огоҳлантириб турар экан. Отеллони саҳнада кўрган инглизлар: “Шекспирнинг ҳақиқий қаҳрамони Ўзбекистонда экан...” деб ёзиб кетишган...

Ҳа, аудитория билан сахна ўртасида “хитой девори” йуқ. Ўз касбининг устаси булган жуда кўп муаллимлар, олимлар — ўзининг чинакам “томошабин”ларига эга. Бу фан ва тарбия фидойиларининг ҳеч бири том маънодаги актёр эмас, аммо санъат ва адабиётнинг ҳақиқий жонкуярлари. Уларнинг бисотида табиат ато этган озгина “актёр”лик хусусияти мавжуд. Улардаги билимдонлик, нотиклик кўпчиликни ҳайратга солади, орқасидан эргаштиради. Бу ҳақда, жумладан, петербурглик машҳур адабиёт ўқитувчиси Евгений Николаевич Ильиннинг қуйидаги фикри гоят характерлидир: “Мен баъзан дастур эмас, синф ва унинг руҳий аҳволи, талабига қарайман. Дастур эмас, ўзимга, ўз қалбимга қулоқ соламан. Шунда ҳамма нарса жойида бўлади. Чеховнинг “Олчазор”ини онасини хурмат қилмаган ўқувчимга тавсия қиламан. Чунки мен реал одам билан ишляпман. Ҳаётнинг талаби ҳам шу.

Мен — синфда ҳар куни актёрман. Мени кўп танқид ҳам қилишди. Менинг дарсимда ҳаммиша “Зангори экран” бор. Зарур бўлиб қолса, мен — озгина Евгений Онегинман, Андрей Балконскийман”.

Е.Н.Ильин эътироф этганидек, ҳар ким ўз ишига ижодий ёндошиши — замон талаби, ҳаётини заруратдир.

Мактабда ҳам, олий ўқув юртида ҳам адабиёт ўқитувчиси олдида қўйиладиган талаб битта: илмда ҳаётдан орқада қолмаслик. Адабиёт ўқитувчиси эса фанга қизиқтиришнинг самарали томонларини эгаллаши, ўз ишига ижодий ёндошиши зарур. Талабанинг бадий асарни кўпроқ ўқиши, моҳиятини ҳис этиши, бадий ўқиш танловларида фаол иштирок этишини таъминлаш лозим.

Адабий-драматик тўғарак раҳбарлари танлов голибларини ўзига аъзо қилиб олишга эришиши керак.

Баъзи бир адабиёт ўқитувчилари ўзларининг тўғарак тузмасликларини, ифодали ўқишдан ожизликларини “мен актёр эмасман-ку” деган мазмунда оқлашга ҳаракат қилишади. Бироқ бу ҳол баҳона бўлолмайди. Ўқитувчи актёр эмас, бироқ у ўқувчилар ўртасидан талантли ёшларни тўғарак атрофига бирлаштириши, раҳбарлик қилиши зарур. Бунинг устига актёрлик фақат ифодали ўқиш билангина

белгиланмайди. Уқитувчининг ҳар бир фанни ўқувчилар онгига етказиши учун танлаган услуб ва усуллари унинг узига хос “актёр”лигини белгиловчи воситадир. Бинобарин, мактабда тузилган адабий-драматик тўғаракка раҳбарлик қилиш санъатининг ўзи ҳам ўқитувчининг педагоглик фаолиятидаги “актёр”лигидан нишонадир.

Шунга кўра ўқитувчи нафақат дарс жараёнида, балки дарсдан ташқари фаолиятида ҳам узини саҳнада, томошабинлар кузатувида деб ҳис қилиши зарур.

Бу масаланинг бир томони. Иккинчи жиҳатдан эса, ҳар бир адабиёт ўқитувчиси, агар у чинакам педагоглик қобилиятига эга бўлса, ифодали ўқишни жойига қўйиш, умуман, бадиий асардаги характер қирраларининг эстетик моҳиятини ёш авлодга образли тарзда етказишга ҳаркат қилиши лозим. Чунки ўқитувчининг ўзи асар қаҳрамонининг нутқини ўқитаётиб, унинг ички кечинмаларидан таъсирланмаса, унга ўз муносабатини билдирмаса, қандай қилиб ўқувчи эътиборини қозонарди дейсиз. Адабиёт ўқитиш услубияти ва ифодали ўқиш принципи шундан иборатки, ўқувчидан ҳам, талабадан ҳам, ҳатто ўқитувчидан ҳам узлуксиз меҳнат талаб қилади.

Ўқувчи нутқини ривожлантириш борасида тўғаракнинг барча тури ёрдамчи воситалардир.

Мактабда ўтказиладиган тўғаракларни қуйидагича белгилаш мумкин:

- 1) адабиёт тўғараги;
- 2) “ёш қаламкашлар” тўғараги;
- 3) ифодали ўқиш тўғараги;
- 4) адабий-драматик тўғарак.

Олий ўқув юртлари филология факультетларида адабиёт тўғараги илмий-назарий ва ижодий характерга эга. Шунга кўра уларни образли номлар билан ҳам (“Шалолла”, “Гулхан”, “Орзу” ва ҳ.к.), илмий-оммавий номлар билан ҳам (“Адабий-бадиий тўғарак”, “Адабий-драматик тўғарак”) аташ мумкин.

Маданий-маърифий муассасаларда эса “Клуб”, “Гуруҳ”, “Халқ театри”, “Ҳаваскорлик тўғараги” каби номлар билан юритилади.

Бироқ улар ўз олдига қуйган мақсадларига кура бир-бирига жуда яқин. Чунки уларда профессионализм характери етакчи ўринни эгалламайди.

Афсуски, шу кунгача ҳаваскорлик тўғараклари учун махсус дарслик ва дастур йўқ. Ҳар бир ташкилот ўз ша-роитидан келиб чиқиб ўз иш режасини, жадвал ва гра-фигини тузиб олади. Бу тадбирлар талаб даражасига кута-рилмаганлиги учун ҳар бир тўғарақда машғулотлар бир хил — айримларида ойида бир, икки, айримларида эса ҳафтада бир марта ўтказилади.

Бу ҳол камдан-кам ўтказиладиган машғулотлар сифа-тига ҳам сезиларли таъсир қилади. Айрим жойларда но-мига, “ҳужа кўрсин учун” ўтказиладиган тадбирлар ҳам оз эмас.

Маълумки, ўқитувчи ёки талаба бир сменалик дарс ёки маъруза тинглагач, чарчайди. Адабий-драматик тўга-рак машғулотлари эса 2 ёки 3-сменада, яъни чарчаган болалар билан ўтказилади. Яна бир қийин томони шун-даки, мактаб ёки институт бу — театр эмас. Бинобарин, ўзига яраша бошқа қийинчиликлар ҳам юзага чиқади. Бу ҳол адабий-драматик тўғарақ фаолиятига, баъзилар фикрича, умуман, “иккинчи даражали” иш деб қараш-га асос бўлади. Бироқ, унинг вазифаси асосий ишимиз-га ёрдамчи — этик-эстетик тарбия воситаси эканлигини унутмаслик зарур. Шунинг учун ҳар бир раҳбар тўғарақ учун махсус журнал тутиб, аъзоларини дарс жараёнида ва кундалик мулоқотда, индивидуал синовлардан ўтка-зиб, шошилмай (баъзан узоқ вақт ўтади) танлаши, саҳ-нага тайёрлаши зарур.

Тўғарақ аъзоларининг иши саҳна билан боғлиқ бўлган-лиги учун уларни шартли равишда “артист”, “актёр”, “ижрочи” деб аташ ҳам мумкин. Машғулотларни тайёр-гарлик даврида гримсиз, синф ёки аудиторияларда ҳам олиб бориш мумкин. Бироқ саҳна воқеаларининг жон-ли ва табиийлиги учун имкон борича ҳаракат қилиш зарур. Бунинг учун қуйидаги услуб ва усуллардан фой-даланиш мақсадга мувофиқ.

## **ТЕАТР — МАДАНИЯТ, МАЪНАВИЯТ ВА ТАРБИЯ УЧОФИ**

Сурхондарёнинг маданият, маърифат ва маънавият маркази — Маннон Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма театри ижодий жамоаси қарийб 70 йилга яқин уз томошабинларига беназир хизмат кўрсатиб келмоқда.

Мазкур театр, энг аввало, ҳамиша изланувчанлиги, топқирлиги билан узига мафтун этади. Энг муҳими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Халқаро “Темурнома” театри, “Йилнинг (2000) энг яхши режиссёри” совриндори Мансур Равшановнинг театр санъати усталарининг ижрочилик маҳоратини такомиллаштиришдаги хизматлари беқийёсдир. Бу тиниб-тинчимас, изланувчан, уз касбининг фидойиси ҳақида фикр айтиш осон эмас. Мансур Равшанов онадан фақат театр учун туғилганга ўхшайди. Унинг бажарган ишларини санашдан кўра, қилиб улгурмаган ишларини санаш осондир балки. Режиссёр театрнинг сирли дунёсига шўнғиб кетар экан, бу муъжизавий дунёга қандай кириб қолганини топгандай бўлишга интилади. Мактаб — болалик давридаги Сора опасининг санъатга илк бор меҳр уйғотгани, театр олий даргоҳидаги барча устозларини эслаб, эртак сўзлагандек тўлқинланиб кетади. Ким билади, аввало, Яратганнинг иноятидир бу. Ахир, режиссёрлар куп, ҳамма Равшанов бўлолмайди-да. Улкан исътедод соҳиби Мансур Равшанов бошчилигидаги театр репертуарининг диапазони кенг. У яратган спектаклар миллий маданиятимизнинг нодир намуналаридир.

Шу билан бирга унинг спектакллари миллат танламайди. Саҳнада чин инсон қиёфасини яратади. Театр репертуаридан қозоқ, қирғиз, тожик, Россия, ғарб давлатлари ижодкорлари қаламига мансуб асарлар ҳам урин олган: Саид Аҳмаднинг “Уфқ”, “Келинлар қўзғолони”, Чингиз

Айтматовнинг “Момо ер”, А.Н.Островскийнинг “Сеп-сиз қиз”, Ж.Б.Мольернинг “Скапеннинг найранглари”, Макаёновнинг “Трибунал”, Шукшиннинг “Сергайрат кишилар”, Ф.Шиллернинг “Макр ва муҳаббат”, Н.Парданинг “Адиб Собир Термизий”, Уйғун ва И.Султоннинг “Алишер Навоий”, У.Азимнинг “Алпомишнинг қайтиши”, Ш.Бошбековнинг “Эски шаҳар гаврошлари” ҳамда бошқа сахна асарлари ҳақида кўп ва хўп гапириш мумкин.

Режиссиёр ҳар бир спектаклни ўзига хос — оригинал талқинда сахналаштира олган. Бу унинг режиссёрликдаги маҳоратидан далолат беради.

М.Равшановнинг ташкилотчилик фаолияти алоҳида таҳсинга лойиқ. Термизнинг 2500 йиллигига туҳфа этилган қатор байрам тантаналарида унинг алоҳида урни бор. Санъат фидойиси Мансур Рашанов ҳақида Республика, вилоят оммавий ахборот воситаларида озмунча очерк, лавҳа, мақолалар чиқмаган дейсиз. Айниқса, санъатшунослик фанлари доктори Ильдор Мухторовнинг вилоят театрининг 60 йиллиги муносабати билан “Правда Востока” (8 декабр 1995) газетасида босилган “Ради этого стоит...” мақоласи алоҳида диққатга сазовор.

Биз ҳаваскор санъат мухлислари ва кенг жамоатчилик бу камтарин истеъдод соҳибидан беҳад миннатдор-миз. Афсуски, бу ажойиб инсон ҳақида ҳамма гапни айтиш имкониятига эга эмасмиз.

Ҳаваскорлик тугарагининг “мақсадли театр” йўналиши профессионал театр ижодий мутахассислари назарида қандай бўлиши керак? Шу пайтгача ёшлар театрига бўлган бизнинг муносабат ва фаолиятимиз уларга маъқулми, йўқми, шуни билишни истаб, санъат арбоби билан мулоқотга киришдик:

— *Мухтарам Мансур Темирович! Сиз — театр соҳасининг улкан мутахассисиз. Сиз билан фахрланамиз.*

*Сизнингча, ҳозирги замон миллий театрининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат? Театр сиз учун нима?*

**Жавоб:** Ҳозирги замон миллий театри жамият тараққиётида алоҳида рол ўйнайди. Театрнинг мақсади, авваломбор, миллат тарихи: ўтмиши, ҳозирги, келажagini

кўрсатишдан иборат. У Ватанни, миллатни, инсонни, санъатни севишга ундаши керак.

Театр санъати инсон учун маънавий манфаат воситаси. Театр санъати ёши, миллати, жинси, мансаби, жамиятда тутган ўрнидан қатъи назар, ўзининг таъсирчанлиги ва жозибadorлиги билан манфаат кўрсатади. Ҳар қандай шахсни кулдиради, йиғлата олади. У жисмоний ҳолати билан уз комига торта олади. Инсонни бошқаради, уз ҳолатига буйсундиради. Унда шахс ўзини ойнада кўргандай бўлади. Санъат инсон билан тирик мулоқотда бўлади. Шунинг учун театр санъати ҳеч қачон ўлмайди, асрлар оша яшайверади.

Театр санъати — инсоншунослик санъати. Театр санъати инсон тафаккуридан бир қадам олдинда юриши керак. Бу ерда сиз ўзингизни топиб оласиз. Сиз ўйламаган нарсалар очилади. Спектакл замонавий бўлиши керак. Театр сиёсатга эмас, мафкурага хизмат қилиши керак. Айтайлик, Ҳусайн Бойқаро — сиёсат эмас, салтанат. Театр миллий мафкура талабларига жавоб бериши керак. Президентимизнинг истаги ҳам шу. Миллий театрнинг вазифаси ҳам шундан иборат.

Энди, театр мен учун нима? Театр — мен учун ҳаёт. Жамиятда тутган ўрним, оилам, болаларим, муҳитга бўлган муносабатим. Бу — менинг ўтмишим, ҳозирим, келажаким, бурчим, меҳнатим. Шу билан туғилдим, шу билан яшайман.

— *Сиз санъатга, унинг йирик жанри театрга қандай сабабларга кўра кириб келдингиз?*

**Жавоб:** Билмайман. Худонинг илоҳий кучи булса керак. Ҳамзанинг “Бой ила хизматчи”си, шеърлари, Горькийнинг “Тубанликда” пьесаси, Чеховнинг “Чайка”си, Пушкин, Шекспир, Мольер, Шиллер асарлари, Уйғун ва И.Султоннинг “Алишер Навоий”си ва жуда кўп бошқа ёзувчиларнинг ижоди таъсир қилган булса ажаб эмас. Улар “Даҳшат!” (яхши маънода. Зур демоқчи. *Муаллиф*) бўлиб туюлган менга. Мени санъатга ким олиб келганини билмайман. Мен милицияда, КГБ, савдода ишлаб кўрдим.

Аммо театрsiz яшай олмадим. Театр — бу менинг борлигим.

— *Сиз — таниқли режиссёрсиз, бунга қандай қилиб эришдингиз?*

**Жавоб:** Меҳнат билан эришган бўлсам керак. Бойлик, борлик, соғлиқдан кечиб эришдим. Сизнингча, мен таниқлими, йўқми, ўз ишимни бажараман. Бутун фикру зикрим билан ҳафталаб, ойлаб, йиллаб меҳнат қиламан. Мен ҳар куни халққа имтиҳон топшираман. Ҳар куни... Бир умр катта масъулият билан яшайман.

— *Драматик тўғаракнинг бадий раҳбарлари ўзларини шартли равишда режиссёр деб атайдилар. Лекин бу улуг касбга даъвогар эмаслар. Сиз бунга қандай қарайсиз?*

**Жавоб:** Ижобий қарайман. Бизнинг Ўзбекистонимизда жуда кўп дипломли режиссёрлар бор. Аммо уларнинг кўпчилиги ўзларининг касби билан эмас, бошқа ишлар билан шуғулланишади. Уларни режиссёр деб бўлмайди. Ҳақиқий режиссёр ўз касбига фидойи бўлиши керак. Режиссёр — яратувчи, шу билан бир вақтда ижрочи ҳам. Актёр — фақат ижрочи. Ҳаваскор бадий раҳбар ҳам яратиш билан шуғулланса, у — албатта режиссёр. Дипломлими, дипломсизлигидан қатъи назар, у — режиссёр. Агар озгина иқтидор бўлмаса, режиссёр бўла олмайдди. Борингки, ўнта одамнинг бошини қовуштирган иқтидорли одам — режиссёр. Иқтидорни кўпроқ Худойимтаоло беради. Режиссёрлик баъзан ўқишга ҳам боғлиқ эмас. Муҳитга янгича қарашингиз, кимнидир хиёнатдан қайтаришингиз билан ниманидир яратдингиз.

Болалар боғчасидами, мактабдами, олий даргоҳдами, фарқи йўқ, яратувчи бадий раҳбар — режиссёрдир.

Яратувчилик билан шуғулланувчи киши ўз ишини севиши, кўп меҳнат қилиши, тинмай изланиши, кўп нарса билиши — ўқиб ўрганиши керак.

— *Драматик тўғарак ижрочилари — аъзоларига қандай истақларингиз бор?*

**Жавоб:** Агар театр санъатини ҳақиқатан ҳам яхши кўрса, унга содиқ бўлиши, томошабиннинг дилига кира билиши

керак. Театр санъатида энг олижаноб танқидчи — халқ. Ижрочи томошабинни уша муҳитга олиб кира билиши лозим, бу қийин жараён. Ҳаваскор ута талантли булсагина шуғулланиши керак, қизиқиш—истаги булмаса шуғулланишнинг ҳожати йўқ. Санъаткорлик — катта талант, иқтидор, маҳорат асосида юзага чиқади. Ёш ижрочи манманликка, кибр-ҳавога берилмаслиги даркор. Улар уз таланти ва иқтидорини ижодий меҳнати асосида ўстирсин, акс ҳолда томошабин олдида шарманда бўлади.

Театр ижрочилигида талантни қадрлаш, тарбиялаш керак, вақти келиб у дунёга танилиши, кенг томошабинлар қалбидан чуқур жой олиши, довруқ таратиши мумкин.

— *Сиз менинг собиқ шогирдим Муҳиддинжон Мажидов билан бирга таҳсил кўргансиз, деб биламан. Унинг қайси фазилатларини қадрлайсиз?*

**Жавоб:** Муҳиддин Каримович жўшқин характерли, фавқулодда талант, мусиқавий овоз эгаси эди. У театр учун туғилган инсон эди. Унинг ижро этган роллари ҳали-ҳали кўз унгимдан кетмайди. Айниқса, “Насриддин Афанди” спектаклида Гусиен Гуслияр образини шунақа қойил қилиб уйнаганини асло унутолмайман. Бу ролни ҳеч ким Муҳиддинчалик ижро этолмади: У яхши ижодкор, изланувчан раҳбар, тиниб-тинчимас ташкилотчи, садоқатли оила бошлиғи эди. Муҳиддин — театрнинг юраги, санъатга содиқ инсон эди. У театр олий ўқув юртини тугатиб, Муқимий номидаги мусиқали драма, Навоий номидаги опера-балет, Термиз мусиқали драма, Қаршидаги мусиқали драма театрларида актёр, режиссёр, раҳбар сифатида фаолият кўрсатди. Муҳиддинни Термизга мен олиб келдим. У менинг энг яқин дўстим, акам, ҳамкасбим эди. Муҳиддин талабалик йилларида машҳур опера артисти Карим Зокировнинг уйида яшаб, улуг устоздан таълим ва маънавий озиқ олди. Иқтисодий жиҳатдан қийналган пайтларида ҳам юксак орзу-мақсад билан яшади. Касбини ўзгартирмади. Муҳиддинжон ҳаётининг охиригача ўз миллати, санъати, дўстларига меҳрибон, она юрти ва жонажон халқига фидойилигича қолди.

— *Нима учун одамлар театрга кам киради?*

**Жавоб:** Бу балки жамият қонуниятидир. Кимдир театрни ёқтиради, кимдир вақт тополмас. Утган асрнинг 40—80-йилларигача театр санъатига талаб кучли эди. Кейинчалик, мусиқа, ашула ва рақс ансамбллари тараққий этди. Опера-балет ўсди. Телевизион курсатувлар тараққий этди. Бу ҳақда сизлар кўпроқ ёзингизлар. Таклиф-истакларингиз бизга керак. Бир вақтлар Неъмат Қурбонов деган мухлисимиз буларди. У ҳар бир саҳна асарларимизни эринмасдан қуради, матбуотга чиқарди. Бугун Қудрат Жўраев деган домла — анча фаол. Такриз, фикрлар билдираяпти. Бу — яхши. Театр атрофида жонли мусоҳаба бошланса, ана шундагина театрга томошабин уз қизиқиши билан келади.

Лекин, барибир, театр санъати ўз таъсирини йўқотди, деёлмайман. Театрга кам киришга сабаб ҳар бир спектаклнинг уз томошабинлари бор. Бу савия, дунёқараш билан боғлиқ. Театр санъати ҳамма учун шарт эмас. Илгор тафаккурли зиёли билан чўпон ёки деҳқон бир эмас.

Театр — жонли мулоқот, ишлаб чиқариш (ҳўнар) эмас. Майли, кам келсин. Кам келса ҳам келадик. Масалан, театримиз бир йилда 178 та спектакл намойиш этди. Бу оз эмас. Ҳарқалай, томошабин қалбига йўл топиш мумкин. Театр уз мухлисларини ҳеч қачон йўқотмайди. Бадиий раҳбар янги-янги спектакллари яратавериши керак.

— *Мухлисларингизга қандай истақларингиз бор?*

**Жавоб:** Театр санъатига содиқ қолинглар демоқчиман. Санъат Худойимтаоло томонидан берилган неъматки, уни қадрлаш керак. Биз сув, овқат билан ўзимизни қониқтирамиз. Бир-биримизни соғинганда дийдорлашамиз. Кайфиятимиз аъло бўлса, гулга қараб баҳра оламиз. Уни туйиб-туйиб ҳидлаймиз.

Севишганлар қониқишидан янги авлодлар вужудга келади. Биз таҳқир, нафратларга дуч келсак, йиғлаб юрагимизни бушатамиз. Сув, нон, гул, муҳаббат ҳиссиётимизни қандай қониқтирган бўлса, театр санъати ҳам янгича яшашга, келажак авлодлар учун янги-янги фикрлар айтиш, Ватанга, одамларга садоқатли бўлиш, уларни қадр-

лашга, озод ва обод ҳаёт қуришга, эзгуликка даъват этади. Санъат инсонни улуглаш учун керак.

Дарвоқе, Мансур Равшановнинг дил сузлари — рост. Санъат инсонни улуглагани шу-да. Бугунги кунда у Хизмат кўрсатган санъат арбоби. У ҳам ўқувчи бўлган, ҳаваскорлик тўғарагида Гофир каби ролларни ўйнаган.


Муҳиддинжон-чи, Қарши шаҳридаги Навоий номли ўрта мактабда ўқиб юрган кезларида адабий-драматик тўғарақда қатнашиб, спектаклда бош ролларни ижро этди. Бир сафар Муҳиддинжога: “А. Қаҳҳорнинг “Шоҳи сузана” (“Янги ер”) пьесасида Деҳқонбой ролини ўйнайсан”, — дедим. У: “Йўқ, мен ашуласи бор пьесада рол бажармоқчиман”, — деб ўжарлик қилди. Шунда Уйғуннинг “Олтинкул” мусиқали драмасини танлашга мажбур бўлдим. Халқ ашула ва лапарларига бой бу спектаклда ўйнаган “Турсунали” — Муҳиддинжон бир умр куз олдимдан кетмайди. Овозмисан овоз бор эди унда. Мактабнинг томини ёргудай. Қадди-қомати келишган бу йигит — “ўжар” Муҳиддинжон вақти келиб, Ўзбекистон Халқ артисти бўлди. Ҳа! Энг буюк бинолар ҳам аслида пастдан бошланади. Болалар боғчаси, мактаб, олий ўқув даргоҳлари адабий-бадий тўғарақлари ҳали қанча-қанча Мансур, Муҳиддинжонларни етиштирса не ажаб.

Ёшларни тарбиялашдан иборат бўлган бадий чикишлар, “мақсадли театр” гуруҳлари фақат актёр тайёрламайди, умуман, болани тарбиялайди. Гап актёр бўлиш, бўлмасликда эмас. Тўғарақда иштирок этишдан асл мақсад-муддао — орзу, истак, иқтидор билан боғлиқ.

Энг муҳими, санъат инсонни тарбиялайди, чиниқтиради, қалбини тозалайди, эстетик завқ беради, эзгу мақсадлар сари етаклайди.

## **АДАБИЙ МОНТАЖ ВА СЦЕНАРИЙ**

Санъатшунослик соҳасида сценарийчи-режиссёр ибораси кўп ишлатилади. Бу — профессионал театр санъати мутахассислигига оид атама. Аммо юқорида таъкидланганга



нидек, тугарак аъзолари учун кимдир сценарий ёки сахна асари яратмайди. Ҳар бир тугарак уз эҳтиёжидан келиб чиқиб, ниманидир яратиши ёки асарлар асосида тайёрлаши лозим.

Демак, шунга кўра тугарак раҳбарлари — санъат мухлисларини ҳам шартли равишда сценарийчи режиссёр-педагог деб атаса хато бўлмайди. Чунки улар ҳам, яхши ми-ёмонми, сахна билан шуғулланишади. Тўғри, санъаткор ва ўқитувчи орасида мутахассис сифатида фарқ катта. Аммо юқоридаги ҳолатда шакл ва мазмун жиҳатдан вазифаси бир.

Сценарийчи ким? Бу — сценарий муаллифи. Режиссёр-чи? У — бадиий раҳбар (сахналаштирувчи).

Одатда, маданий-маърифий муассасалар қошида ҳаваскорлар клублари фаолият кўрсатади. Улар ҳам профессионал, урта мутахассис ёки шунчаки қизиқувчи кишилар жамоасидан иборат бўлади.

Мактаб қошидаги тугараклар ҳам ташқи жиҳатдан мана шу клубларга яқин туради. Тафовут шундаки, мактаб ва олий ўқув юртларидаги адабий-драматик тугарак раҳбари ҳам сценарийчи, ҳам режиссёр бўлишга мажбур. Бир кишига икки вазифа юкланади.

Хуш, унинг фаолияти қандай йўналишда бўлиши мумкин?

Сценарийчилик йўли — бирор муҳим мавзу, гоё бўйича мустақил, ижодий образли матн яратиш ва шу асосда ишлаш усули. У ўзи яратган матннинг муаллифи, режиссёри — бадиий раҳбари. Шу билан бирга, матн муаллифи ва режиссёри уз олдига таълим-тарбия беришдан иборат бўлган муҳим вазифани ҳам қўяди. Бу ҳол театрларда фақат аудиторияга мўлжалланган бўлса, тугаракларда ҳам аудиторияга, ҳам тугарак аъзоларининг ўзларига тегишли бўлади. Чунки тугарак аъзолари фақат тарбия берувчигина эмас, айни пайтда тарбияланувчи ҳамдир. Шунга кўра тугарак раҳбари маълум бир тарихий санага ёки бирор ҳаётий муаммога оид асарни, тарбия билан боғлиқ булган аниқ мавзунини танлайди. Уни “ҳаёт факти”, “санъат факти” асосида қайта ишлаб, янги бир композиция шаклига келтиради.

“Ҳаёт факти” ва “санъат факти” деб нимани тушунамиз?

“Ҳаёт факти” — санъатга дахли бўлмаган ҳаётий фактлар, воқеалар, ҳужжатлар, фотосуратлар, хатлар, магнитофонга ёзилган ҳаётий лавҳа, қаҳрамон нутқи, ҳужжатли кинохроника ва ҳоказолар.

“Санъат факти” эса — барча жанрда яратилган санъат, адабиёт асарлари: мусиқа асари, хореографик, поэтик, прозаик, драматик асарлар, бадиий фильмлардан олинган парчалар ва шу кабилар.

Булар ўз-ўзидан сценарий бўла олмайди, албатта. Бу вазифа монтаж қилиш жараёни, деб ҳисобланади. Монтаж ҳам худди драматик асар сингари конфликтга, асар сюжетидек ўз композициясига — тугун, воқеа ривожи, кульминация, ечими, кириш ва хотимасига эга бўлади. Пировардида, монтаж сценарийни вужудга келтиради.

Сценарий (машҳур киносценарийчи томонидан сахна учун махсус ёзилган сценарийлар бундан мустасно) ҳаваскорлик сценарийси характерида бўлиб, таълим-тарбиявий мақсадга буйсундирилган ижодий дастурдир. У конкрет ҳаётий ва амалий вазифани ҳал қилади.

Шундай қилиб, “ҳаёт факти” ва “санъат факти” монтаж учун, монтаж эса сценарий учун хизмат қилади. Яхлит бир блокка айланган сценарий томошабинга курсатилади. Ахир, бино ҳам тайёр ҳолда қўндирилмайди-ку? Уни тиклаш учун қанча материал, меҳнат керак бўлади. Монтаж ва сценарий ҳам бино қурилишини эслатади.

Энг муҳими, ўқитувчида шунга иштиёқ ва ҳавас бўлиши керак.

Албатта, бирданига муваффақиятга эришиб бўлмайди. Изланишдан чарчамаслик керак. Майли, сиз яратган “бино”нинг савияси пастроқ, усули соддароқ бўлсин, ammo у соф ўз “кашфиётингиз” бўлади. Баъзан ана шу содда сахна чинакам санъаткорлар учун янги бир гоё тўғдиради.

Ахир, “учқундан аланга пайдо бўлади” дейилиши бежиз эмас-ку! Бинобарин, ҳар бир тўғарак фаолияти ҳам ўз томошабинларига қандайдир маънавий озик берган бўлади.

Тўғри, сценарий яратиш осон эмас. Бу ишни бажариш учун тажриба, вақт, изланиш ва топқирлик керак. Шошма-шошарлик билан тадбир тайёрлаб бўлмайди. Аввало, ўқувчи, талаба, яъни ижрочини тўғри танлаш зарур. Материал тўплашда жуда синчков бўлиш, ўқув юрти ёки жамоатчилик ўртасида қандай тадбирни уюштириш, ташвиқ қилиш йўллари мукамал ўйлаш керак. Педагог, биринчи навбатда, жамоатчи: уни ҳамма масала қизиқтириши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги Фармони бевосита ўқитувчи-мураббийларга тегишлидир.

Зотан, давлатимиз тарбия борасида кўпроқ ўқитувчига суянади.

Сценарий бу драма эмас. Чунки драматик асар матн режиссёр учун тайёр. Сценарийчи учун тайёр матн бўлмайди, уни ўзи тайёрлаши, энг муҳими, мавзу танлай билиши керак. Танлаган мавзуингиз қониқтирмаса, ҳеч иккиланмасдан алмаштириш керак. Мавзу ва гоёни тезда ҳал қилмасдан, узоқ ўйлаш, “ҳаёт факти” ва “санъат факти” устида шошилмай изланиш зарур. Айни чоқда тарихий саналарга оид материаллардан унумли фойдаланиш, саналар бўйича (1, 2 ой ёки йил аввал) унинг деталларини дарсдан сўнг танаффусда, тугарак, ҳаваскорлик йиғилишларида белгилаб бориш керак. Маълум асарни саҳналаштириш ҳақидаги гоё пишиб етилмаса, мақсадни тугарак аъзоларига ошкор қилиш шарт эмас, негаки, сценарийдан фойдаланмаса, уларнинг ихлоси қайтиши мумкин.

Сценарий матн мавзу жиҳатдан бой, таъсирчан тuzилган бўлиши керак. Албатта, бир ўқув юрти учун ишланган сценарий мазмуни барча турдаги ўқув юрларига айнан тўғри келавермайди. Баъзи матнларнинг йўналиши специфик характерда бўлиши мумкин. Биз — ўқитувчи бўлиш билан бирга тарғиботчимиз. Жамоатчилик биздан маънавий озиқ кутади.

Бу ўринда сценарийчига қандайдир бир қолип, рецепт тавсия қилиб бўлмайди. Ҳар бир бадиий раҳбар ўз тадби-

ри матни технологиясини ўзи тузгани маъқул. Дастурлар лирик, фуқаролик, қаҳрамонлик йўналишида бўлиши мумкин. Бу танланган мавзу талабига боғлиқ. Сценарийни раҳбар ёки тўғарак аъзоларидан бири бошқариши мумкин. Бошқарувчи — бу ахборот етказувчи.

Лекин кўп ҳолларда тадбирлар узундан-узоқ, зерикарли маъруза усулида ўтадики, ўрта саводхон аҳоли ундан мароқлана олмайди, суҳбатнинг ундан бирини ҳам тушунмайди. Маъруза ва суҳбатнинг янги, самарали усулларини қўллаш вақти аллақачон етган. Турли услуб ва усуллар тўғрисида қарандир кўрсатма кутиш шартмикин?! Таълимдаги бугунги ислоҳот ҳар бир педагогдан ижодий ташаббускорликни талаб қилади. Бинобарин, ишни ташкил этиш фақат адабиёт ўқитувчисининг эмас, умуман, ҳар бир педагогнинг ташаббускорлигига боғлиқ.

Бугунги кунда мактаб ислоҳоти гоёлари ҳаётга тобора чуқур сингиб бормоқда. Айниқса, юртбошимизнинг “Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш” ҳақидаги қарорларида эътироф этилганидек, мактабнинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлаш кечиктирилмас заруратга айланиб қолди. Бу эса олий таълимга ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Олий ўқув юртинининг мактабда ўтказиётган амалий ишлари янада кучайди: педагогик амалиётга узлуксиз амалиёт қўшимча қилинди. Бу принцип мактаб билан олий ўқув юртинининг бир-бирига доимий боғлиқлигини таъминлади.

Усмир-ўқувчиларнинг ҳар жиҳатдан камолотга етиши учун дарсда ўтказиладиган 45 минутлик суҳбатнинг ўзи етарли бўлмай қолди. Тажриба шуни кўрсатадики, бола меҳнат қилиб чарчагач дам олиши, ҳордиқ чиқариши керак. Фақат дарснинг ўзи ўқувчини мактабга қизиқтира олмайди. Шунинг учун дарсдан ташқари пайтларда ўқитувчи турли тадбирлар ўтказиш пайтида ўқувчи ёки талаба билан яқинроқ бўлиб қолади, бора-бора, бу яқинлик дўстликка айланиши мумкин. Ана ушанда ўқувчилар дарсни ҳам жон деб тинглашади, тўғаракка ҳам жон деб қатнашади. Тадбир кўплигидан асло чўчимаслик керак. Ахир услубиятимизда оsonдан қийинга қараб бориш прин-

ципи бор-ку? Ишни жуда оддийдан бошлаб, аста-секин мураккаблаштириб бориш мумкин.

Таржимаи ҳол ва фаолиятга оид тусдаги юбилей кечалари, адабий-бадий, адабий-муסיқали композициялар, университетларда эса шуларга қўшалок ҳолда ўқитувчилик касбига, педагогик ва психологик муаммо — этик-эстетик, севги ва дўстлик, миллатлараро дўстлик, миллий маданият, меросимиздан ифтихор ва ватанпарварликка оид масалалар бўйича савол-жавоб кечаларини монтаж ҳолида ташкил қилинса, жуда яхши натижа беради.

Мавзунинг характериға кўра, саҳнавий ахборот таъсирчан, конфликтли, мақсад ва вазифаси аниқ бўлиши керак. Ёшлар саҳнадаги яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам таҳлил қилиб утиришади.

“Ҳаёт факти”, “санъат факти” таъсирчан бўлса, унга лоқайд бўлолмайди. Ўзгалар фожеаси учун қайғуради. “Мен унинг ўрнида бўлсам, нима қилар эдим?” ёки “Йуқ! Мен бу йулдан бормайман”, “Ҳа! Менинг ҳам адашишимга оз қолган экан” каби фикрлар, мулоҳазалар юзага келади.

Бу ҳол эса ўқувчининг ҳаёт ҳақида мустақил хулосалар чиқаришиға ёрдамлашади. Уларни ҳаётнинг турлитуман мураккабликларига тайёрлайди, айна чоғда ҳаётда яшашга, ижтимоий маънавий тайёргарлик кўришга олиб келади. Бир сўз билан айтганда, мукамал характери шакллантиради.

Бинобарин, дастурни шундай тайёрлаш керакки, залда утирганлар ўзини ўша сценарий тизимининг бир қисми, ўша жамоанинг бир аъзоси сифатида тасаввур этишсин.

Тўғри, савияси паст томошабинлар ҳам бўлади. Қайғуриш ўрниға гап сотади, йиғлаш ўрниға кулади. Аммо у ҳам доғма эмас, қачондир ўзгаради.

Зиёли аҳли, ижодкорлар нафақат ҳаётни, балки сиёсатни ҳам яхши билиши керак. Мамлакатимизда руй бераётган жиддий ўзгаришларда фаол иштирок этиши, Ватан қақриқларига тайёр туриши зарур. Маданий-маърифий ишлар билан фақат томошабинни эмас, умуман, ўзини ҳам қайта тарбиялаши керак. Масалани шундай қўйиш керак: томоша кўювчи ва томошабин. Булар ўртасида ман-

тикий боғланиш бор. Пировард натижада томошабин томоша қўювчининг шеригига айланиб қолади. Бинобарин, меҳнат қанча оғир бўлмасин, зое кетмайди. Бу туйғу тўғарак аъзоларига ҳузур бағишлайди, ҳаётий мазмун касб этади. Томошанинг мазмунли ва эмоционал чиқиши унинг самардорлигига боғлиқ. Булар — сахнани безаш, мусиқа, мезансцена (ижрочининг сахнадиги ўрни), ёритувчи воситалар; сахнавий матн — “ҳаёт факти”, “санъат факти”, бошқарувчининг баёни — булар сценарийнинг энг муҳим унсурларидир. Муҳими — амал қилиш.

Баъзан шундай бўлади. Кўпчилик мактабларда, урта махсус ўқув юртларида улуг адибларнинг юбилей кечалари ёки кўпинча, севги ва дўстлик мавзудидаги савол-жавоб кечалари уюштирилади. Бироқ яхши ният билан тузилган бу тадбирларнинг аксарияти тайёргарликсиз, пассив руҳда, тасодикий, “тез пишар”, “қўлдан ўтар” усулида ўтказилади.

Залга томошабин мажбуран киргизилади, дарвоза ва эшикларга пойлоқчи қўйилади. Ушанда ҳам томошабин йўлини топиб қочиб қолади. Агар тайёргарлик яхши бўлса, ёшлар унинг қизиқарлигини олдиндан биладилар ва кечанинг ўтишини сабрсизлик билан кутадилар.

Республикамызда “фольклор ансамбли”, “ашула ва рақс ансамбл”лари деярли ҳамма ерда ривожланган. Улар республика доирасидан чиқиб, чет элларда ўз талантларини кўз-кўз қилмоқдалар. Аммо кўпчилик мактаб ва ўрта махсус, олий ўқув юртларидаги “сўз санъати ва режиссёрлик” бўйича тузилган тўғаракларда сезиларли бирор иш кўринмайди. Бу албатта театр санъатининг мураккаблиги ёки ишни тўғри ташкил этмаслигининг натижаси бўлса керак.

Республика телевидениесида тез-тез вилоят талантлари концертини, “Мен нечун севаман, Ўзбекистонни” қўшиқ-танлов фестивалларини томоша қиламиз. Аммо мактаб, урта махсус, коллеж, академик лицей, олий ўқув юрти тайёрлаган теарт санъати-чи? Ахир, бунинг тарғибот самараси ҳам беқиёс-ку! Демак, қўйдан ҳам, юқоридан ҳам қизиқиш зарур. Адабий-драматик тўғарак фаолиятини те-

левидение орқали кенг жамоатчиликка етказиш вақти аллақачон етган.

Бир вақтлар дикламациячилар кўриги булар эди... ҳозир бу ҳам тўхтаб қолган. Аммо адабиётни, ҳаётни, санъатни севган киши учун бу асосий гов бўлмаслиги керак.

Майли, содда, гўр бўлса ҳам тайёрлаш, уқувчиларни жалб этиш керак. Ёшларнинг бўш вақти мазмунли ўтиши мислсиз катта тарбиявий вазифани бажаради. Санъат дам олдиреди, маънавий озик, эстетик завқ беради.

**Сценарий устуда ишлаш.** Иш қуйидаги босқичларда олиб борилади:

**БИРИНЧИ БОСҚИЧ:** *Сценарийни ўқиб эшиттириш.* Унда ҳамма фикр асосли булганлиги учун бирдан топшириқ беришга утилади. Баъзиларнинг топшириги эса олдиндан ўрганила бошлаган бўлади. Тадбир композицияси, тугуни ана шу тариқа пайдо бўлади. Ёдлаш, ўрганиш бошланиб кетади.

**ИККИНЧИ БОСҚИЧ:** Матнни тулиқ ёдлаб бўлишни кутиб ўтирмай, *репетиция бошланади.* Бунда гуруҳ аъзолари билан биргаликда ва индивидуал тарзда иш олиб борилади. Чунки ҳамма тўғарак аъзоларининг савияси бир хил эмас. Улар бир-бирига эргашиб, намуна олиб тез ўргана бошлашади. Режалаштирилган композициянинг муддати узоқ ёки яқинлигига қараб иш тугилади.

Сценарий ҳажми, давом этиш вақти ҳамиша бир хил бўлмайди. Ундаги материал ва деталларнинг осон ёки мураккаблиги ҳам ҳисобга олинади. Энг муҳими, репетиция ўтказиш учун вақтнинг бемалол бўлиши ва ҳар бир ижрочи билан пухта ишлаш, уларни меъёрига етказиш зарур. Бунда интизом масаласи ҳам — муҳим аҳамиятга эга. Тўғарак аъзоларининг ҳаммаси машғулотда қатнашиши шарт. Агар ҳамма қатнашмаса, ишнинг натижаси яхши бўлмайди. Бу ҳолни сценарий ишининг динамик ривожидеб аташ мумкин.

**УЧИНЧИ БОСҚИЧ:** *Сценарий тайёр.* Аммо машғулот тўхтатилмайди, аксинча, кучайтирилади. Матндаги сўзлар энди ижрочининг ўзиники бўлиб қолиши керак. Иш шу даражага етганда 3 кун танаффус қилинса борми, суръат бирдан тушиб кетиши мумкин. Айниқса, намойиш

қилиш олдидан ҳар куни вақт топиб машқ қилиш лозим. (Ниҳоят кульминация ва ечим.)

**ТҮРТИНЧИ БОСҚИЧ:** *Сценарий саҳнада.* Бу тўғарак раҳбари ва аъзолари учун байрам — финиш (яқун).

Адабий-драматик тўғаракларда сценарийни мазмун жиҳатдан бойитадиган асосий восита — инсценировка. Инсценировка “саъват факти” бўлиб, дастурни мукаммаллаштиради, унга жон киргизади. Инсценировка аслида, тайёр ҳолда рўй бермайди. Уни муаллиф ёки ўқитувчи ўзи тайёрлайди. Баъзан инсценировка катта спектакл даражасига ҳам кўтарилиши мумкин. Масалан, Ойбекнинг “Қутлуғ қон”, А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи асосида ишланган инсценировкалар спектакл даражасига кўтарилган. Ҳатто баъзи прозаик асарлар телевизион видеофильмлар қилинган. Умуман, бадиий кинофильмлар матни янада мукаммалроқ сценарий инсценировкаси ҳисобланади.

Бу ерда эса гап ҳаваскор режиссёр яратадиган инсценировка устида кетяпти. Бинобарин, бу ўринда мустақиллик етакчилик қилади. Чунки бунда мадад берадиган кишининг ўзи бўлмайди. Тўғарак аъзолари ўзлари тайёрлашлари, уни инсценировка деб аташлари мумкин. Зеро матн устида ҳам ўзлари меҳнат қилади, уни саҳнада кўрсатиш учун тер тўқади. Бирор асар яхлитлигича (спектакл ҳажмида) инсценировка қилинса ҳам бўлади. Масалан, Одил Ёқубовнинг “Биллур қандиллар” типидagi қиссаларини тўла саҳналаштириш мумкин.

Сценарий учун инсценировка тузишда асардан кичик ва энг муҳим парча танлаб олинади, ундан саҳна учун зувала ясалади, у матннинг руҳига мослаштирилади.

Аммо асардан энг муҳим моментларни ҳар қаердан йиғиш, жамлаш усули бор. Бу иш кўп изланишни талаб қиладиган мураккаброқ иш. Масалан, Саида Зуннуванинг “Янги директор” қиссасидан фойдаланиб, шу усулдаги инсценировка тайёрлаш мумкин.

Бу ўринда энг муҳими, муаллиф гоёсини сақлаган (бузмаган) ҳолда янги бир композиция тузишдадир. Бу қанча қийин иш бўлмасин, тўғарак раҳбарига қўтилмаган завқ

ҳам бағишлайди. Бунда ўқитувчининг мустақил, ижодий хизмати кўзга яққол кўринади. Агар мазкур саҳнани тайёрламаганда эди, уша асардаги ҳайратомуз воқеани унинг иштирокчилари ҳам, томошабинлар ҳам ҳеч қачон билмаган, кўрмаган буларди. Айниқса, уни саҳнадагидек тасаввур қилиш ниҳоятда завқли!? Инсценировка “Қасбим — фаҳрим” сценарийси учун “санъат факти” сифатида киритилади. Сценарийни тўғарақ аъзолари — талабалар ва мактаб ўқувчилари билан ҳамкорликда тайёрлаш мумкин.

Мазкур сценарий намойиш этиладиган мактаб маъмуриятига олдинроқ суҳбат мавзуи маълум қилинади. Мактаб ўқувчиларидан 3 нафарига касб ҳақида қисқароқ маъруза тайёрлаш топширилади. Ўқитувчилик ва жуда кўп бошқа касбларнинг узига ҳослигига доир қисқа маърузалар ҳаётий фактлар асосида тингланади. Саҳна эса барча касбнинг касб эгалари акс эттирилган плакат ва расмлар билан безатилади. Аниқ фанга қизиқувчи ўқувчилар иштирокида саҳнада турли хил экспериментлар ўтказилади. Кейин инсценировка ва мактабнинг ҳаваскорлик тўғараги мавзуига оид концерт номерларини намойиш қилиш режалаштирилади. Викторина, хуллас, барча ғолибларни мукофотлаш, рағбатлантиришдан иборат дастур тузилади.

Кечани гапга чечан, фаол талаба ёки ўқувчи бошқаради. Бу типдаги томошалар тингловчиларда ва томошабинларда катта таассурот қолдиради. Чунки у тасодифий бўлмай, олдиндан кўрилган катта тайёргарлик асосида ўтказилади.

Шу уринда инсценировканинг ғоявий мазмуни ҳақида бир оз тўхталиш лозим. Маълумки, Саида Зуннунованинг “Янги директор” қиссаси 50-йиллар маҳсули, лекин унда қўйилган муаммоларда 60—70-йиллардаги турғунлик иллатларини фош қилиш ва ҳозирги мустақиллик даврининг руҳи борлиги кишини қувонтиради. Биринчидан, унда раҳбарликдаги адолатсизлик, бюрократизм ва пора-хўрлик қораланади.

Мактаб директори Саодат илмни баҳолашдаги ноҳақлик, нопоклик ва кўзбўямачиликка қарши курашади. Асарда ахлоқ масаласи биринчи галда туради. Тадбиркор раҳ-

бар йўлдан адашган ёшларнинг ҳаётдан ўз ўрнини топишига ёрдам беради.

Ҳозирги давр учун ҳам долзарб бўлган мазкур гоёлар асарнинг маърифий-эстетик қимматини белгилайди. Агар ундан бирор парчасигина саҳналаштирилса, томошабинда тўлиқ таассурот ҳосил бўлмайди.

Шунга кўра бир неча эпизодлардан ярим соатга мўлжалланган ҳолда монтаж қилиш натижасида муаммолар комплекси жам бўлади ва мазмуни яхлит спектаклга ухшаб қолади. Томошабин уни спектакл сифатида қабул қилади. Ҳатто кўпчилик томошабинда бу асарнинг 50-йилларда яратилганига шубҳа туғилиши ҳам мумкин. Нега шундай? Чунки 50-йилларда ҳаёт 60—80-йиллар даражасида издан чиқмаган экан. Ҳалоллик учун кураш, пирнципиаллик маълум даражада бўлган экан.

Мавзу долзарб. Аммо бу асар пьеса эмас. Худди шу руҳдаги саҳна асарини топиш қийин. Шунинг учун шу типдаги асарларни ўқитувчи ўзи саҳналаштириши ҳам мумкин. Бунда, албатта, тўгарак аъзоларининг фаол иштироки ҳам бўлиши зарур. Энг муҳими, у таъсирчан, ҳаётий бўлсин, ёшларга маънавий озиқ бера олсин. Худди шу типдаги сценарийларни атоқли шоир ва ижодкорлар таваллудига бағишланган адабий кечаларда ҳам ўтказиш мумкин. Бунда ижодкорнинг ҳаёти ва ижоди асосида системали тарзда адабий-бадиий композиция тайёрланади, имкон борича матн жуда ихчам тузилади. Энг характерли асарларидан, драма ёки шеърий парчаларидан иборат композиция вужудга келтирилади. Бу композиция шундай тузилиши керакки, биринчидан, ижодкор ҳаёти ва ижодий эволюциясини ёритиб бериши лозим, иккинчидан, шоир ёки ёзувчи ижодидаги энг характерли, ўзига хос бўлган хусусиятларни курсата олсин, учинчидан, мана шуларнинг ҳаммаси ёш томошабинларга маънавий-эстетик завқ берсин, юксак идеаллар руҳида тарбияласин.

Ана шундай ҳолатдагина адабий-драматик тўгарак ўз олдига қўйилган асосий мақсадни уддалай олган бўлади. Шу жиҳатдан Термиз давлат университети, филология факультетининг 5-курс талаба-амалиётчилари томонидан ша-

ҳар темирйулчилар — тизимига қарашли 93-мактабда буюк соҳибқирон Амир Темур фаолиятига бағишлаб ўтказилган адабий-бадий мусиқавий кеча диққатга сазовор. Мактаб мажлислар зали шинам қилиб безатилган. Уртада Амир Темур портрети савлат тукиб турибди. Саҳна пештоқиға: “Қуч адолатдадир”, саҳнанинг пастида: “Маърифат дунёни чарогон этади” (Амир Темур) ҳикматли сузлари чиройли ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Яна, залда соҳибқирон фаолиятига бағишланган стенд, китоблар витринаси, альбом, магнитофон ташкил қилинган.

Бирдан мумтоз мусиқа жозибали янграйди. Қутилмаганда саҳнада шоҳона кийинган Амир Темур пайдо бўлади (қарсақлар).

Амир Темур уғитлари:  
“Бизким — мулки Турон,  
Амири Туркистонмиз.  
Биз ким — миллатларнинг  
Энг қадими ва энг улуғи  
Туркнинг бош буғинимиз....

Миллатнинг дардларига дармон бул...

Адоват эмас, адолат енгади...” Монолог давом этади. Ролни талаба Бакир Қурбонов маҳорат билан ижро этди. Залда осойишталик, томошабинлар ҳаяжонда. Кечани талаба қиз Нодира бошқаради. Кечанинг кириш сузи мактаб директори Йулдош Мардоновга берилади. Қисқа кириш суздан сўнг асосий маъруза амалиётчи Ботир Оқбўтаев томонидан инсценировка тарзида баён этилади. Маърузада фикрлар чўзиқлигига йўл қўйилмайди, иборалар лўнда, ихчам, таъсирчан. Чунки бу — ўз маъносига кўра инсценировка. Ортиқча иборалар ўрнига талаба ва ўқувчилар томонидан монолог, бадий ўқиш, мусиқавий чиқишлар ижро этилади. Кеча қатнашчиларининг чиқишлари гулдурос қарсақлар билан бўлиниб туради.

Шу ўринда айтиш керакки, миллий гурур, томирида соҳибқирон қони жушаётган ёшларни тасаввур қилиш мушкул эмас.

Бу кичкинтой, усмир болалар ичидан қандайдир ваҳимали бадкирдор, Ватан хоини чиқишига ишонмайман. Болаларни севиш, уларнинг буш вақтларини мазмунли утказиш лозим. Тажриба шуни кўрсатдики, талаба ҳам, ўқувчи ҳам ҳамиша ўз меҳнати меваси, талантининг натижаси билан қувонади, узини бахтиёр ҳисоблайди. Уларни фақат яхшилик йўлига бошқариш, ишонтириш, узини ҳам, узгани ҳам севишга ургатиш, энг муҳими, инсонпарварлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш керак.

Эсимда, бундан анча йил илгари Қаршидаги мактаблардан бирида худди шундай, шоир Ғ.Ғулом таваллудининг 70 йиллигига бағишланган кеча ўтказилган эди. Гарчи кеча шоирнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган бўлса ҳам, бошқа сценарийлардан фарқли бўлди. Бу кеча шаҳар кутубхонасида ҳам (улар таклифига кўра) бўлиб ўтди. Кечамизда шоиралардан Ойдин Ҳожиева ва марҳума шоира (собик ўқувчим) Хосият Лутфуллаева ҳам қатнашди. Адибнинг “Ёдгор”, “Шум бола” қиссалари асосида тайёрланган инсценировкамизни намойиш қилдик. Ойдин Ҳожиева: “Кўп меҳнат қилибсизлар, жуда мароқландик”, — дедилар. Ўша мактабда Ойбекнинг 80 йиллик юбилейида унинг “Болалик” биографик асаридан парча намойиш қилдик.

Қарши темирўл станциясига қарашли 43-мактабда Тулқин Йулдошев исми-шарифли бошқаларга ухшамаган, ажойиб адабиёт ўқитувчиси бор. Унинг дарси ўқувчилари учун байрамдек. У — жуда изланувчан ўқитувчи. Мен бир неча йил уша моҳир педагог билан амалиёт пайтида мулоқотда бўлдим. Мактабда кўпгина тадбирлар ўтказдик. Шулардан жуда характерлилари А.Қодирий, А.Қаҳҳор, С.Эшонтўраеваларнинг юбилейларига бағишланган кечалар деб биламан.

Шу жиҳатдан Қарши давлат педагогика институти (ҳозирги Қарши давлат университети) қошидаги адабий-драматик тўгарак аъзолари А.Қодирий таваллудининг 90 йиллигига бағишлаб ўтказган адабий композиция характерлидир. Бунда бир талаба ихчам тузилган матн асосида нутқ сўзлади. Ўқувчилар ва талабалар томонидан эса

“Уткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романлари асосида тайёрланган инсценировкалар намойиш этилди.

...Мана, Анвар Худоёрхон ҳузурида пайдо булади. Бу икки контраст тип ва ҳолат, икки хил дунё вакили урта-сидаги шиддатли диалоглар томошабинлар қалбини ларзага солди. Уларнинг юз-кузларида шундай ифода зоҳир булдики, Худоёрхонни турган жойидаёқ мажақлаб ташлашса, аёвсиз уч олиб, мақсадга эришса...

Ҳаракат тугаб, улар таъзим қилгачгина зал “Хайрият!” дегандек жонланди, енгил тин олди.

Кеча охирида адибнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган рангли ўқув фильми намойиш қилинди.

Уйғун ва А.Қаҳҳорлар юбилейига бағишланган кечаларни ҳам шу руҳда утказилди. Адабий композицияларнинг мазмуни магнит тасмасига ёзиб олинади. Ундан кейинчалик яна фойдаланиш мумкин. Уйғуннинг шеърлари ёддан ва куйга солиб айтилади. “Вафо” дostonи инсценировка қилинади. А. Қаҳҳорнинг “Адабиёт муаллими” ҳикояси, “Шоҳи сузана”, “Оғриқ тишлар”дан парчалар намойиш қилинади. Шоир ва адиблар фаолияти асосида ишланган ўқув фильмлари намойиш қилинади. Таъкидлаш керакки, шоир ва ёзувчиларнинг ижодини ўрганишда ўқув фильми ва диафильмларнинг самараси ниҳоятда катта аҳамиятга эга.

Маълумки, вилоят, район, қишлоқ ўқувчилари, ҳатто талабалари олимлар, ёзувчилар билан тез-тез учраша олмайдилар. Ўқув фильмлари эса кўпроқ жонли гувоҳга ўхшайди. Мактаб, олий ўқув юрти залида ҳар йили утказиладиган анъанавий “Навоийхонлик” ва бошқа кечалар уларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги фикрларини янада бойитади. “Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди” ўқув фильми профессор Ҳамид Сулаймон маърузаси билан бошланади. Шунингдек, “Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий” ўқув фильмидаги профессор Лазиз Қаюмовнинг фикрлари ўқувчи ёки талабалар учун нақадар қимматли.

Лекин, афсуски, кўпгина мактаблар мана шу таъсирчан имкониятлардан маҳрум. Баъзи мактабларнинг кино заллари булишига қарамай, мутахассислар йўқлиги, баъ-

зиларида эса, умуман, урни ҳам йўқлигидан жонли, ички самарадор кўргазмалардан бебаҳра қолмоқдалар.

Сценарийни тайёрлаш кўп меҳнат талаб қилади. Ми-зансцена ва ижрочилар ҳаракати, улар ўртасидаги ора-лиқ ва яқинлик, мусиқа ритми — булар ҳаммаси асосий мақсадни ифодали етказишнинг муҳим воситалари ҳисобланади.

Мана шу воситаларни ўрганиб бориш ўқитувчилик-нинг бир қисми деб билиш мумкин. Санъатшунослик-ка оид адабиётларни мутоала қилиш, киши ўзини ҳаётда доимо ҳақиқий санъаткордек ҳис қилиши зарур. Муста-қил изланишга катта эътибор бериш керак. Шу жиҳат-дан Қарши пединститутида ўтказилган баҳор ва шод-лик куйчиси Ҳ.Олимжон таваллудининг 70 йиллик юби-лейи гоят характерли. Бу институт ҳаётида унутилмас воқеалардан бири бўлиб қолди. Кечанинг монтажи ус-тида ишлашда “ҳаёт факти” билан “санъат факти”нинг узвий уйғунлигига эришишга ҳаракат қилинди. Репети-ция узлуксиз давом этди.

Кечага шоира, Ҳ.Олимжоннинг рафиқаси Зулфия опа, Пиримқул Қодиров, Иззат Султонов, Абдулла Орипов, Умарали Норматов, Матёқуб Қушжонов, Ҳул-кар (адиб ва шоиранинг қизи), Нуриддин Шукуров, Ҳотам Умиров каби ижодкор ва адабиётшунослар таширф буюришди.

Дастлаб, адиб ва олимлар шоир хотирасига бағишлаб тарихий аҳамиятга эга бўлган маърузаларини сўзлади-лар. Кейин навбат тўғарак аъзоларига берилди.

Саҳнага Ҳамид Олимжон ва Зулфия сиймолари ки-риб келишди. Тўғри, Ҳамид Олимжон билан Зулфия-нинг чиқиши рамзий маънода эди.

Айниқса, Ҳ.Олимжон образини саҳнага олиб чиқиш ҳақида узоқ уйландик. Бу ролда республика декламатор-лар кўригининг ғолиби (талаба) Нафас Шодмонов уйна-ди. У овози, дикцияси ширали, интонацияси бой, ҳар қандай ҳолатга тез туша оладиган талаба эди. Аммо кўри-нишидан адибга ухшамасди. Кеча бошланишига бир кун қолганда, бунинг иложи топилди. Нега Ҳамид Олимжон саҳнада кўриниши шарт? Ахир, у жисман йўқ-ку! Ҳа! Саҳ-нада Зулфияни унинг руҳи билан гаплаштирамиз, деган

қарорга келинди. Масалага ижодий ёндошилди. Мана, кеча давом этапти, институтда ҳамма билади: Ҳамид Олимжон саҳнага чиқиши керак. Аммо у чиқмади... Саҳна кулиси орқасидан микрофонда Ҳамид Олимжон овози эшитилди. Саҳнада Зулфиянинг ўзи ёлғиз, у шоир билан руҳан гаплашмоқда. Зулфия образини уйнаётган талаба Гулнора — қорачадан келган, уйчан, қора куз, сочлари бир оз жингалак қиз...

Адабий монтажда Эркин Воҳидовнинг “Вафо” достони “санъат факти” сифатида хизмат қилди. Бу саҳна фавқулудда таъсирли чиқди. Зулфия шоир нидосини ҳар эшитганида, бутун вужуди билан унга интилади. Руҳий диалог томошабинларни ҳайратга солди. Парча тугади. Олқиш, куз ёшлари бунинг гувоҳи эди. Ёзувчи Пиримқул Қодиров уша пайтнинг узидаёқ саҳнага чиқиб, ёшларни табриклайди ва: “Жуда ажойиб, жуда таъсирли саҳна бўлди. Биз бунчалик кутмаган эдик. Табриклаймиз!”, — деб юқори баҳо берди.

Дарҳақиқат, сценарийчи-режиссёр муҳитга мослашиб, асарга ҳамиша мустақил ёндошгани, уз сценарийсининг технологиясини ўзи яратгани маъқул.

Яна бир унутилмас воқеа Қарши педагогика инсти-тути қошидаги адабий-драматик тўгаракнинг собиқ аъзоларининг Китоб туманидаги “Навоий” номидаги мактабдаги учрашувидир. Мактабда Ҳ.Ҳ.Ниёзий таваллудининг 100 йиллигига бағишланган юбилей кечаси ўтказилди.

Кечага ниҳоятда катта тайёргарлик қўрилди. Сценарий монтажи устида жиддий ишланди. Унда Ҳамзанинг ҳаёти ва ижодидан изчиллашган бадиий ўқиш, куйга солинган ашулалар берилди. Монтаж материали ва саҳна ҳаракати ниҳоятда бой бўлди. Ҳамзанинг “Улка сайёр драм труппа”сини ўзимизча фантазия қилдик. У жуда ишонарли ва ҳаяжонли чиқди. Талаба Тошмурод ижросидаги Ҳамза саҳнага чиқди. У куйлаб пианино чалди. Ҳамза тузган труппа аъзолари номер кўрсатишди, шу парчанинг якунида улар ҳар бири йирик қилиб ёзилган ҳарфларни кутаришди, саҳнада “Улка сайёр драм труппа”си деган ибора пайдо бўлди. Залда ҳаяжон ва олқишлар сурони узоқ янғ-

ради. Бу шу қадар ишонарли эдики, залдан: “Ахир, Ҳамза тузган труппанинг аъзолари ҳам дастлаб профессионал бўлмаган-ку!” “Жуда табиий...”, деган луқма ва овозлар эшитилди.

Кейин Комил Яшин ва А.Умарийлар асари асосида тайёрланган “Ҳамза” спектакли кечанинг якуни бўлди. Талабаларимиз ва собиқ ўқувчиларимиз бир-бирларини қучоқ очиб табриклашди. Ўқувчилар илиқ сузлар айтишиб гуллар билан қутлашди. Райком котиби (“домла”) талабаларимизни — тўғарак аъзоларини “Фахрий ёрлиқ”лар билан, мактабни пианино билан тақдирлади. Учрашув оммавий байрам тусини олди.

Инсон табиатан индивид, у шахс бўлиб туғилмайди, таълим-тарбия ва тарғиботчи сифатида инсон шахсини гармоник шакллантиришда озми-кўпми ижобий рол уйнашимиз лозим.

“Билим” жамияти аъзоси сифатида кўпгина қишлоқ пахтазор далалари, шийпонлар, болалар боғчалари, мактаблар, умуман, аҳоли тўпланган ташкилотларда маъруза ўқиш, суҳбатлар ўтказиш билан бирга уша аудиториаларнинг талабидан келиб чиқиб, албатта, қайси шаклда бўлса ҳам бадиий чиқишлар қилардик.

Баъзан аёл бошидан ўтган драмалар бизни ташвишга солади: жойларда ўзини-ўзи нобуд қилиш ҳолларига дуч келамиз. Дуч келамиз-у, оила бошлиғи бўлган уша эр, қайнона ёки ташкилот бошлиғи аёлни ҳимоя қилмаганини куриб, нафратланамиз. Наҳотки, одам шунчалик яшашдан тўйган бўлса?! Аминманки, бунга уша золим эр, қайнона ҳам, уша лоқайд бошлиқ ҳам ишонмайди. Аммо ҳақиқатни ҳам тан олмайди. Чунки жавобгар бўлгиси келмайди. Агар фақат айб қурбон бўлган аёл гарданига тушадиган бўлса, бугунги кунда ҳақиқатнинг кўзига тик қараб бўлмайди.

Фазлий қишлоғида бир келинчак узини ёндириб юборди... Яна ҳеч ким айбдор бўлмади. Бундайлар се-роб. Қишлоқ клубида аёлларни йиғиб, биз — 8 нафар тарғиботчи аёл жонли суҳбат ўтказдик.

Мана шундай ҳолатларда катта бадиий композиция ёки

сценарийларни намоиш қилиш шарт эмас. Аммо ибратли бир “ҳаёт факти”, “санъат факти”ни сўзлаб бериш, мароқли қилиб ёддан айтиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Тарғиботчилар, ташаббускорлар сўзга чиққанида шеър ёки монолог билан бошласа, бадий уқишни нутқи давомида давом эттириб борса ва, ниҳоят, охирида ҳам бирор бадий уқиш билан тугатса фавқулодда, таъсирчан бўлади.

Шундан сўнг, хотин-қизлар уртасида суҳбат утказаетиб, иккинчи жаҳон уруши даврини эсладик. Уруш миллион-миллион эркаларимизнинг ёстигини қурипти. Қанчадан-қанча оналаримиз фарзандлари, келинчакларимиз севган ёрларидан жудо бўлишти. Норасида гудакларимиз ота деган улуг зот бахтидан бебахра қолишти.

Буни унутиб булармиди?! Уша мудҳиш йилларда аёлларимиз, керак бўлганда, эркалар урнини босишти. Оғир жудолик, мислсиз изтиробларга сабр-тоқат қилиб, узларини йўқотишмади.

Очлик-юпунликларга мардларча чидаб, улимларни доғда қолдириб, тирик қолишти. Уларнинг бирортаси ҳам ўзига ўзи олов беришмади. Мана буни жасорат деса бўлади.

Мазкур “ҳаёт факти”дан сўнг Саида Зуннуованинг “Рух билан суҳбат” достонидан парча ўқилса, нур устига нур буларди:

“Бир нафас қўймадим мен сени ёлғиз,  
Сенсиз йиғламадим, кулмадим сенсиз,  
Сенсиз кўнглимни ҳам хушлаганим йўқ...  
Сени йиқитган ўқ менинг танамда,  
Бутун жароҳати билан турибди шундоқ.  
- Жонингга жонимни улаб минг ўлдим,  
Азизим, оқарган сочларимга боқ.  
Гапир, гапирсанг-чи, бир сўз лоқал...”

Бу “ҳазрати аёл” эрининг сурати билан ана шундай гаплашади. Бу “санъат факти” мумкин қадар образли, иложи борича ёддан ўқилса, томошабинларни ҳайратга солади. Мен бунга аминман. Парча мантиқий яхлитликни қамраб олиши керак. Мингга насиҳатдан кўра битта ибратли

асар матнини эшиттирсангиз, тингловчи сизнинг асирингиз бўлиб қолади. Юзлаб аёлларнинг олқишларига кўмилиб кетасиз, ишонинг, ўз тажрибамдан олиб айта-япман.

Келинг, ҳозирги кундаги аёлларимизни кўз олдимизга келтирайлик. Мустақиллик аёлларимиз мавқеини мисли кўрилмаган ҳолда ошириб юборди. Энди улар ўзларини заифа ва ожиза сезишмайди.

Биргина Сурхон воҳаси аёллари тақдиридаги ўзгаришларнинг ўзи ҳам кишини қувонтиради. Вилоят ҳокими-ятида хотин-қизлар қўмитаси иш куради. Унинг жонкуяр раҳбари — Шарофат Норбоева. Айниқса, “Аёллар йили” муносабати билан ўтказилган тадбирлар: “Аёл — она, аёл — олима”, “Тадбиркор аёл”, “Аёл гузаллик, меҳр ва адолат дояси”, “Аёл — оила чироғи” ва ҳоказо.

Президентимизнинг “Туй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, марака ва маросимларни, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида”ги Фармонини бажариш юзасидан жойларда, ўқув юртлари ва маҳаллаларда тез-тез суҳбатлар ўтказилди. Таҳсинга лойиқ. Ҳатто Сурхондарё ёш ижодкорлари “Зулфия Давлат мукофотини” олиш бахтига ҳам муяссар бўлишди. Мазкур санъат танлови давом этаяпти. Навбатдаги ёш ижодкорлар танловига сеvimли шойримиз Абдулла Орипов, шоира Қутлибека ҳамда Жамила Эргашевалар иштирок этишди. Шоир Абдулла Орипов, умуман, Сурхондарё халқининг санъатдаги равнақини алоҳида қайд этди.

Жумладан, Термиз давлат университети хотин-қизлар қўмитасининг раисаси, доцент Рашида Муҳаммад-жонова ҳам кўп йиллардан бери илм даргоҳининг ёш қизлари уртасида куйиб-ёниб, тарбиявий ишлар олиб бораяпти. Шунингдек, филология факультети хотин-қизлар қўмитаси раисаси Манзура Абдуллаева, аъзолари Хадича Файзиева, Умида Раҳимова, талабалардан Наргиза Бобоева, Шоҳиста Маҳмараимова, Адиба Бойқуловаларнинг фаолияти кўпчилликка урнақдир. Бошқа факультетларда ҳам мақташга арзирлик ишларнинг гувоҳимиз.

Университет бўйича “Аёллар йили” муносабати билан “Одоб — қиз боланинг ҳусни”, “Севги ва дўстлик нима?”,

“Илмсиз бир яшар, илмли минг яшар”, “Кийиниш маданияти”, “Аёлни улуглаш — оилани, Ватанни улуглаш”, “Балли, қизлар” кўрик-танловлари каби маъруза, баҳс, турли хил учрашувлар ҳамisha мазмунли ва мароқли ўтказилдики, бу йиғилишлар кўпинча “ҳаёт факти” ва “санъат факти”га бой ўтди, дейилса муболага бўлмайди. Аёллар фаолияти борасида жуда кўп тадбирларни режалаштириш мумкин. Бу соҳада кўпгина адабиётлар мавжуд. Масалан, Ризоуддин ибн Фахриддиннинг “Оила” (Тошкент, “Меҳнат”, 1991), Олима ул-Банотнинг “Муошарат одоби” (Т., “Меҳнат”, 1991), Турсуной Содиқованинг “Ҳазрати аёл” (Ғафур Ғулом нашриёти, 1999), энг табаррук тўплам “Аёлга эҳтиром” (Тошкент, “Ўзбекистон”, 1999) таҳсинга лойиқ. Мазкур китобнинг муқаддимаси Президентимизнинг эзгу тилаклари билан бошланади: “1999 йилни яхши ният билан “Аёллар йили”, деб эълон қилар эканмиз, аввало, оналаримиз, опа-сингилларимиз, умр йўлдошларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги урни ва мавқеини янада ошириш, иззат-икромини жойига қўйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш — давлатимизнинг, ҳукуматимизнинг, жойлардаги ҳокимликларнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим”<sup>1</sup>.

Хуш, қайси бир мамлакатда аёлга нисбатан шундай эҳтиром кўрсатилган?

Бу бахт фақат бизнинг мамлакатимиз аёлларигагина, ҳурматли юртбошимиз шарофати туфайли насиб этди.

Аёллар ҳаёти муаммоси ўқувчи, толиба қизлар, шаҳарлик, қишлоқлик аёллар ўртасида ҳам ўткир масалалардан бири бўлиб турибди. Чунки оила ва никоҳ масалалари ҳаммамизни безовта қилади, ташвишли воқеалар ҳам оз эмас. Шунинг учун аёллар ўртасида ҳар хил касбдаги тарғиботчилар билан (ўқитувчи, юрист, хотин-қизлар қўмитаси раиси, врач ва ҳоказолар) биргаликда суҳбат ўтказиш зарур.

Суҳбатни қизиқарли ўтказиш мақсадида аудиторияга

---

<sup>1</sup> “Аёлга эҳтиром”. Кириш сузи. Т; “Ўзбекистон”, 1999 йил.

тахминан қуйидагича турли мавзудаги саволлар бериш мумкин:

— Нима учун ҳозирги аёллар илгаригидек фақат уй бекаси бўлиб ўтиришни исташмайди? Бу ҳол ижобийми ёки салбийми?

— Сизлар учун биринчи ўринда нима муҳим: оилами, жамият ишими?

— Аёллик фазилати деганда нимани тушунасиз?

— Аёлларнинг эркак кишига тақлид қилиши тўғрими ва ҳоказо.

Шу каби саволлар воситасида утказилган суҳбат-мунозара турли хил тортишувларга сабаб бўлади ва хотин-қизлар учун албатта фойдали ҳамдир.

Суҳбат мазмунидан ўтмишдаги аёлларга нисбатан ҳозирги аёллар зиммасига икки барабар кўп масъулият юклатилганлиги хулоса қилинади. Зотан, аёл зотининг бош бугини Тумарис бўлган-да!

Оила ва жамият иши аёл учун олдинма-кетин эмас, ёндош туриши, аёл ақли, назокати, яратувчанлиги билан оилани мустаҳкамлай билиши, эркак кишига тақлид қилмаслиги, акс ҳолда баъзан фожеавий воқеа-ҳодисалар содир бўлиши жуда кўп ҳаётий фактлар миқсолида ўртага ташланадики, бундай суҳбатдан сунг, албатта, эстетик саҳна кўриш эҳтиёжи туғилади: А.Навоий тасвиридаги аёл образлари, А.Қодирийнинг Кумуш ва Раънолари кабилар.

Айниқса, буюк соҳибқиронни ақли-заковати билан ўзига ром этган Сароймулкхоним, темурийлар сулоласи маликалари Гавҳаршодбегим, Гулбаданбегим, оташна-фас шоира Зебуннисо, ўзбек шоиралари Нодирабегим, Маҳзуна, Увайсий, давримиз оқилалари: Зулфия ва бошқа барча ўзбек шоиралари, олималар: Фозила Сулаймонова, Музайяна Алавия, давлат арбоблари Дилбар Гуломова каби жуда кўп бошқа аёллар образларини “ҳаёт факти” ва “санъат факти”да қизиқарли суҳбатлар орқали баён қилиш маърузанинг таъсирчанлигини оширади. Хуллас, хотин-қизлар муаммосини ҳал қилишда изланиш, маҳаллаларда бўладиган бахт туйларини янгича ўтказиш борасида кўплаб фикрлашиш, тадбирлар ишлаб чиқиш ҳам ҳаётий заруратдир.

Шунингдек, ёшлар уртасида “Ноннинг ҳақиқий баҳосини биласизми?” мавзуида баҳс ўтказиш ҳам катта аҳамиятга эга. Бунинг учун, аввало, кўплаб ҳаётий материаллар тўплаш зарур. Кейин галла экувчи, унинг уругини тайёрловчи олимлар, уни устириб, техника ёрдамида бугдой ҳолига келтирган кишиларни ҳам таклиф қилиш, уларнинг маълумотларига суяниш зарур. Нон энг азиз овқатимиз эканлигини ёшларга тушунтириш бизнинг ҳам вазифамиздир. Албатта, сценарий “санъат факт”лари билан янада завқли бўлади:

“Хирмон тулиб тукилди дон, тукилди дон, момо  
Тандир тулиб ёпилди нон, ёпилди нон, момо”.

*(Туроб Тўла)*

Шу хил қушиқлар ёки “Тошкент — нон шаҳри” кинофильмини намойиш қилиш ёшларда ноннинг қадрини англашга меҳр уйғотиши мумкин. Зотан, бундай суҳбатлар исрофгарчиликка йўл қўймасликка ундайди.

Ёшлар ўртасида “Дўстлик ва севги нима?” мавзуидаги баҳслар ўтказиш ҳам гоят муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Бу мавзуда ҳамма жойларда баҳс ва тематик кечалар, сценарийлар ўтказиш зарур. Албатта, бу мавзу муҳаббат ва дўстлик туйғуси эскирмаганидек, ҳамиша ҳар бир ёш қалбида янгилиниб бораверади.

Ёшларнинг юрагида орзу ва истаклари кўп. Лекин улар кўпинча қалбини очиқ айтолмайди. Бунинг учун уларнинг иш ёки ўқишдан бўш вақтини мазмунли, эстетик жиҳатдан мароқли, жозибали ўтказишда педагоглар бош-қош булиши керак. Маъруза, суҳбат, сценарийлар давр талабига мос, муаммоли, албатта, фактларга таянган ҳолда жонли, образли ташкил этилса, уларни клубга ҳайдаб киргизишга ҳожат қолмайди.

“Қарши шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида ташкил этилган “Иқбол” кўчма клубининг 1988 йил июн ойидаги йиғилиши ҳар галгидан бошқачароқ ўтди, — деб ёзади клуб раисаси, “Қашқадарё ҳақиқати” газетаси ходимаси Сайёра Зоирова. — Ҳар гал клуб иштирокчилари

турли мавзуда ўқилган маъруза ва суҳбатларни тинглаб уйга қайтишса уша куни шаҳардаги болалар истироҳат боғида анча вақт “ушланиб” қолдилар. Лекин улар бундан норози булишмади. Шаҳардаги 28 маҳалладан келган хотин-қизлар Ҳамид Олимжон номли Қарши давлат педагогика институти, филология факультети драма тугараги қатнашчилари иштирокида Ўлмас Умарбековнинг “Шошма, қуёш” спектаклини томоша қилишди. Мен эса ҳадик билан уларни кузатиб ўтирдим. Бирор аёл томоша тугамай ўрнидан туриб кетмасмикан? Бу ҳол талабаларнинг кўнглига озор етказмасмикан? Йўқ, натижа мен истагандан ҳам таъсирлироқ бўлди. Ҳар галги узоқ маърузалардан, ирода, бардош, чидам ҳақидаги насихатомуз суҳбатлардан зерикиб, уй юмушларини баҳона қилиб тарқаладиган қиз-жувонлар бу гал спектакл тугагунча миқ этмай утиришди. Улар томошани кўзда ёш, ҳаяжон билан асар қаҳрамонлари дардига шерик бўлиб сўнгги кўринишгача томоша қилишди. Билмадим, бу кун Санобарнинг тақдири, ҳаёт йўлини кузата туриб, қанчадан-қанча аёл ўзича курашиб яшаш учун куч, қудрат топа олди экан? Ўз-ўзининг жонига қасд қилишдек сўнгги йўл ҳаёлини банд этган неча-неча аёл Санобарнинг иродаси, бардошини кўриб, ўз ниятидан қайтди экан-а?

Мен бу учрашувдан сўнг анча вақтгача Чулпоной Султонованинг кўзга кўринмас заҳматли меҳнати, ҳаваскор талабаларнинг муваффақияти ҳақида уйладим. Айниқса, Санобар образини ижро этган Дилором Тураева, Дилрабо Йўлдошева, Озода Ашурова, Илҳом образини ижро этган Фозил Тилаватов, Баҳром образини ижро этган Ориф Маҳмудов, Рисолат ролидаги Муқаддас Муродоваларнинг сахнада узини туттиши, ижро этаётган образини тўла талқин этиши кишида ишонч уйғотади.

Ёшлар қалбидаги ҳавас учқунларини, санъатга бўлган муҳаббатини эса янада алангалатиш учун институт маъмурияти драма тугараги иштирокчилари учун гамхўрликни озгина оширсалар, кўнгилдагидек иш бўлур эди. Зеро, санъатга меҳр қўйган, санъатга ошно юраклар эзгуликка тўла бўлади, эзгулик улашади. Эзгулик, аёлга ҳурмат, меҳр-муҳаббат, оқибат бор жойда эса бевақт ўлим, ўз жонига

қасд қилиш бўлмайди. Одамлар бир-бирига ёмонлик эмас, яхшиликни соғиниб яшайдилар”.

Айниқса, сценарийларнинг тарғиб-ташвиқий самараси катта. У сахна ҳам, дабдабали кошона ҳам талаб қилмайди. Уни истаган жойда (далами, шийпонми, мактабми, истироҳат боғими, маҳалла идорасими) утказиб кетавериш мумкин.

Бинобарин, сценарийни яратиш ва утказиш тартибини қуйидагича белгилаш мақсадга мувофиқдир:

— *Сценарий маълум бир мақсад асосида қурилиши, вазифаси аниқ бўлиши керак. Сценарийни рўёбга чиқарадиган восита монтаж бўлиб, у “ҳаёт факти” ва “санъат факти” материалларига қатъий риоя қилиши зарур.*

— *Матннинг мазмуни педагогик-психологик, этик-эстетик, адабий-бадиий, илмий-сиёсий, оммавий-ижтимоий, пировард натижада маърифий-эстетик тарбия воситасига айланиши лозим.*

— *Режиссёр-педагог барча материалларга ижодий ёндашиб, уни мавжуд шароитга мослаши, сценарий технологиясини ўзи мустақил яратиши ва сахналаштириши, ижрочилик маҳоратини ўрганиши ва ҳаваскорларига ўргатиши даркор.*

Шу уринда тадбир ва сценарийлар яратиш борасида ижодкор Сайёра Зоированинг юқорида қайд этган эзгу истакларидан келиб чиқиб, ўз устоз ва дўстларимизни алоҳида тилга олишни лозим топамиз.

Қашқадарё — менинг она диёрим. Ҳаётимда нимагаки эришган бўлсам, юртдошларимдан ташқари, Бухоро давлат педагогика институтида таълим берган устозларимиз — профессорлар: Абдурахмон Саъдий, Мустақим Мирзаев, Саид Алиев; Ўзбекистон Фанлар академияси “Тил ва адабиёт институти” профессор-академик олимлари: Иззат Султон, Маҳмудали Юнусов, Ҳомил Ёқубов, Турсун Собиров, Бердиали Имомов, Пиримқул Қодиров, Матёқуб Қўшжонов, Музайяна Алавия, Фозила Сулаймонова, Аҳбор Аброров, Собир Мирвалиев; ТошДУ профессорлари: Н.Саидов, У. Долимов, О.Мадоев (улар жуда кўп), ўзбек санъатининг дунёга таниқли юлдузи Сора Эшонтураева, замо-

намиз узбек шоирларининг малика шоираси Зулфия, дустим Хулкар (улар менинг ҳаётимга узига хос алоҳида эзгу мазмун бағишлаган)ларнинг беназир меҳр-муруввати туфайли руй берган деб биламан ва улар билан ҳақли равишда фахрланаман.

Энди азиз юртдошларимизга келганда, ўз миннатдорлигимизни шундай билдирмоқчимиз: мактабдаги фаолиятим (10 йил)ни ҳисобга олмаганда, Қарши давлат педагогика институти (ҳозирги университет)да қарийб 35 йил меҳнат қилдим. Менинг муаллималик ва суз санъатига доир камтарона хизматим, сузсиз, уша олий даргоҳнинг улуғ зотлари раҳнамолигида дейиш мумкин. Аввало, бу (марҳум) улуғ зотлар — устоз профессорлардан: Қурбон Улжабоев, Қулмурад Шодмонов, Ориф Икромов, доцент Клара Ризаева, Ўзбекистон халқ артистлари: Баҳром Камолов, Муҳиддинжон Мажидов (собик шогирдим) хотираларига таъзим бажо этаман.

Ҳозирда университетда фаолият кўрсатаётган муҳтарам зотлар — доцент Таслия опа, Самад Расулов (устозларим), профессорлар: Нортош Улжабоева, Дамин Тураев, Бойназар Йўлдошев, Поён Равшанов, доцентлар: Файзулла Эшимов, Турсун Баҳоров, Абдуолим Эргашев, Норбўта Эргашев, Салима Аҳмедова, Маҳкамой Олимова: тадбиркор раҳбарларимиз — доцент Эргаш Шодмонов, профессорлар: Абдусалом Уроқов, Тура Нафасов, доцентлар: Хадия Азизова, София Ядиханова, Самад Шойкулов, Бафо Эгамбердиев ва бошқалар раҳнамолигида утказилган тарихий саналар, адабий-бадий кечалар, турли мавзудаги ажойиб тадбирларни унутиб булармиди?! Мен бу улуғ зотлар — устозлар, дўстлар, ҳамкасблар ва шогирдларимга қалбдан ўз дил таҳсинимни изҳор этаман.

Сурхондарё. Бу — мен учун иккинчи Она диёр. Термиз давлат университети менинг педагогик ва санъаткорлик фаолиятимга улкан саҳифа очди. Ёшим бир ерга етишига қарамай, бу сахий, улуғ зотлар ҳеч иккиланмай, шу табаррук билим маскани бағрига олдилар. Бу илм ва санъатга шайдо инсонлар ҳақида фикрларим кейинги саҳифада.

## ИЖРОЧИ ВА РЕЖИССЁР

Маълумки, бадиий адабиёт сўз санъатидир. У мазмун ва шакл бирлигида мавжуд бўла олади.

Мактаб, олий ўқув юрти — таълим-тарбия ўчоғи бўлса, кино ва театр — уша таълим-тарбиянинг ажралмас қисми ҳисобланади. Гарчи ҳукуматимизнинг клуб муассасалари ва спорт иншоотлари тўғрисидаги қарорлари мавжуд бўлса-да маданий-маърифий муассасалар қошидаги клубларда “Фольклор ансамбли”, “Ашула ва рақс ансамбли” тузишдан нарига ўтилмаяпти.

Танловларда ҳам кейинги йилларда спектакл талаб қилинмаяпти. Театрга қизиқиш кучайиш ўрнига сусайиб бормоқда. Чунки концерт номерлари учун таланти ижрочилар қатнашса бўлгани, театр эса мураккаб соҳа, спектакл тайёрлаш анча инжиқ иш. Айни чоғда таланти “актёр”лар муаммоси ҳам мавжуд.

Спектакл тайёрлаш учун биринчи манба — драма асари, умуман, бадиий асар. Режиссёр учун махсус қўлланма бўлмаса ҳам истак бўлса баъзи воситалар топилади.

“Режиссёр” ва “актёр” атамаларини ҳаваскорлик тўғрақларига ҳам шартли равишда қўллаш мумкин.

Актёрлик ўзи нима? Бу сўзнинг тагида жуда улкан маъно, фаолият ётади. Ҳатто Ўзбекистон халқ артистлари ҳам дастлаб мактаб саҳнаси йулини босиб ўтганлар. Чунки мактаб саҳнаси нафақат актёрлик санъатига, балки, биринчи навбатда, умуман, ҳар қандай касбни эгаллашга ҳавас ва муҳаббат руҳида ҳам тарбиялайди.

Актёр сўзининг луғавий маъноси — лотинча акт сўзидан олинган бўлиб, ҳаракат, муомала, фаолият демакдир. Актёр — бу ҳаракат қилувчи, амал қилувчи. Қисқаси, энг улуг актёрлардан тортиб, ҳаваскоргача саҳна билан шуғулланган киши маълум даражада актёрдир.

Модомики, шундай экан, драма тўғрагининг бадиий раҳбари ҳам — шартли равишда режиссёр. Драма тўғраги профессионал театрдан фарқли уларок, ёшларни ҳаёт ҳақида чуқурроқ ўйлашга, уни образли тасаввур этишга, кимдандир намуна олиб, кимгадир намуна кўрсатишга, кимдандир нафратланиб, кимгадир ҳавас қилишга даъват

этади. Бадиий адабиётни севиш, ундан эстетик завқ олишга ургатади.

Саҳнадаги воқеалар ўқувчини ўз келажаги ҳақида ўйлашга мажбур этади, баъзан касб танлашга ёрдам беради. Ўқувчининг нутқи, билими, маданиятини устиради. Ўз Ватанига меҳр-муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялайди. Бунга университетдаги адабий-драматик тўғарагимизнинг собиқ иштирокчиси, ҳозирда ўрта мактаб ўқитувчиси Тошмурод Каримовнинг қуйидаги дил сўзлари ёрқин мисол бўла олади: “Биз 1-курсда ўқиб юрган пайтимизда факультетдаги драма тўғарагида Одил Ёқубовнинг “Биллур қандиллар” асари бўйича кўриниш тайёрланиши айтилди.

Раҳбаримиз асардаги ролларга болаларни танлай бошлади. Менга бош қаҳрамон Ҳикматулло ролини бажаришни айтдилар. Мен дастлаб “бу ролни ўйнай олмайман”, деб кўнмадим. Чунки биз яқинда қишлоқдан борган, бирон маротаба саҳна асарида рол бажармаган кишига бу иш ваҳимали туюлар эди. Шундай бўлса ҳам раҳбаримиз менга шу ролни ўйнайсан деб туриб олдилар.

Тўғри, даставвал бу ролни ўйнаш осон бўлмади. Шу ролни ўйнаш учун бир қанча асарларни ўқиб чиқдик. “Биллур қандиллар” асарининг мазмунини чуқур ўрганганимиздан сўнг, севги мавзуидаги асарлар билан танишишга тўғри келди. Энди университет даргоҳига қадам қўйган ёш йигит ошиқ узини қандай тутишини қаердан билсин.

Айниқса, саҳна асарларини кўпроқ ўқиш керак эди. Мен “Олим Хужаев маҳорати” деган тадқиқотни бир неча маротаба ўқиб чиқдим. Ҳикматулло роли учун индивидуал ишлаш керак эди. Биз раҳбаримиз билан бу ролни бир неча қайтарамиз, шундай бўлса ҳам рол кўнгилдагидек чиқмайди. Ҳатто шу ролни ўйнамай ташлаб кетмоқчи ҳам бўлдим, лекин раҳбаримиз тўғри йўл кўрсатганлигиданми, нимагадир бу ишни қилолмадим. Биз ҳатто раҳбаримизнинг уйига бориб ҳам бир неча маротаба такрорлардик. Ўзимиз якка ҳолда ҳам машқ қилардик. Якка ҳолда ўйнаганимизда — ижромизда рол яхши чиқар эди, оммавий репетицияда эса баъзан шошиб қолар эдик.

Декорация, кийим, сахна асбобларини узимиз топганмиз, узимиз яратганмиз. Чунки ҳар ким уз ролига қараб кийиниши керак эди.

Очигини айтганда, бу ролни чиқаролмасман деб қўрқар эдим, лекин қилган меҳнатимиз, уринишимиз бекор кетмади. Асардаги роллар кунгилдагидек ижро этилди.

Шуниси қизиқки, нима учундир доим менга бош ролларни уйнаш тўғри келди.

С.Айнийнинг 100 йиллик юбилей кечасида, адибнинг “Бухоро жаллодлари” асаридаги жаллод ролини уйнадим. Бу рол менинг характерим ва олдинги уйнаган ролимга мутлақо тескари эди. Умуман, жаллодларнинг суҳбатидан уларнинг қилаётган ишлари узларига ёқмаётганлиги сезилиб туриши талаб қилинарди.

Биз педагогик амалиётни утказиш муносабати билан Китоб туманига бордик. У ерда Ҳамзанинг 90 йиллиги муносабати билан утказилган юбилей кечасида Ҳамза ролини уйнашим лозим бўлди. Биз сценарийда “Улка сайёр драмтруппа”ни фантазия қилдик. Энди Ҳамза ролини уйнаш учун мусиқа билан таниш бўлиш лозим эди. Бунда урта мактабда ўқиб юрган вақтларимда мусиқа тугарагига қатнашганим қўл келиб қолди. Мусиқа чалишга қийналмадим. Раҳбаримиз билан мусиқа мактабига бордик ва Ҳамза асарларини хор қилиб айтишни ургандик.

“Ҳамза” спектаклини қўйишда декорацияни узимиз мактаб устахонасида ясадик. Ҳамза ролини уйнаш учун ҳам тажрибамиз бўлишига қарамасдан узоқ ишлашга тўғри келди. Ҳамзанинг асарларини топиб ўқиб чиқдим. Ҳамза қандай киши булган, шуниси ҳис қила олдим. Шундагина бу рол муваффақиятли чиқди.

Мана, ҳозир қишлоқ мактабида ишляпман. Адабий-драматик тугарак менга кўп нарсаларни ургатди. У орқали инсонлар билан қандай муомалада бўлиш, болалар олдида узини йўқотиб қўймаслик кераклигини билиб олдим. Мен ҳозир қандай йиғин булмасин, бемалол узимни йўқотмаган ҳолда маъруза қилишим мумкин, чунки сахнада уйнаган ролларим мени одамлардан тортинмасликка ургатган эди.

Менинг уша даврда уқиган асарларим ҳозир мактабда ташкил қилган драмтуғаракни юритишимга катта ёрдам берапти”.

Маълумки, инсон ҳаёти саҳнада жонли ҳаракатлар воситасида гавдаланади. Шунинг учун унинг ташвиқий роли беқиёс. Санъатшунос олим В.Кожинов бу ҳақда шундай дейди: “... Саҳнада бадийий реал ҳаракат — инсон “ҳаёти” ҳақиқий ҳаётга озми-кўпми ухшовчи ҳаёт, лекин асл моҳияти жиҳатидан инсон ҳаётининг бадийий образи вужудга келади”<sup>1</sup>.

Уқувчи ёки талабани саҳна билан таништиришнинг фойдали томонлари кўп. Аввало у ўзининг нимага қодир эканини амалда кўради. Юзлаб тенгдошларини ўзига жалб қилади, эргаштиради, уларнинг бир-бирига таъсири ўқитувчининг ҳар қандай насихатидан устунлик қилади. Шунинг учун ҳам драматик туғаракнинг ўзига хос хусусиятлари катта.

Мактаб ва олий ўқув юртларининг ўз специфик хусусиятларигагина эга бўлган “мақсадли театр»лари ҳам бўлиши мумкин. Яъни, у ўз репертуарига ҳамма мавзу, ҳамма муаммони киргизавермасдан, фақат ўзларига таллуқли мавзуларни акс эттиришлари мумкин. Чунки ўқувчилар савияси ва ёш хусусиятларига ҳар қандай мавзу ҳам тўғри келавермайди. У анъанавий саҳнага боғлиқ ҳолда, масалан, оила ва мактаб ҳаётига, тарбия масалаларига бағишланган О.Толипов билан И.Аҳмедовнинг «Ким айбдор», «Ғайрат билан Ғафлат», Ҳаким Назарнинг “Чиранма ғоз — ҳунаринг оз”, М.Бобоевнинг ёшларни маънавий поклик, инсоний меҳрга чорловчи “Она қалби”, Баҳром Раҳмоновнинг оила ва мактабда тарбияни узвий боғлашга ундовчи “Қилмиш—қидирмиш”, Пулат Муминнинг ахлоқий мавзудаги “Қовоқвой билан Чаноқвой” каби пьесаларини саҳнага тайёрлаш орқали касб танлаш, ўқувчиларни дўстлик-уртоқлик, миллий гурур, ватанпарварлик, турли диний ақидаларга нафрат руҳида тарбиялаш мумкин.

<sup>1</sup> В.Кожинов. Санъат турлари Ўзбекистон бадийий адабиёт нашриёти. Тошкент, 1962, 123 -бет.

Айниқса, Пулат Муминнинг “Қовоқвой билан Чаноквой” асари ёшлар психологияси табиатига ниҳоятда муносибдир.

Қовоқвой — данганса ўқувчи, Чаноквой эса — аксинча, ғайратли, чаққон, ростғуй ўқувчи. Ёш болалар кўпинча шу хил фантастик, эртақмонанд асарларни яхши кўрадилар. Агар уларга рол топширилса, жон деб қабул қиладилар. Кичкинтой ўқувчиларни назардан қочирмай, айниқса, улар билан кўпроқ шуғулланиш лозим.

Ёш болалар учун тузилган сахна репертуари юқори синф ўқувчилариникидан фарқ қилиши керак. Масалан, юқори синф ўқувчилари билан Бехбудийнинг “Падаркуш” (“Ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли”) фожеавий драмасини сахналаштириш катта тарбиявий аҳамият касб этади. Бойнинг бола тарбиясига беписандлик билан муносабатда бўлиши, ҳамма нарсани мол-дунё, пул ҳал қилади деб қараши натижасида, ўгли Тошмуроднинг ножўя йўлларга кириб кетиши реал манзараларда кўрсатилган. Воқеалар ривожини оқибатида бой уз ўглининг қурбони, ўгли эса отасининг қотилига айланади.

Драма финалида Зиёлининг сўзлари жуда ибратли:

“Зиёли (кирар. Гуноҳкорларга қараб афсус қилар. Одамларга қараб). Илм ва тарбиясиз болаларнинг оқибати шулдир. Агарда буларни отаси ўқитса эди, бу жиноят ва падаркуш алардан содир бўлмас ва булар ичкиликни бўйла ичмасди, кун бегайри ҳаққин қилмас эди... Аллоҳу таоло бошқаларга ҳамиша ибрат ва сизларга сабр бергай”.

Биз айтгандек, мазкур спектакл юқори синф ўқувчилари томонидан сахналаштирилса, ҳаётда қоқилмаслик учун бекиёс сабоқ бўлади деган умиддамиз.

Мактаб ўқувчиларининг ижрочилик фаолиятини устиришдан мақсад уларни актёр қилиш эмас. Истаса, улардан ҳам актёр чиқиши мумкин. Менинг тугарагимда иштирок этган собиқ мактаб ўқувчим Ўзбекистон халқ артисти (Муҳиддинжон Мажидов) эди. У билан фахрланаман.

Бу хил асарлар сахналаштирилса, ёшларда билим ва ҳунарга ҳавас, дўстликни қадрлаш, ота-онани ҳурмат қилиш, ҳар қандай ножўя ишлардан ҳазар қилиш, она-Ватанига садоқат ҳисси тобора ортиб боради.

Бинобарин, ёшларнинг сахна уйинлари театр ҳам эмас, ижрочиларидан профессионал артист ҳам тайёрланмайди, балки ўқитувчи ўз олдига қўйган маълум бир мақсадни амалга оширади, умуман, келажак авлодни тарбиялашни кўзда тутади.

Нутқимизнинг образли бўлиши ҳамма учун керак. Ўқув юртлиари аудиториясида шеър, масал, прозаик, драматик парчалар образли ўқилса, тингловчининг хотирасида узоқ вақт сақланади. Бинобарин, спектакл тайёрлаш учун ишни, аввало, матн имлоси устида ишлаш, ифодали ўқиш, унинг ички қонуниятларини ўрганишдан бошлаш зарур. Масалан, Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўғри” ҳикоясини ўқитиб, қайта ҳикоялаш пайтида учинчи шахс ўрнидаги Қобил бобо образини биринчи шахс ўрнида шартли равишда гапиртириш мумкин. Шунда матнга ижодий ёндошиш, мустақиллик сезилади, матн мазмуни таъсирчан чиқади.

Бундан ташқари, ҳикоядаги элликбоши, Амин, Қобил бобо диалоглари асосида инсценировка тайёрлаш мумкин. Аммо ўқитувчи бунинг учун синфда ифодали ўқитиб, тугаракда ёдлатиши, ҳаракатларини ўргатиб, мактаб сахнасида қўйиши мумкин. Бундай машғулотлар ўқитувчиларнинг ўша фанга ва ҳаётга булган қизиқишини тобора кучайтиради.

Шуниси ҳам борки, ўқитувчи турли синфга кириб дарс ўтса ҳам, уларни мактаб бўйича битта тугаракка бирлаштиради. Бу албатта, нисбий характерга эга: тугарак кичик ёшдаги ўқувчилар учун алоҳида уюштирилиши мумкин. Аниқроғи, 4—6 (6—7) синф ўқувчиларини бир гуруҳга, 8—11-синф ўқувчиларини иккинчи гуруҳга бўлиб машғулот ўтказиш самарали бўлади. Чунки улар ёш хусусиятлари, билим савиялари жиҳатидан ҳам бир-бирларидан фарқ қиладилар. Кичик синфларда дастурга кирган “Зумрад ва Қиммат” эртаги, Абдулла Авлонийнинг “Туғрилик”, “Болари ва пашша” каби шеърлари, Қуддус Муҳаммадийнинг “Дунёда энг кучли нима?”, Ҳ. Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр” эртаги, Чўлпоннинг “Абулфайзхон”, Бехбудийнинг “Падаркуш”, Фитратнинг “Арслон”, Ойбекнинг “Навоий”, П. Қодировнинг “Юлдузли тунлар” асарлари,

А.Қаҳҳорнинг “Аяжонларим” пьесаси, М.Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” трагедияси, Абдулла Ориповнинг “Жаннатга йул” драматик достони каби асарлари асосида сахна тайёрлаш мумкин.

Дарсдан ташқари адабиётлар: Одил Ёқубов, Саид Аҳмад, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Уткир Ҳошимов, Саида Зуннуова ва бошқа адибларнинг энг яхши асарларини сахналаштириш мумкин. Чет эл адабиётидан В.Шекспирнинг “Ҳамлет”, Р.Тагорнинг “Ҳалоқат”, Ю.Фучикнинг “Дор остидаги суз” асарларидан парча тайёрлаш орқали ёшларни инсонпарварлик ва халқлар дўстлиги руҳида тарбиялаш лозим.

### **ҲАВАСКОРЛИК САҲНАСИ**

Ўқувчининг ўз таланти ва қобилиятига ишончи унга қанот бағишлайди. Ўқилган ҳар бир декламация, диалог, монолог, намоёиш қилинган инсценировка ва спектакллар томошабиннинг кўз унгида бир дақиқа давом этади, холос. Лекин шу бир лаҳза томошабинларнинг диққатини узига жалб қилиб олган тақдирдагина сахна воқеалари ҳаққонийлик касб этиши мумкин.

Бунинг учун раҳбар ҳаваскор ўқувчиларга озми-кўпми театр санъати “сирлари”нинг моҳиятини тушунтиришдан бошлаши керак. Аввало, ўқитувчи сахналаштирилиши лозим бўлган асарнинг гоёвий мазмуни, образлар тизими, уларнинг индивидуал характери, асар композицияси, тили, тарбиявий аҳамияти ва ҳоказолар билан ўқувчиларини таништиради. Таништирибгина қолмай, образли ифода этади. Ўқувчига намуна кўрсатишда воқеанинг ичига олиб кириш, ишонтириш, ҳаяжонлантириш даражасига етказиши керак. Бир суз билан айтганда, ўқитувчи ҳаваскорларнинг ўзини ҳам томошабинга айлантириб, аввал қизиқишни шакллантира олиши керак.

Асарни сахналаштиришда энг асосий мақсад ёзувчи илгари сурган гоёни очишга қаратилмоғи даркор. Рус реалистик театри санъатининг асосчиси К.С. Станиславский

пьеса гоёсини очиб маҳоратини “олий вазифа” деб баҳолаган эди.

Тугарак раҳбари — режиссёр стол атрофида ишлаш пайтидаёқ “актёр”га пьесанинг “олий вазифаси”ни — гоёвий йўналишини тушунишга, ҳар бир ижрочининг “ансамбл”да ўз ўрнини аниқлаб, ҳатто энг жузъий масалаларни тушуниб олишига ва ниҳоят, ўз “актёрлик” истеъдодига хос тарзда ҳал этишига ёрдам беради. У профессионал бўлмаса ҳам ижрочига мизансценани (саҳнадаги ўринни) кўрсатиши — жойлаштириши билан бирга жамоани гоёвий, саҳнавий назарий асосида тарбияловчи ўқитувчи ҳамдир.

Шундай қилиб, раҳбар, пьеса образлари ва гоёни саҳнада тўла гавдалантириш мақсадида ижрочини ўзи яратган саҳна маҳоратини эгаллашга етаклайди.

Ҳап шундаки, профессионал саҳна билан мактаб саҳнаси ўртасида у қадар катта девор йўқ. Агар асар саҳна учун тайёрланган бўлса, гарчи, ёш, тажрибасиз гуруҳ маҳсулоти бўлишига қарамай, томошабин тасаввурида барибир спектаклдир.

Ҳаваскор тайёрланган саҳнани ҳам декорациясиз, махсус костюм — кийим-кечаксиз, тақлидий товушсиз, муסיқасиз, гримсиз, ёритиш эффектларисиз кўриш кишиларга хуш келмайди.

*Саҳнада образ яратишга доир машғулоти нимадан бошламоқ лозим?*

1. *Таништирилган асарни саҳналаштиришда ижрочини тўғри танлаш.* Бу муҳим омиллардан бири. Ижрочи ҳам қиёфа, ҳам характер жиҳатидан ўзига топширилган образга мос бўлиши керак. Бундан ташқари, ролга қизиқиши, қобилияти ҳам албатта, ҳисобга олинган бўлиши лозим. Бу ҳол ишнинг ташкилий даври деб ҳисобланади.

2. *Ижрочиларни драма матни билан таништириш.* Аввало раҳбар матнни тўла ўқиб эшиттириши лозим.

3. *Репетиция даври.* Репетицияни асосан режиссёр олиб боради. У икки босқичдан иборат бўлиши мумкин.

- а) бошланғич репетиция — матн устида ишлаш даври;
- б) фаол репетиция-ҳаракат — амалий машғулоти даври;

Репетициянинг дастлабки босқичи стол атрофида утказилади. Матн ҳар бир ижрочи томонидан мукамал ўрганилади. Уқувчи ёки талаба, умуман, ижрочи ўзига тегишли ролнинг матнини ёзувчи ремаркаси, партнёри (шериги)нинг реплика (охирги ибора)лари билан бирга ёзиб олади ва ўргана бошлайди.


Улар ўз ролларининг характериани ўрганиш давомида ҳар бир сўзнинг имлоси, талаффузи, умуман, сўз ва гапларнинг грамматик қоидалари, тиниш белгиларига қатъий риоя қилишлари талаб этилади. Нутқ техникаси устида ишлаш — нафас олишдан тўғри фойдаланиш, овоз темпи ва тембри, урғу, пауза, интонация ва уларнинг турлари, оттенкалари, дикция, ифода, эмоционалликка риоя қилиш, умуман, гапнинг мантиқ кучини белгилашдан иборат бўлган ишлар устида тинимсиз машқ қилинади.

Буларнинг ўзигина етарли эмас албатта... Энг муҳими, стол атрофида узоқ ўтирмаслик керак. Матн тўла ёдланмаса ҳам қолганини амалий ҳаракатга қўшиб олиб бориш керак. Чунки ҳаракатсиз драманинг, спектаклнинг юраги уриб турмайди, ҳаракатсиз у ўлик ҳолда бўлади. Бироқ ҳаракатнинг ўзи ҳам драматик асар маъносини тўла очолмайди. Адабиётшунос олим, профессор Б.Имомовнинг фикрича, у — амал! Амал — бу сахнавийликнинг бош асоси. Гояни образлар ифодалайди. Ҳаракат кучни характердан, характер кучни гоядан олади. Образни ҳаракатга гоя олиб бориши керак. Саҳнада воқеалар босқичма-босқич ҳаракатланиши керак. Муаллифнинг мақсади образларни ҳаракатга келтиради. Драма учун характерли хусусият — шиддаткорлик, кескинлик, муроса қилмаслик. Ҳаракат кураш натижасида юзага келади<sup>1</sup>.

Олимнинг фикрича, ҳаракатнинг сокин тури ҳам бор. Масалан, А.П.Чехов асарлари, И.Султоннинг “Имон”, “Курмайин босдим тиканни”, Уйғуннинг “Қотил”, “Парвона”, Улмас Умарбековнинг “Курорт” асарлари шу типдадир. Демак, спектакл устида ишлаган киши илмий-на-

---

<sup>1</sup> Профессор билан суҳбатимиздан.



Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг “Тухматчилар жазоси” спектаклидан  
бир кўриниш.



“Тухматчилар жазоси” спектаклидан бир кўриниш.



“Тухматчилар жазоси” спектаклида Фотима — Дилфуза  
Файзиева, Султон пияниста — Ниёз Аширов.



“Имон” спектаклидан, сўнг (1971 й).



“Имон” спектаклидан сўнг муаллиф И.Султон билан суҳбат (1971 й).



“Имон” спектаклидан сўнг И. Султон ва Шухрат билан учрашув (1971 й).



“Имон” спектакли қатнашчилари ва институт мармурийати муаллиф И.Султон билан (1971 й).




Одил Ёқубовнинг “Биллур қандиллар” асаридаги “Нилу-  
фар” ролида I курс толибаси Дилором Комилова (1976 й).



“Биллур қандиллар” инсценировкасидан бир кўриниш.  
Ҳикматулло — талаба Тошмурод Каримов,  
Бегимқул — талаба Жовли Курбонов (1976 й).



“Замонлар оша” адабий-бадий композициядан. А.Навоий  
ролида Суннат Расулов, Ҳамза ролида Тошмурод Каримов.  
Гримлаш пайти (1979 й).



Ўқувчилар саҳнаси. Уйғун ва И.Султоннинг  
“Алишер Навоий” спектаклидан бир кўриниш. Режиссёр  
Гулбаҳор Норова (2001 й).



Туйғуннинг “Мухаббат” спектакли-  
дан сўнг. Чўлпоний Султонова раис  
Жўрахон опа роллида (1949 й).



Термиз Давлат университетининг  
“Ёшлар театри” ижроچиси  
Гулбахор Норова.



Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган санъат арбоби,  
режиссёр Мансур  
Равшанов (2001 й).




Ўзбекистон Халқ артисти  
Муҳиддин Мажидов.

Алпомишнинг 1000  
йиллигига бағишланган  
кеча. Алпомиш ролида  
талаба Ўрол Холиёров,  
Барчиной ролида толиба  
Маърифат Расулова  
(1999 й).






Ажабий драматик тўғарак аьзолари ўз режиссёрлари билан (2000 й).



Ўзбекистон халқ артисти  
Сора Эшонтўраева.

Валентиновна Сидорова  
 Бунайон-сана  
 С. Эшонтўраева  
 М. А. Сидорова  
 Х. Халилов  
 Халқ артисти  
 С. Эшонтўраева  
 С. Эшонтўраева  
 С. Эшонтўраева

Спектаклдан сўнг устоздан шогирдга берилган дастхат.



Ҳамид Олимжон таваллудининг 60 йиллигига бағишланган кечада (1969 й).

зарий билимга ҳам эга бўлиши керак. Саҳнадаги ҳаракатни шу асосда бошқариш лозим.

Образ ўзи нима? Бунга санъат ва адабиётда турмушни ўзига хос бадиий шаклда акс эттирувчи ёки манзара ва характерлар дейиш мумкин. Инсоннинг бадиий адабиётдаги тасвиридан ташқари, мажозий характердаги образлари ҳам мавжуд. Барибир ҳар бир образ тагида инсон ҳаёти ётади. Образнинг характери бир-бири билан муносабатда очилади. Ижрочи образнинг фақат ташқи — жисмоний ҳаракати эмас, ички дунёси, дард ва уйлари ҳам гавдалантира олиши керак бўлади.

Ҳар бир актёр фантазияси янги бир дунё — ҳеч кимга маълум бўлмаган сирни очади. Характерлар ҳар хил: биров оғир табиатли, ичдан куйиб ёнади, изтироб чекади. Биров унинг акси, оламни сув босса, тупигига чиқмайди; биров пашшадан фил ясайди, биров одамлар дилига заҳар солиб, шундан баҳра олади.

М.Горький адабиётни “инсоншунослик” деб бежиз айтмаган. У инсон ҳақида баҳс юритади. Ҳаётдаги ҳеч бир одам бошқасига ўхшамайди. Гап саҳнада мана шу ўзига хосликни кўрсата билишдадир.

Баъзи бир актёрлар агар машина станогини олдида турса, мен ишчи образини яратдим деб уйлайди. Гап бунда эмас. Станог олдида турса ҳам ишчи образини яратмаслиги ёки, аксинча, турмасдан ҳам шундай образни яратиши мумкин. Тўғриси, станок олдида туриши муҳим эмас. Энг муҳими, инсоннинг ўй-фикрлари, хағти-ҳаракатлари, психологиясининг ҳаққоний картинасини яратишдадир.

Қайғунинг ҳам, шодликнинг ҳам ўз чуққилари бўлади, дейишади. Албатта, инсон ички дунёсини фақат суз билангина ифодалашнинг ўзигина мукамал эмас, гавда, оёқ-қул, кўз-юз ҳаракати, имо-ишора ҳам муҳим аҳамиятга эга. Нутқни тўхтатиш (пауза) айtilган ва айтилиши лозим бўлган гапларга эътиборни янада кучайтиради.

Саҳнада ҳамма нарса чинакам бўлавермайди. Манзара ва осмон ҳам, кулба ёки айрим анжомлар ҳам сунъий. Йўқ товушни эшитишингиз, йўқ нарсани кўришингиз, йўқ сувни ичишингиз керак ва ҳоказо. Ҳақиқий қиёфа

сини яшириб турувчи актёр грим ёрдамида кекса ёки ёш қахрамон образига кириш учун куйиб-пишади. Аслида бу “таклиф этилган шарт-шароитдаги эҳтирослар ҳаққонийлиги” — дейилади театр қонуниятида. Актёр агар ўз аъзоларини бошқара олмаса, сахнадаги буюмлар ҳам ўзи ҳам — ҳамма нарсанинг сунъийлиги билиниб қолади. Бу биринчи марта синфга кирган ўқитувчини эслатади.

Шу ўринда бир нарсани аниқлаш лозим. Сахнага чиққан ижрочи томошабинни девор дейиши, йўқ деб тасаввур қилиши тўғрими, ёки бошқачами?

Спектаклни тайёрлашдан мақсад — уни томошабинга кўрсатиш. Буни инкор этиб бўладими? Қандай қилиб ижрочиға олдинда девор бор деб бўлади. Ахир, зал одам билан лиқ тўла-ку. Бу — реал ҳақиқат.

Бу ўринда, яхшиси, ижрочи ўзининг бутун эътиборини бир нарсага — ўз олдида турган вазифани бажаришга қаратиши керак. Олдида турган вазифа эса — асарда илгари сурилган асосий ғояни томошабинлар онгига бутун моҳияти билан етказа олиш. Бу ўринда у хатти-ҳаракатнинг ҳаққонийлигига эришиши зарур. Агар бу ташаббусга партнёри (шериги) ва бутун ансамбл қўшилса, томошабин қалбига йўл топа олади.

Бадиий асар бир тирик организмга ўхшайди. Агар спектаклда бир ижрочи адашиб кетса, бутун сахнанинг руҳига путур етказилади. Мана шу ўринда ҳар бир ижрочи билан жамоа бўлиб ишлашдан ташқари, индивидуал ишлаш усули ўз самарасини беради. Айрим хотираси кучсизроқ, умуман, “хомроқ” роллар ижрочилари билан ҳам ҳар кун тинимсиз машқ қилиш зарур. Матнини талаб қилиш, чўнтагида юриб йиртилиб кетган бўлса (шундайлар ҳам учраб туради), уни қайтадан кучиртириш, ёдлатиш керак. Спектаклни бошлашдан олдин нутқ техникаси мукамал ишланади. Баъзан сўз кишининг асл мақсадини тўлалигача ифодалай олмаслиги ҳам мумкин. Мана шундай пайтда турли хил интонацияларнинг роли жуда каттадир.

Атоқли театршунос Бернард Шоу нутқдаги интонациянинг яширин, кўп қиррали имкониятларини ифодалаб: “Ҳа” дейишнинг эллик усули ва “Йўқ” дейишнинг беш

юз усули бору, бунн ёзишнинг фақат бир усули бор” — дейди. Шунинг учун матнни ёдлашнинг ўзи етмайди. Тушуниш ва уни ўзига хос тарзда ифодали олиш ҳам зарур. Бунинг учун актёр ўзи ифода этаётган фикр ва ҳолатни айна муддао деб ишониши ва бунга томошибинларни ҳам ишонтира олиши керак. Бадий ҳақиқат томошабин қалбида ва онгида ҳаётӣ ҳақиқатга айлансагина актёр ўз мақсадига эришган бўлади.

Муҳит, шароитга тушунган жойда ижод бор. Асарда ҳар бир образнинг ўз биографияси, ўз тақдири бўлади. Образ сахнада кўп кўриниши ҳам шарт эмас, лекин пьесада муҳим ўрин тутиши шарт. Масалан, Уйғуннинг “Парвона” асаридаги Мурод образи фикримизнинг далилидир.

Драманинг ўзига хос фазилатларидан яна бири — бу вақтнинг чекланганлиги. Баъзан парда очилганда сахна бўш бўлади. Баъзан бир киши, баъзан эса спектаклда иштирок этувчиларнинг ҳаммаси тўпланган бўлади. Бу драматургнинг ўз олдига қўйган вазифа ва мақсади билан боғлиқ.

Воқеаларнинг бориши эса, бир неча аср, бир неча йил, бир неча ҳафта, кун, бир неча соатликкина бўлиши мумкин. Бу ҳам юқоридаги мақсад билан боғлиқ: Уйғун ва И. Султонлар яратган “Алишер Навоӣ” спектакли бир неча ўн йилларни ўз ичига олади. Сахнада Алишер Навоӣнинг навқиронлик ва кексалик даврлари кўз ўнгимиздан ўтади. Буюк мутафаккир образидаги тадрижий ўзгариш ҳаётӣ кўрсатилган. Асардаги гоят муҳим ҳаётӣ, бироқ мураккаб ҳолатларни бера билиш муаллифлар учун осон кечмаган, албатта. Айна пайтда мана шундай мураккаб эпизодларни сахнага олиб чиқиш режиссёр учун ҳам ўнғай эмас.

Баъзан бир марта ҳам спектакл қўймаган ҳаваскор режиссёр ишни мана шу спектаклни тайёрлашдан бошлайди. Бу албатта, қутилган натижани бермайди, ишни оsonдан мураккабга ўтиш принципи асосида олиб бориш самаралидир.

И.Султоннинг “Имон” спектаклидаги воқеалар эса, атиги бир кунда бўлиб ўтади. Уни сахнада тайёрлаш ҳам

жуда қийин. Улмас Умарбековнинг “Шошма, қуёш!” спектакли октябр воқеаларидан то бизнинг кунларимизгача булган даврни ўз ичига олади. Драмада воқеаларнинг кескинлиги ва юқумлилиги томошабинни қаттиқ ҳаяжонга солади. Асарни саҳналаштириш технологияси бошқа ҳамма спектакиллардагидан фарқ қилади. Асар қаҳрамоннинг ўз-ўзига қилган диалоги асосида курилган.

Демак, дастлаб турли манбаларга мурожаат қилишимиз, урганишимиз жоиздир. “Имон” спектакли матни ни ёдлай бошлагач, адабиётларни ўқиш билан бирга, техника воситаларига ҳам мурожаат қилиш фойдалидир. Бунда машғулотни бошлашдан олдин профессионал саҳна усталари ижросида яратилган “Имон” спектакли ёзиб олинган видео-аудио тасмасини гуруҳ аъзолари бир неча бор тинглаши, ифода этиш оҳангига эътибор бериши, иложи бўлса, ижрочилар уни магнитофонга ҳам ёзиб олиши зарур. Чунки улар буш вақтларида мустақил урганишни ҳам давом эттиришлари мумкин.

Шундан сўнг фаол репетицияни ҳаминша тез бошлаш керак. Чунки ижрочи ҳар бир сўзни саҳна мизансценасининг қайси урнида айтилиши лозимлигини белгилаб олади. У ўша ерга бориши биланоқ сўзларини эслай бошлайди. Сўз билан ҳаракат бирлиги эса образларга жон бағишлайди. Буни умумий тарзда образга кириш дейилади.

### **ОБРАЗГА КИРИШ НИМА?**

Биз юқорида образ ҳақида мулоҳазаларимизни қисман айтган эдик. Содда қилиб, образ инсоннинг бадиий асардаги тасвири десак, энди образга киришнинг маъноси ундан анча кенг. Станиславский буни “актёр фантазияси” деб атайди.

У пьеса воқеаларини темир йўл, унинг иштирокчиларини саёҳатчиларга ухшатади. Дарҳақиқат, улар воқеанинг бошланишидан охиригача йўлда кўп тўсиқларга учрайдилар. Кейин кутилмаганда воқеалар ёзувчи идеали фойдасига ҳал булади. Ҳатто трагедияда ҳам ёзувчи идеали (қурбонлар бериб бўлса ҳам) устун чиқади.

Томошабин кимгадир хайрихоҳ, кимдандир нафратланади. Энг муҳими, ижрочининг жисмоний ҳаракати ақлий ҳаракати билан мантиқан боғлиқ булиши даркор. Акс ҳолда, у бемақсад, бемаъни хатти-ҳаракатдан бошқа нарса эмас.

Образ сахнада мустақил ижодий фигура. У муаллиф матнини механик равишда томошабинга етказувчи эмас. Ижрочи образга ўз мустақил муносабати — фантазияси билан гул солади, безайди, жонлантиради, унинг олий ғоя билан юғурилган дардини юракдан ҳис қилади. Айниқса, бош қаҳрамоннинг мақсади асарнинг етакчи ғоясини очишдан иборат. Буни бурчи, вазифаси деб тушуниши, шунга амал қилиши керак.

Дарвоқе, амал — ҳаракат. Бу — спектаклнинг уриб турган юраги. Бусиз спектакл йўқ. Яна бири шуки, спектакл ансамблсиз (ижрочилар гуруҳисиз) мавжуд бўлолмайди.

Спектаклнинг барча актёрлари бирга уйнаган чоғда, яъни уларнинг бор куч-гайрати пьеса ғоясини очишдек ягона мақсадга қаратилган чоғдагина ансамбл вужудга келади. Улар бир-бири билан бевосита боғланган. Аниқроғи, бош қаҳрамон асарнинг юраги бўлса, бошқа персонажлар эса юракка озиқа берувчи — спектаклни ҳаракатга келтирувчи қон томирларидир. Қон томирларисиз юрак ишламайди. Шунинг учун сахнада барча образларнинг мукамал амали — ҳаракатини ишга солиш лозим.

Албатта, бош қаҳрамоннинг машғал эканлигини унутмаслик керак. Бош қаҳрамон ҳам бошқа персонажларсиз тараққий эта олмайди. Ахир, у ким билан гаплашади, тортишади, кўришади? Албатта, бу нуқта қўйилгандан гап эмас. Чунки биргина қаҳрамоннинг фикрлари курашини ҳам инкор этиб бўлмайди-да. Ҳис! Ҳа, ҳамма гап ҳис қилишда. Бусиз образга кириб бўлмайди.

Инсоннинг кимлигини фақатгина унинг хатти-ҳаракати, қиладиган ишлари, фикр ва ҳис-туйғуларидан билиб оламиз. Товуш ва сўзда ҳам гап куп. Баъзан сўз кишининг асл мақсадини яшириши, ниқобланган бўлиши ҳам мумкин. Аммо ниқобли сўзни унинг ҳиссий туйғулари, товуш оҳанги, юз-кўзидаги, бутун борлигидаги, гавдаси

даги — психо-физик ҳаракатидаги узгаришлар фош қилишга ёрдам беради.

Юз ҳам, кўз ҳам, қўл-оёқ ҳам тилсиз гапиреди деса ишонаверинг. Буни фақат ижрочи яхши тушуниб олиши ва идрок қилиши даркор. Таклиф этилган образ — рол ижобийми, салбийми, унинг мақсади, моҳиятини чуқур англаш, яширин дардларини ҳис қилиш керак. Шундагина сиз образга кира оласиз.

Ўзбекистон Халқ артисти Сорахон опа мана шу ҳис масаласига алоҳида урғу берардилар: “Ҳис қилишда гап кўп. Мен образимни ҳис қилмасам, ўйнай олмайман”, — дер эдилар.

Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романидан бир лавҳага эътибор беринг: “Ҳа, мен подшоҳмен — бутун бало шунда. Неки хатолик, неки гуноҳ қилган бўлсам, ҳаммасининг бирламчи сабаби менинг подшоҳлигимдир. Ёшлигимда подшоҳлик занжиридан қутулиб кетмоқчи бўлдим... Лекин мени бу занжирдан халос қиладиган нажоткор топилмади.

Энди умидим борки, менинг нажоткорим Ҳумоюн бўлгусидир”.

Асардаги мана шу парчадаёқ Бобурнинг қандай инсон эканлигини билиш мумкин. Адолатли ҳукмдор ўзининг кечмишларини кўз ўнгидан бир-бир ўтказиб, шундай хулосага келган, одатда, бунинг акси бўлган адолатсиз ҳукмдорлар ҳеч қачон уз хатоларини тан олмайдилар. Бу сўзлар эгасига берилса, тинглаган юракларни титратмай қўймайди. Бу сўзлар афсус-надомат, пушаймон маъносида, эзгу орзуларининг ушалмай қолганини чуқур ҳис қилиш хастаҳол оҳангида юракдан, ёниб айтилиши керак.

Ўзбекистон Халқ артисти М.Абдуқундузовнинг ролга, образга киришини эсланг. Вильям Шекспирнинг “Ҳамлет” трагедиясидаги Ҳамлет образини талабамиз Алишер Маматалиев ўзича фантазия қилганини унутолмайман:

“Тирик қолмоқ (пауза) ё (пауза) ўлмоқ (пауза)  
Шудир масала (паст темп) қайси бири булардан  
(синтагма урғуси) бизга муносиб (психологик пауза)

Шу дилозор фалакнинг такрикларига шикоятсиз шик-  
васиз чидаб турмоқми?”

Ҳамлет отасининг амакиси томонидан улдирилиб,  
онасига уйланишдек ута жирканч фожеага чидаб тура  
олмайди. Унинг ё ҳаёт, ё улимни қандай танлаш керак  
деган фалсафаси юқоридаги сатрларда шундай баён этил-  
ган. Аммо монологнинг тўла матнини тинглаш бутун-  
лай бошқача аҳамият касб этади.

Отасининг қотилига бўлган нафрат уни исёнкорга ай-  
лантиради. Ҳамлетнинг аҳволини ҳис қилиш ҳамманинг  
ҳам қўлидан келавермайди.

Мен ҳамиша матни ҳиссиз ва ҳис билан ўқишни  
таққослайман. Шунда масала равшанлашади. Театрнинг  
моҳияти турмушни сунъий такрорлаш эмас, балки ин-  
сон ҳаётини ҳис этиш, ўзлаштириш ва тушунишидир.  
Акс ҳолда спектакл ўзининг бутун қимматини йўқота-  
ди. Спектаклда сўз ва ҳаракат бир-бири билан узвий  
боғлиқ.

Ҳа, нутқ артистнинг энг асосий воситаси ҳисобланади.  
Уни эса гавда ва интонация воситалари тўлдиради ва  
бойитади.

Шундай қилиб, образнинг ҳаётийлигини таъминла-  
ши учун атрофидаги бошқа ижрочиларнинг ҳам фаол  
иштироки талаб этилади.

Демак, хулоса шуки, аввало ҳар бир ижрочи ҳам ўз  
партнёри билан муносабатини конкрет белгилаб олиши  
жуда зарур.

Баъзан ҳаваскорлик тўрагаги учун қандай уйнаса ҳам  
булаверади, деган асосиз қарашлар ҳам учраб туради.

Биз ҳамиша томошанинг таъсирчанлиги учун кура-  
шишимиз керак. Бироқ бу деган сўз ижодкор сахна  
қонун-қоидаларини писанд қилмасдан ўз билганини  
қилиши керак, деган сўз эмас. Баъзан ижрочи “таклиф  
этилган шарт-шароит”ни бажариш ўрнига, ҳаддан таш-  
қари эҳтиросга берилади, ўринсиз “шоирлик” қилади.  
Бундай ҳаракатни ўринсиз, “ўзини кўрсатиш” ёки об-  
разга кира билмаслик деб баҳолаш мумкин. Эътибор  
беринг: “Шоҳ Эдип” асарига Сора — Иокаста даҳшатли  
хабардан воқиф бўлгач,

заҳарли илон чаққандай укириб, талвасада кўзлари қинидан чикқудек булиб тўлганиб: “О...о...о...о...а...а...а...а...а?!” деган ўкинчли ҳайқириқ билан сахнадан чиқиб кетади. Бу профессионал актёрнинг образга кириши эди. Унинг бу ҳаракати томошабинни ларзага солади.

Агар спектакл бир “организм” буладиган бўлса, унда биттагина рол ижро этилмаса ҳам, ҳаракат ўша заҳоти заифлашади. Томошабин бунга тоқат қила олмайди. Ахир, сахна асарининг “драма” дейилиши ҳам бежиз эмас-да. Буюк олим В.Г. Белинский драманинг ўзига хослигини шундай таърифлаган: “Романда баъзи бир шахс воқеада чинакам иштирок қилуви билан эмас, балки оригинал характерга эга бўлгани учун жой олиши мумкин, драмада эса воқеанинг бориши ва тараққиёт механизмида зарур бўлмаган битта ҳам шахс бўлмаслиги керак”<sup>1</sup>.

Режисёр сахнада олиб бориладиган репетицияда ижрочиларнинг бутун эътиборини ролнинг характерига жалб этиб, пьесани маълум бир схемага—“тизимга” солиши керак. Ролдаги қаҳрамонга муносабат билдириш, ўзини ушанинг ўрнига қўя билиш устида ишлаш — унинг учун муаммо. Ансамбл билан ишлаганда бўртиб кўринган ҳар бир камчилик ҳақида жиддий кўрсатма бериш, айни чоғда оммавий сахна ҳаракати ҳаққонийми-йўқми, ундан қатъи назар, машқни тинимсиз давом эттириш керак. Ўша шахс — рол билан индивидуал ишлай олиш керак. Жумладан, Л. Қайюмовнинг “Қалдирғоч” пьеса-сидаги Қалдирғоч, Ҳамза, Одил Ёқубовнинг “Биллур қандиллар”идаги Нилуфар, Ҳикматулло, Бегимқуллар, С. Зуннунованинг “Янги директор” асари қаҳрамони Раис, Ўлмас Умарбековнинг “Шошма, қуёш!” асаридаги Санобар, Мақсуд каби образларнинг ижрочилари билан ҳам ишлаганда уларнинг характер ҳаққонийлигига эришиш учун нималарга асосий эътиборни қаратишни аниқ билиш зарур. Ана шундагина режиссёр ўз олдига қўйган мақсадини тўлиқ адо этган, актёрнинг ижрочилик маҳоратини юзага чиқарган бўлади.

<sup>1</sup> В.Г.Белинский. “Поэзиянинг хил ва турларга бўлиниши”. Танланган асарлар, Уздавнашр, Тошкент, 1955, 193—194-бетлар.

Ахир, муаллифнинг ўзи ҳам асар ёки ҳар бир образни осонликча ижод қилмайди-ку! Ҳаётни, одамларни бениҳоя аниқ, майда-чуйдаларигача тасаввур қилиши орқали тасвир этади. Ҳар бир характерга жон бахш этиш учун ўз қалб қурини тўқади. Чунончи, А.Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” асари қаҳрамони Фарҳоднинг сувга гарқ бўлиш хавфи туғилганда, Шопур уни қутқаради. Шунда Навоий асар сюжетида чеканиб, хурсандликдан: “Эй, соқий, май келтир...” дейди. Машҳур рус ёзувчиси А.С.Пушкин ўзи ёзган “Евгений Онегин” шеърини романидаги Татьяна образига чексиз симпатиясини, унинг изтиробларига шериклигини: “Оҳ, менинг севимли Татьянам!” ибораларида кўрамади. Л.Н.Толстой ҳам ўз қаҳрамонлари оғушида яшаб, улар учун аччиқ кўз ёшларини тўккан. Ўзбек халқининг севимли ёзувчиси А.Қодирий ҳам ўзининг “Ўткан кунлар” романида Кумушнинг ўлими тасвирини ёзаётганда, аччиқ йиғлаган. Сабабини сўрашганда: “Ҳозиргина Кумуш ўлиб қолди”, — деб жавоб берган.

Ижрочи ҳам ўз ихтиёри билан ёзувчи яратган ўша образ ва гоёни “таклиф этилган шарт-шароит” ҳолатида, ҳаракатда кўрсатиши керак. Лекин ижодий изланишсиз, машаққатсиз ютуққа эришиб бўлмайди. “Табиат, — деган эди мазкур сатрлар муаллифи билан шахсий суҳбатда Халқ артисти Сора Эшонтўраева, — талант беради. Лекин у тарбияланмаса сўниши мумкин. Аброр Ҳидоят, Шукур Бурҳоновлар ўзларидаги талантни тинимсиз ўстириб бориши — оғир меҳнат, машаққатдан чўчимаслиги туфайли эл ардоғини қозондилар”.

### **И.СУЛТОННИНГ “ИМОН” АСАРИНИ САҲНАЛАШТИРИШ ТАЖРИБАСИДАН**

Биз қуйида юқорида айтилган қатор мулоҳазалар асосида И.Султоннинг “Имон” асарини саҳналаштириш намунасини келтираемиз. Маълумки, И.Султоннинг “Имон” драмаси, гарчи 60-йилларда яратилган бўлса-да, унда бугунги кун ўзбек зиёлилари ҳаётига хос бўлган муаммолар

ҳам мавжуддир. “Имон” — икки қисмдан иборат драма. Асар пок виждонли, ҳалол инсонлар билан текинхур нопок кишилар уртасидаги конфликт асосига қурилган. Воқеа бир кунда — қуёш чиқишидан ботишигача утган вақтда булиб ўтади. Спектаклда тўққиз ижрочи иштирок этиши керак. Ижрочилик қобилияти бўлганлар бир неча ой мобайнида синовдан утказилган. Ниҳоят, тўққиз кишидан иборат “ансамбл” тузилди. Унда ижрочилар йигирма икки ёшдан етмиш беш ёшгача бўлган турли ёшдаги кишилар образини акс этириши лозим бўлди. (Дастур илова этилади.) Олдинда турган “олий вазифа” пьесанинг ғоявий йўналиши — бурчга муносабат, инсоний поклик муаммосини ижрочилар билан бирга ислоҳ қилишдадир. Бинобарин, асосий гап ижрочиларнинг ёзувчи мақсади ва ғоясини тўла ўзлаштириб олиб, уни саҳнада — образларда бера билишида қолди.

Спектаклга тайёрланиш жараёнида машгулотнинг турли босқичлари бажарилади. Мана, ниҳоят, ижрочилар “старт”га тайёр. Тонгни қаршиловчи мусиқа. Парда очилганда саҳна ярим қоронғи. Кун аста-секин ёриша бошлайди. Боғда булбуллар сайраяпти (овоз эффектлари магнитофонга ёзилган).

Декорацияда боғ ифода этилган. Саҳнада Озода пайдо бўлади. Унинг кайфи чоғ, табиатга суқланиб боқади, лирик туйғу. Прожектор декорациядаги қуёш ифодасига йўналтирилади. Беғубор қиз (узи йук) қуёшни куради, ҳаяжони ичига сиғмайди. Тобора нурлари балқётган қуёш билан хаёлан сўзлашади. Уша пайтда саҳна орқасидан сунъий кўриниш ижрочи учун табиий эди. Уни томошабин ҳам кўраётгандек ҳис қилади. Шу дақиқада ҳамма нарса улар учун худди мана шу қуёшдек соф ва нурли эди. Мана шу экспозиция ёзувчининг идеали инсонларга покликни тарғиб қилишдан иборат бўлган мантиқни бераётган эди.

Ниҳоят у келинойисини кўриб қолди. У аксинча хомуш ва гамгин эди. Контраст ҳолат.

О з о д а.

Тобингиз йўқми? Нега кўзларингизда ёш. (Азиза жим.)

Нима гап?

А з и з а.

Айтолмайман.

О з о д а.

Менга-я?

А з и з а.

Чунки бугунги кундан кутган эзгу умидларингизни чил-парчин қилгим йўқ.

Куриниб турибдики, ҳаёт Озода уйлаганчалик ёп-ёруғ, теп-текис эмас. Унда қандайдир ноаниқликлар бор. Бу ҳали тугун эмас. Барибир, мана шу диалоглар томошабинни асосий конфликтга тайёрлайди.

Азиза қаҳрамонини тушуниб уйнади. Унинг кулиши ҳам, йиғлаши ҳам — ҳаммаси ғоят табиий бажарилади. Озода бир гапириб, ун куладиган, табиатан шух, аммо қалби пок қиз эди. Саҳнадаги воқеа ривожи Ориф билан Рисолат диалогидан, Азиза ва Ориф уртасидаги диалогда оилавий конфликт сезила бошлайди. Асосий мақсад, ғоя бу уринда ҳам тугилмайди. Ниҳоят, саҳнада Санжаров пайдо бўлади. Унинг қулида газета. Газетада ноҳуш хабар.

С а н ж а р о в.

— Мана уқинг, мана бу жойини уқинг.

Ориф Санжаров курсатган жойини ҳаяжон билан куздан кечиради. Хуноб булиб “ух” тортади.

О р и ф.

— Бало устига бало.

С а н ж а р о в.

Энди нима қилдик?

Хабар уларнинг ҳар иккаласини ҳам ташвишга солиб қўяди. Ана шу воқеадан сўнг чора ахтариш бошланади. Маълумки, уларнинг қулидаги газетада бу гаплар йўқ. Биз шу уринда ҳақиқий ташвишли хабарни ўқиб кўриш билан машқни бошлаган эдик. Улар газетани қўлга олганда

уша воқеани эслашарди. Бу ҳам бир усул. Улар хабарни газетада шунчаки кўрмапти, балки ҳис қилишяпти.

Энди томошабин ҳам воқеага лоқайд қарамайди. Нима гап узи? Нима хабар ёзилган экан? деган қизиқиш уйғона бошлайди. Бунга ижрочиларнинг ҳолатлари ҳам сабаб бўлади. Асосий воқеа (тугун) мана шу ердан бошланади.

Бу икки персонаж ўртасида рўй берган саросимали аҳвол, жиддийлик, овоз тембри, дикцияси оҳангида “психо-физик” хатти-ҳаракатда яққол кўринади.

“Бу қанақа хабар? Қанақа ташвиш?” ҳозирча томошабинга “сир”. Ёзувчининг ҳам, ижрочининг ҳам мақсади ташвишни олдиндан билдирмаслик. Баъзан ижрочи бундан кейин ташвишга тушиши керак бўлса ҳам, шу ҳолатни вақтидан олдин кўрсатади. Ёки аксинча, воқеанинг охири яхшилигини билиб, сунъий қайғуради. Тинимсиз машққина бундай ҳолатларни баргараф этишга хизмат қилади.

Йўлдош Комилович Москвага жўнамоқчи. Жўнаш олдиндан барча фарзандлари боғда тупланишмоқчи. Асарда Йўлдош Комилович билан Санжаров ва Орифлар ўртасидаги етакчи сюжет чизигига ёрдамчи севги романтикаси билан боғлиқ Озода ва Сиддиқжон, Азиза ва Ориф, Ойша ва Каримжонлар воқеа ривожидида бир занжир атрофига жипслашадилар.

Ориф билан Азиза ва Ойша билан Каримжонлар оиласи бир-бирига мантиқан контраст қўйилган.

Ориф билан Азиза ўртасидаги вазият сахнада алоҳида кураш чизигини ташкил этган. Азиза Орифни хатарли йўлдан қайтишга ундайди. Ориф эса ўжар. Воқеа баъзан шиддатли, баъзан сокин ривожланиб боради.

Озода ва Сиддиқжон — икки севишган қалб турмуш ташвишларидан узоқ. Асарга киритилган монтаж — “санъат факти” — Ҳ. Олимжоннинг “Зайнаб ва Омон” достонидан келтирилган романтик мушоира уларни кузатаётган оила аъзолари нигоҳида ҳам, томошабин назарида ҳам сахнага жон киргизди. Улар ўртасидаги самимий суҳбат ниҳоятда ҳаяжон билан давом этарди.

Асарда муаллиф вақтни эслатиб туради. Ниҳоят, соат 10 га занг уради. Бу асосий қаҳрамоннинг пайдо бўлиш белгиси эди. Болохона зинапоясида Йулдош Комилович пайдо бўлади. Биз саҳнага институт устахонаси ёрдамида, ўз раҳбарлигимизда уй декорациясини, уй эшиги ва деразасидан кўриниш лозим булган шартли болохона (ўзи йўқ, кулис бошланган жойдан фақат тушиб чиқадиган зинапоя) ясатган эдик.

Профессор пайдо бўлиши билан саҳна жонланиб кетди. Оммавий саҳнанинг биринчи кўриниши. Профессор — ижрочининг гримланган кўриниши билан хатти-ҳаракати ўртасидаги тафовут қарийб сезилмайди. Аксинча, унда қандайдир мантиқий бирлик мавжуд. Ижрочи қаҳрамони ички дунёсига шўнғиган. Бошқаларнинг ҳам ўз фантазияси, ўз олами бор эди.

Оилавий учрашув. Ўша дақиқада улар ҳаммаси тенги йўқ бахтиёр. Профессорни янги асари билан табриклашди. Лекин мана шу бахтиёрлар ичида биттаси — Азизагина маъюс. Бунинг сабаби “оила” дагиларга ҳам, томошабинларга ҳам маълум эмас. Воқеа секин ривожланапти.

Драманинг ўз қонуниятига кўра асарда баъзан ҳолат бирданига ўзгаради. Энди инсоний поклик билан текинхурлик ва бойликка ҳирс қўйиш иллоти рақобат қила бошлайди. Бу гоё профессор ва унинг ўғли Ориф ўртасидаги диалог — конфликтлар орқали ифода этилади:

К о м и л о в.

...Бутун бир маданият саройида минглаб кишиларнинг баҳрини очишга ярайдиган қимматбаҳо нарсани беш киши турадиган бир уйга олиб келиб осиб қўйишнинг маънисини нима?

О р и ф.

Дада, бу қандил менинг пулимга келди. Сиз нега ачинасиз?

К о м и л о в.

Гап фақат пулда эмас, шу ҳашамат, дабдабанинг узи нега керак? Ўз бойлигини куз-куз қилиб, одамларнинг ичини куйдириш учунми?..

Мана шу каби оммавий мизансценани бутун моҳияти билан ҳаваскорлар саҳнасида бера олиш ниҳоятда муракаб иш. Дастлабки репетицияларда улар ҳаммаси худди шеъ-

рий монтаж ижрочиларига ухшаб бир занжирга тизилишди. Уларнинг ҳар биттасининг вазифаси — сахнадаги ўрни белгиланди. Лекин шунга қарамай, дастлаб ижрочилар ё керагидан ортиқ юради, ёки залга бутунлай орқасини угириб, партнёрини тўсиб гапирарди. Оёқ-қўлини тўғри идора қилолмай, гапи билан юз-қўзида уша маънони тўла ифодалаш ғоят қийин кечади. Албатта, бу қийинчиликлар узлуксиз машқ давомида бартараф этила боради.

Воқеа ривожда яна бир детал — папка масаласи ҳам муҳим рол уйнайди. Бир вақтлар Ориф бошлаган илмий иш, ҳозирча чанг босиб ётибди. Ориф ундан воз кечмоқчи. Воқеа кутилмаганда янги ҳолатга утади. Тусатдан вафот этиб кетган профессор Юсупов оиласининг аризаси бор деган хабар пайдо бўлади.

Профессорнинг қўлёмаси унинг ҳамкори Санжаровнинг қўлида қолган.

Сахнада Санжаровнинг пайдо бўлиши ёнғинга бензин қуйгандек аланга олади:

С а н ж а р о в.

Юсуповнинг қўлёмасини ахтарасизларми? Йўлдош, қўлёмаси шу ерда, сенинг уйингда.

Воқеа қалтис, драматик тус олади.

О р и ф.

Санжаров қўлёмани менга берган.

Ҳамма даҳшатда.

С а н ж а р о в.

Уғлинг унинг бир қисмини номзодлик диссертацияси қилиб ёқлаган. Қолганини эса докторлик диссертацияси қилиб ёқлаш учун босиб ётибди.

К о м и л о в.

Нафс гадоси! (Санжаровга) Сен энди йўқол! Жонингдан умидинг булса йўқол!

Профессор кабинетда ёлғиз (уйланади).

Йўлдош Комиловнинг ўгли плагиатор! Уғри!”

Фикрлар кураши — коллизия. Спектаклдаги бошқа ижрочилар ҳам “психо-физик” ҳолатда. Бир дақиқа сукунат.

Бу сукунат ҳамма, ҳатто томошабиннинг ҳам юрагини эзиши керак. Уйин эмас — ҳаёт. Уйин машқ даврида

утиб кетди. Оила бошига тушган иснод, мусибатни фақат сўзсиз ҳолатлардагина ифодалаш лозим. Бу вазиятни психологик пауза ҳам деб аташ мумкин. Буни ижрочи ҳам, томошабин ҳам ҳазм қилиши керак эди.

Тасаввур қилиб бўлмайдиган бу оғир изтиробни ҳамма узида у ёки бу тарзда акс эттирди. Кимдир бир нуқтага тикилган, кимдир тек ўтиришга сабри етмай типирчилайди, кимдир сочларини панжалари орасига олган. Кимдир шкафдан бир нарсани ахтаради, кимдир ўқтин-ўқтин “ух” тортади. Рисолат эса кўз ёшини артади ва ҳоказо.

Комиловнинг гапи бу тинчликни бузади:

К о м и л о в. *(Чексиз ғазаб билан)*. Қани, у беномус, қайтиб келсин-чи. Комиловлар оиласига иснод келтириш нима эканини кўрсатиб қўяман! *(Зинадан чиқаётиб, бирданига юраги қаттиқ санчиб, кўкрагини тутуди.)*

Умумий ҳаяжон, ҳамма унга ёрдамга шошади.

Ҳозир... ҳозир утиб кетади. *(Ўзига келиб, бошқалар ёрдами билан аста кўтарилиб, ғойиб бўлади.)* “Стресс”.

Мана шу драматик-психологик ҳолатни табиий чиқариш учун жуда кўп машқ қилиш керак. Профессорнинг шу ҳолати ҳам индивидуал, ҳам умум орасида тинимсиз машқ қилинсагина самарали бўлади. Бироқ умуман олганда бундай оғир, қалтис ҳолатларнинг кўпини индивидуал машқ орқали тиклаш эффе́ктлироқ. Чунки бундай оғир вазиятни сахнада бир вақтнинг узида бир неча марта такрорлаб бўлмайди. Акс ҳолда, у сунъийлашади. Энг кучли сахналар ҳамини индивидуал ишлаш жараёнида кашф қилинади. Чунки вақт бир ёки икки ижрочига ажратилса, фикрлаш, ижодий изланиш имконияти ҳам кўпроқ бўлади.

Асарнинг биринчи қисми профессорга “тез ёрдам” чақириш билан тугайди. Натижа нима билан тугаши томошабинни қизиқтиради. Асар воқеаси ва ижрочи талаба, ижрочилар учун ҳам оғирлик қилиши, ҳам магнитдек ўзига тортиши мумкин. Оғирлиги шундаки, савияси ўзларидан

неча баравар устун турган олимлар ролини ижро этиш муаммоси булса, ёқимлилиги, қанча қийин булмасин, у зиёлилар ҳаётини акс эттириш билан боғлиқлигидир. Бинобарин, ҳаваскор-ижрочилар бор ҳақиқатни қулидан келган барча имкониятларни ишга солган ҳолда томошабинга етказишга ҳаракат қилиши керак. Негаки, унинг томошабини ҳам асосан талаба-ёшлар ёки уқувчилар эди-да!

Вақт куннинг иккинчи ярмидан ошган (соат 4 га занг уради). Ўша декорация.

Катта тўқнашув — стрессдан сўнгги ҳолат. Профессор хас-тахол пайдо бўлади.

Муаллиф ҳамиша шиддатли жанглардан сўнг қаҳрамонларни ҳам, томошабинни ҳам уйлашга мажбур қилади.

Персонажларда умумий гамгин ҳолат. Комилов ҳаммага бир-бир разм солади, аммо гапириш урнига бир бор “ух” тортади. Секин-аста юриб келиб, радиоприёмникнинг қулогини бурайди. (Биз буларни магнитофонга ёзганмиз). Приёмниқда тантанали мусиқа, шовқин ва дикторлар овози эшитилади.

Дикторлар: пахта плани тулаётгани, унинг съездга совға эканлиги ҳақида гапирадилар, радиони учиради ва уйланиб қолади. Комилов чуқур афсус билан узига-узи: “Зигзак! У ёқда ўз оқимида давом этмоқда. Менинг уйимда эса ҳаёт изидан чиқарилган”, — дейди.

Бу уринда шуни таъкидлаш жоизки, пахта планининг тулиши ва унинг съездга совға эканлиги бутунги мустақиллик даврида томошабинда турғунлик йилларига нисбатан илиқ туйғу уйғотмайди ва қутилган мақсадни бермайди. Шунинг учун ҳар бир режиссёр ижодий фойдаланиб ўзига мос бошқа хабардан фойдаланиши мумкин.

Комилов “зигзак!” сўзини гўё ўзи учун ярим овозда айтди. Аммо ўша пайт атрофдагиларнинг бутун диққати — “жон қулоғи” унга қаратилган эди. Айниқса, унга яқинроқ турган Озода бу сўзни аниқ эшитди. Лекин сўзнинг маъносига тушунмади. У яна ўша сўзни такрорлади: *Зигзак!...*

Шу битта суз тагида қанча чалкашликлар — драматизм ётибди.

Ойша киприк қоқмай дадасига тикилган. Озода ярим овозда пиқ-пиқ йиғлайди. Собиров ён дафтарига нималарнидир ёзади, у жуда жиддий қиёфада. Ҳар замон Комиловга қараб қўяди. Хосият диванга, Ойша стулга утирган, Сиддиқжон уйчан деворга суянган. Профессор хаёл суриб бир-бир қадам ташламоқда. Оғир психологик ҳолат.

Мизансцена ва “Фантазия” тахминан шу ҳолатда ижро этилади. Кейин партнёрларнинг умумий “психофизик” ҳаракати асосида воқеа давом этади.

Ҳамма Орифнинг “хатти-ҳаракати”ни ўзича баҳолайди, ўзича ҳукм чиқаради. Ҳеч ким уни оқламайди, ҳамманинг хаёлида бир нарса: Ориф кўлёмани топширадими ёки йўқ қиладими?!

Рисолатнинг хаёлида эса: “Диссертация қуриб кетсин, ишқилиб, бола нобуд бўлмасин”. Томошабин диққатини жалб этишда ҳар бир персонаждаги мана шу индивидуаллик, ўзига хослик муҳим рол уйнайди.

Рисолат ҳаммага ачинади. У, асосан, ҳеч ким билан тўқнашмайди. Рисолат образини яратиш ёш ижрочига осон кечмайди, албатта. Бунинг учун нафақат гримнинг ўзи етарли, бутун хатти-ҳаракат, ҳолатга ҳам кириш зарур.

Драматург бу образни алоҳида симпатия билан яратган. У ҳаммага фақат яхшилиқни истайди. Ҳамма Орифдан нафратланиб турган бир пайтда унинг “диссертацияси қуриб кетсин...” ибораси томошабинда беихтиёр кулги кўзгатади. Умуман, ижрочи замонавий атамаларни ҳам бузиб ишлатиш билан бирга, у пайдо бўлган саҳнада, сўзсиз енгил кулги давом этиши лозим.

Ҳамма Орифни кутган бир пайтда Санжаров кириб келади. Воқеа ривожи янада кескинлашади:

**С а н ж а р о в.**

... Ориф бировнинг ишини узиники қилган бўлса, нима булибди? Ҳаётда доимо биров бировнинг ҳақини ейди. Бировнинг ҳақини ейишдан ҳазар қилсанг, ҳаётдан қониб лаззатлана олмайсан киши. Ҳаётнинг, бутун табиатнинг қонуни шу.

Ҳаёт — бир денгиз. Агар денгизда наҳангга ухшаш катта балиқлар кичик балиқларни еб турмаса, балиқ купайиб кетиб, денгиз қуриб қолади.

К о м и л о в.

А, а! Ана энди сен умрингда биринчи марта ниқобингни ташладинг, наҳанг!

С а н ж а р о в.

Ҳа, мен наҳангман...

К о м и л о в.

Мен бу наҳангни қуритаман.

С о б и р о в.

Биз одамнинг ҳақиқий инсон булишига ишонамиз.

К о м и л о в.

Бу — бизнинг имонимиз.

Санжаров Юсуповнинг қулёзмасини узиники қилол-маслигини билганлиги учун уни Орифга берган эди. Бу билан олимнинг тилини қисиб қўйиб, ўзи ҳам текинхурларча олий даргоҳда жон сақламоқчи эди. Ҳозир айни чоғда воқеа очилиб қолгач, у шантажга утади.

Энди кураш профессор билан ўгли ўртасида давом этади.

Ориф қулёзмани бермоқчи эмас. Ҳатто уни ўзида қолдиришини отасидан илтимос ҳам қилади. Аммо қулёзманинг қаердалиги номаълум. Бу ҳол оила аъзоларини ҳам, томошабинни ҳам ташвишга солади. Ниҳоят, қулёзманинг қаерда эканлиги аниқлангач, саҳнада яна “психо-физик” ҳаракат ута кескинлашади.

Қулёзма Комиловнинг кабинетида, стол галадонида. Буни эшитган Ориф узини ичкарига уради, йулини тўсиб турган дадасини итариб ташлаб, илгарига интилади. Собиров ва Сиддиқжон ёрдамга шошиладилар. Собиров Орифга етиб олади. Азиза Орифнинг орқасидан кириб кетади, Ориф эса яна юқорига интилади, Сиддиқжон унинг йулини чаққонлик билан тўсади. Зина олдида тортишув. Бу тортишувда анча нарига бориб йиқилган профессорга Ойша ва Озода ёрдамга келадилар. Бу ҳаракат ремаркада яхши белгиланган. Ниҳоят, қулёзма Собировнинг қулида. Ориф яна ҳужумга утади, аммо енга олмайди (куль-

минация). Мана шу кульминация ривожи Ориф онгидаги узгариш билан ҳам боғлиқдир.

Қулёзмада пенфигус касалига “картизон” дорисининг шифо бўлиши ёзилган. Орифнинг онаси Сожида шу дорига муҳтож бўлиб жон бергани аниқланади. Ориф хунграб йиғлайди. Ремаркада табиатда ҳам яшин, ёмғир, момақалдироқ, акс эттирилган. Буни кинофильмдан магнитофонга ёзиб олиб, овозини берса жуда табиий чиқади, шариллаб ёққан ёмғир товуши ҳам баралла эшитилиб туради.

Ориф дадасининг оёғига йиқилади.

К о м и л о в. *(Орифга)*

Тур урнингдан! *(Ориф туради. Комилов унга тикилиб туриб, ўзини тутолмай шапалоқлаб юборади.)* Йўқол!

Ориф чиқа бошлайди. Аммо остонага борганда онасининг портретига кузи тушади. Гандираклар бориб деворга суянади, сирганиб утириб қолади. Унинг томоғига бир нарса тиқилгандек бўлади, ёқасига бушатади, кейин сочини чангаллаганича қотиб қолади! (Муаллиф ремаркасига уз фантазиянгизни ҳам шу тариқа киритишингиз мумкин.)

Рисолат йиғлаб юборади. Бошқаларнинг ҳам буйни эгик, қизлари, келини куз ёшларини артишади. Улар унсиз йиғлашади.

К о м и л о в.

Менинг уйимга бойлик инсонни юксакларга кўтариш учун эмас, разолатга ва касофатга судраш учун кираётганини билсам эди, мен уни итдек қувиб солар эдим!

Шифтда бу ердагиларни масхара этгандек париллаб ёниб турган қандилга кузи тушади ва унга мурожаат қилади.

У-у бойлик! Менинг уйимга сен келадиган булсангу имон кетадиган булса, мен сенга ут қўяман, ут!” *(Охир стулни туттади, бошқаларнинг “ҳай” деб огоҳлантиришига қарамай, шартта кўтаради ва қандилга отмоқчи бўлади, аммо бирданига кўкрагини ушлаб ҳолсизланади, стул қўлидан тушади).*

Умумий саросима, ҳаяжонли овозлар, хушидан кетган Комиловни Сиддикжон ва Собиров ушлаб қолади... Ориф ҳам ичкарига кирмоқчи булади, аммо Рисолат унинг йулини тусади. *(Асосий кульминация — чўққи.)*

Ремарка ижрочиларнинг бутун ишига йўлланма бўлади. Албатта, ансамблнинг иштирокчилари профессионал эмас. Ҳар қалай, кўп меҳнат талаб қилинади.

Асарда Орифнинг ўз-ўзини англаш — ўз фожеасини тушуниши, “кўзи очилиши” жуда табиий эди.

Ориф қўлёзма учун шунча курашади, асар сўнггида уни Санжаров ҳамласидан қутқариб қолади. Ориф кеч бўлса ҳам ўз хатосини тушунади. Бу асарнинг ечими эди.

Спектаклнинг олдида қўйилган “олий вазифа” имони бутун, пок виждонли кишилар фойдасига ҳал бўлади. Профессорнинг соғайиши финалда рамзий ифодаланadi. Унда оптимизм руҳи барқарор. Асар ёшларнинг орзу-умидлари билан бошланади ва уларнинг келажакка ишонч ғояси билан якунланади.

Спектаклнинг ёш томошабинларга ҳам ҳазмли бўлиши учун зарур бўлган энг оддий нарса — сунъийликдан қочиш эканлигидадир. Бундан ташқари, сахнани ҳақиқат деб билиш, ана шу ҳақиқатни ҳар бир ижрочи “таклиф этилган шарт-шароит” йўналишида рўёбга чиқаришга интилиши керак: Санжаров гарчи ҳақ бўлмаса ҳам бутун вужуди билан “ўз ҳақиқати” (лекин у ҳақиқат бўлмаса ҳам) учун, ғолиб чиқиш учун курашади.

Агар у шундай қилмаганида, Комиловнинг фикрига қарши кескин позицияда турмаганида ёки Орифни йўлдан урмаганида ёзувчининг ҳам, режиссёрнинг — бизнинг ҳам мақсадимиз амалга ошмаган бўларди. Бундай томошанинг қизиғи ҳам бўлмасди.

Мазкур спектакл ёш ижрочилар томонидан шаҳар театрида, институт сахнасида бир неча марта уйналди. Томошада қатнашган Иzzат Султон, Шухрат, Умарали Норматовлар талабаларнинг ижросига юқори баҳо бердилар. Тошкент шаҳрида республика халқ театри ва Ўзбекистон қасаба уюшмаси қўмитаси театр жамоасининг кўригида “Имон” билан иштирок этган ижрочи ёшларимиз иккинчи даражали диплом билан тақдирланди.

«1971 йилнинг март ойлари эди, — деб эслайди С.Бозоров, — биз уқийдиган факультетдаги ўзбек адабиёти кафедраси қошида очилган “Адабий-драматик туга-

рак” иш бошлаганлиги ҳақидаги эълонни ўқиб қолдим. Билмадим, тўгарак ишларими, адабиётга булган меҳрми, мени уша гуруҳга торта бошлади.

Уша кунлари ўн бешдан ортиқ талабалардан ташкил топган тўгарак аъзолари атоқли драматург И. Султоннинг “Имон” асарини саҳналаштиришга тайёргарлик кўришарди. Дастлабки кунлар бирон бир образни ижро этиш учун рол сўрашга ҳам анча тортиниб юрдим. Чунки мен учун саҳналаштирилаётган асарнинг ўзи мураккаб бир олам бўлиб кўринган бўлса, у ҳаётга кириб бориш ундан ҳам қийинроқ туюларди.

Тақдир тақозоси билан асардаги Сиддиқжон образини ижро этиш менга насиб этди. Асар матни устида ишлаш бошланиб кетди. Фикрни баён этиш, сўзларни тўғри талаффуз қилиш, урғуларини жой-жойига қўя билиш, ўша сўзнинг контекстдаги мазмунини топа билиш қанчалик машаққатли эканини ўшанда билганман. Керак бўлса, бир сўзни уттиз-қирқ марталаб такрор-такрор талаффуз этардик. Бу эса, бизга “Имон”даги имоннинг мазмунини янада чуқурроқ англашга, қалбимизга жо этишга имконият очиб берарди.

Шу боисдан бўлса керак, биринчи репетициядаёқ устозимиз Чулпоной опанинг бизга тикилиб турган меҳр кўзларида қандайдир қониқишни ҳис этардик. Назаримда илк ижрочи — актёр учун ундан ортиқ бахт йўқ”.

Ундан кейин ҳам республикамызда олий ўқув юртлари ўртасида ўтказилган кўрикларда Уйғуннинг “Парвона”, Ҳамзанинг “Тухматчилар жазоси”, Ойдиннинг “Янгиликка қадам”, Лазиз Қаюмовнинг “Қалдирғоч” драмалари ва Одил Ёқубовнинг “Биллур қандиллар” асари инсценировкаси билан иштирок этиб, олдинги ўринларни эгалладик.

Кўрикларда мавзуларнинг тўғри танланиши, асарларнинг гоаявий-тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги, ёшларнинг ижрочилик маҳорати, саҳна эффекти томондан: декорация, кийим, грим, прожектор ва ҳоказолар билан таъминланганлигига алоҳида эътибор берилди.

**“ИМОН” СПЕКТАКЛИНИНГ ТАРҲИ**

ОЛИЙ МАҚСАД

Имони бутун, пок виждонли кишиларнинг нопок шахслар устидан галабасини кўрсатиш

ҒОЯ

Инсоннинг бурчга муносабатини сахнада ижобий ва салбий образлар конфликтда намойиш этиш.

ВАЗИФА

Муаллифнинг мақсади ва ғоясини кўрсатиш

ИЖРОЧИНИНГ АМАЛИ

“Тақлиф этилган шарт-шароитта амал қилиш”

А Н С А М Б Л

Профессор	Санжар	Азиза—	Ориф—	Карим	Озода—	Рисолат—
Йулдош	Наим—	Шарофат	Худоёр	Ойша—	Марзия	Момоҳол
Комилов—	Ҳусниддин	Зоҳидова	Ҳалича	Ҳалича	Мейлиева	Пулатова
Жалил	Аҳмедов	Раҳимов	Омонова	Мансур	Усмонов	Сафар
Баротов				Собиров—		Бозоров

ТОМОШАБИН

ТОМОША ЗАЛИ

## ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЁШЛАР ТЕАТРИ

Термиз Давлат университетида ёшлар театри фаолият кўрсатмоқда. Албатта, бу ибора баландпарвоздек янграши мумкин. Лекин у профессионал бўлмасада, “театр” борлигини инкор этиб бўлмайди. Эҳтимол, “ёшлар театри” тушунчасини шартли деб қабул қилиш мумкиндир. Ҳар ҳолда, университетда шундай бир жамоа ёш талабалар билан ўқув йилининг бошланишидан охиригача иш кўради. Бу “театр” аъзолари худди учирма қушдек ҳар йили ўз ўрнини бири иккинчисига бўшатиб беради. Биз бу театрни шартли равишда “мақсадли театр” деб атадик. Мазкур театрнинг мақсад ва вазифаси илм олаётган талаба-ёшларни миллий меросимиз, маданиятимиз, мафкурамиз, маърифат-маънавиятимиз, Ватанимиз, танлаган касбига садоқат, шарқона одоб-ахлоқ, инсоний поклик руҳида тарбиялашдан иборат. Унинг репертуари ҳам аниқ мақсаддан келиб чиқиб тузилган.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, университет ректорати, маънавият, хотин-қизлар қўмитаси, “камолот”, жамоат ташкилотларининг олимларидан проф. С.Н. Турсунов, доц. Р.Мухаммаджанова, проф. Р.А.Қулмаматов, проф. Қ.Жураев, доц. Р.Мустафоқулов, шоир Шафоат Раҳматулло Термизий, Баҳром Аралов, шунингдек, мусиқа кафедраси аъзолари ва бошқа жонкуяр раҳбарлар биз тайёрлаётган ҳар бир тадбирнинг ташкилий, амалий ишларига яқиндан ёрдам бермаганларида, бундай жамоатчилик назарига тушган ажойиб адабий-бадиий мусиқий кеча, спектакл, инсценировкалар тайёрлаб, намойиш этиш амримаҳол эди. Биз уларга қалбдан миннатдорлик билдирамиз.

Баъзи муваффақиятларни қўлга киритган ҳаваскор ёшлар театри алоҳида маблағ билан таъминланган “ёшлар театри!”га айланишини хоҳлар эдик. Биринчидан, илм даргоҳидаги театрга мослаштирилган сахна йўқ. Иккинчидан, бирор тадбир ўтказилиши лозим бўлса кийим-кечак, керакли буюмлар йўқ. Купинча керакли деталлар вилоят

театридан илтимос қилиб олинади. Театр сахна эффектарисиз мавжуд бўлолмайди. Бу муаммони университет ҳал қилишига вақт аллақачон етган деб уйлаймиз. Чунки гигиена ва бошқа қоидаларга қўра улар ҳар гал кийим масаласига эътироз билдиришади, бунга улар ҳақли.

Шунда ҳам вилоят театри ҳар томонлама ўз ёрдами ни аямайди. Айниқса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, бош режиссёр Мансур Равшановнинг ёрдами алоҳида аҳамиятга эга.

Шу ўринда яна бир изоҳ керакка ўхшайди. Бу “мақсадли ёшлар театри” актёр тайёрламайди, умуман, ёшларни тарбиялайди. Танланган мавзу, репертуар илм олиш, миллий анъаналарга кўпроқ риоя қилиш: миллий гоё, мафкура, истиқлол маънавиятидан сабоқ олишга қаратилган. Биз замонавий, тарихий ва гоёвий юксак асарлар, тадбирлардан репертуар яратишга аҳамият бердик. Театрнинг асосини матн ташкил қилади. Ҳар қандай булар-бўлмас асар эмас, спектакл гоёсини ёрқин образларда очиб берадиган бугунги замон талабларига жавоб берадиган асарлар танланди. Ҳар йили ижрочиларнинг қатъий гуруҳи — ансамбли қайтадан тузилди.

Кўпинча ўқишга янги кирганлар жалб қилинди. Кейинги, мустақиллик йилларида университетнинг ташаббускор олимлари томонидан тарихий саналар — буюк алломалар фаолиятига бағишланган тадбирлар (Амир Темури, Имом Бухорий...) ўтказилди. Адабиёт, санъат соҳасида ҳам улўғ сиймоларга бағишланган адабий-бадий, мусиқавий кечалар (Алишер Навоий фаолияти буйича “Навоийхонлик”, Бобур, Адиб Собир Термизий, Беҳбудий, Фитрат, Абдулла Қодирий, Чулпон, Ғ. Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ш.Рашидов, А.Қаҳҳор, А.Орипов, С. Аҳмад, Ш.Холмирзаев, Усмон Азим ва бошқа адиблар ижодлари буйича) жуда мароқли ўтди. Бу кечалар шунчаки маъруза тинглашдан иборат бўлмай, балки “ҳаёт факти”, “санъат факти” уйғунлигида ўтди. Мазкур кечалар бадий чикиш, сахна кўриниши ва мусиқа санъати наволари билан ёш томошабинларни ҳайратга солганлиги ҳеч кимга “сир” эмас. Кўп ҳолларда, баъзи ўқув масканлари ва айрим жойларда

кечалар маъруза ва шеърхонликдангина иборат бўлади. Ёки ўтказиладиган “Навоийхонлик” кечаларида ҳам ҳар йили бир хил сахна кўринишларидан нарига утилмайди (Навоий ва Гули монологини ўқиш). Бизнингча, ҳар йили “Навоийхонлик”ка янгилик киритилгани маъқул. Масалан, А.Навоий “Хамса”сига кирган дostonлардан парчалар, бошқа ижодкорларнинг шоир ҳаётига оид асарларидан намуналарни инсценировка қилиш мумкин. Ойбекнинг биргина “Навоий” романи материалга ниҳоятда бой. Бу асар асосида истаган мавзунини танлаш мумкин: “Навоий ва Ҳусайн Бойқаро”, “Навоий ижод устида”, “Вазир Навоий қабулида фуқаролар”, “Навоий ва Султонмурод”, “Навоийнинг ёшлиги” (бу кўпроқ мактаб болалари учун қулай), “Мўмин Мирзонинг қатл қилиниши”, “Навоий ҳузурда тил баҳси” кабилар.

Профессионал театрда Навоий ролини бир ёки икки киши ижро этса, бизнинг навоийларимиз ҳар йили янгилашиб туради. Бу қийинми, осонми? Ўқитувчи-режиссёр учун ҳар йили янги рол осон эмас. Албатта, театрнинг талаби билан талабалар театрининг талаби бир нарса эмас. Ҳар қалай, талаба ҳам “таклиф қилинган шарт-шароитга” риоя қилиши керак. Акс ҳолда, у томоша ҳеч кимда яхши таассурот қолдирмайди. Рол яхши чиқиши учун ҳар ким ўзи мустақил ва бадий раҳбар бошчилигида (шунчаки эмас) изчил, пухта машқ қилиши керак. Бизнинг машқлар, афсуски, кўпинча сахнада эмас, аудитория, маънавият хонаси, менинг уйимда ўтказилади. Спектаклнинг намойишига 2-3 кун қолгандагина сахнага рўхсат берилади.

Биз “актёр”ларимизнинг ўз устида ишлашига кўп эътибор берганмиз. Масалан, ўйналадиган асарни ўқиб чиқиш, А.Зуннунов, Н.Ҳотамов, Ж.Эсоновларнинг “Адабиёт ўқитиш методикаси” (1994). Қ.Орипов, М.Обидованинг “Ифодали ўқиш” (1994) қўлланмаси, машҳур санъат арбобларининг маҳорати ҳақида ёзилган рисоалар, вилоят театри томошалари, телевидение кўрсатувлари ва шахсий фантазиямиз шогирдларимизга сабоқ бўлган.

Ижрочи “актёр”ларим орасида университет ҳаётида алоҳида из қолдирганлари бор, уларни унутолмайман. Мана,

шу яқин йилларда Алишер Навоий ролини собиқ талабаларимиздан Оқбутаев Ботир, Маматалиев Алишер, Раҳматилло, Холёров Урол (Алишернинг ёшлигини 3-синф ўқувчиси Турдиев Рустам ижро этган эди), Гули ролини Норова Гулбаҳор, Хушшева Моҳигул, Бобоева Наргиза, Хусайн Бойқаро ролини Қурбонов Бакир, Абдуллаев Даврон, Оромиддинов Аслиддин, Мардонов Искандар, Мумин Мирзо ролини 5-синф ўқувчиси Турдиев Лазиз, 1-курс талабаси Раҳимов Ойбек, Хадичабегим ролини Илёсова Феруза, Бобоева Наргизалар ижро этишди. Фитрат, Чўлпон, А.Қодирий, Ҳ.Олимжон, А.Қаҳҳор асарлари буйича тайёрланган инсценировка ва спектаклларда Раъно Мавлонова, Саида Мавлонова, Искандар Қаршиев, А.Мисилов, Ж.Тасланов, Уткир Омонов, Сайёра Алиева, Дилфуза Самадова, Абдурасул Ибраҳимов, “Алпомиш” достони инсценировкасида Маърифат Расулова, Ҳафиза Икромовалар куп бор саҳнага чиқишди. Бу инсонларни университет ёшлар театри саҳнасининг фаҳри дегим келади. Маҳорат устида ишлаш, муҳими, асар матнини шунчаки ёдлаш эмас, саҳнада ўзини кўрсатиш эмас, ролининг моҳиятини ўз фантазияси ёрдамида очиш буйича куп ишлаганмиз.

Дарҳақиқат, Сорахон опам айтардилар: “Сўзни уйнамагин, — дерди Аброр акам, — унинг мазмунини, моҳиятини уйнагин. Агар сўзни уйнайдиган бўлсанг, гапларинг-нинг асл моҳияти очилмаса, унда партнёрга ёрдам беролмайсан”. “Сорахоним: Жаҳон ғийбат ила бўҳтонга кондир, Қиличдин, найзадин бўҳтон ёмондир, — деганда “кондир”, “ёмондир” сўзларидаги “о” товуши Сорахоним талаффузида, худди каттакон чинни пиёлага кумуш қошиқ билан бонг урилгандек, узоқ жаранглайди, юракларни зир-зир титратади”<sup>1</sup>. Ҳа маҳорат узи келмайди. Унинг учун жуда куп тер тукиб меҳнат қилишга тўғри келади. Мана Навоий — Ботир Оқбутаев саҳнада, Навоий ижод билан банд. Унинг кўзлари залга қараб турсада, хаёлида бутун

---

<sup>1</sup> С.Маҳмудова. “Бир юракнинг юз жасорати”. Хужжатли қисса. Т; Ғ.Ғуллом номдаги “Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1989, 56-57-бетлар.

лай бошқа нарсаларни тасаввур, ҳис қилаяпти, кўраяпти. Навоий ўз уй-фикрлари билан банд.

У аста юриб, курсидан “Хамса”ни олиб варақлайди, мийиғида енгил жилмайиб, уни яна жойига қўяди, енгил нафас олади. Хаёлига нимадир келиб, ёзув столига яқин утириб ёза бошлайди, уқийди.

“Одами эрсанг, демагил одами  
Оники йўқ, халқ ғамидин ғами”.

Ботир одамларни кўриб турса-да, ўз фантазияси, ўз олдида турган олий мақсад, олий ғоя, олий вазифани бажаряпти, яшаяпти. Баъзилар таъкидлаганидек, унинг олдида девор йўқ, аксинча, зал одам билан лиқ тўла. Аммо у ўз уй-фикрлари билан банд. Унинг психо-физик ҳаракатидаги вазминлик, улуғворлик, олижаноблик, камтарлик, донолик фазилатлари, айниқса, устози Фосихиддин, шогирди Султонмуродлар билан бўлган диалогда кўзга яққол ташланади:

“Хуросонда бир давр яратмоқ лозимки, ўзга халқлар ибрат ола билсинлар... Токайгача инсонлар ваҳшат саҳросида қолурлар! Инсон барча махлуқотнинг тожидир. У шарафли, соф, гузал яшамоғи керак. Давлат арбоблари ақл ва адолатни шиор қилсалар, халқни парвариш этсалар, ҳаётнинг зангини олтинга айлантирмоқ мумкин”.

Ботир ижросида бу сўзлар қандайдир сирли, келажак насларнинг бунёдкорлигига ишонч руҳида, давлат арбобларини инсоф ва адолатга чорлаш оҳангида янграйди. Ундаги гоҳ босиқлик, гоҳ эҳтирос, гоҳ тўлқинланиш, кўзлардаги ёниқлик, томошабинни беихтиёр ҳаяжонга солади. Томошабинларнинг беихтиёр қарсақлари узоқ янграйди. Сўзнинг сеҳри мана шунда. Бу оташин сўзлар (“Токайгача инсонлар ваҳшат саҳросида қолурлар”) шундоққина бугунги Афғонистондаги ... фуқароларнинг изтиробли ҳаётига ишорадек ва бу бегуноҳ инсонларнинг қонини ичиб, ҳаётини жаҳаннамга айлантираётган қонхўр махлуқларни лаънатлагандек туюлади.

Бизнинг ёшларимизга-чи? Фойдаси борми? Албатта! Бундай саҳна кўринишларини тайёрлаб, намойиш қилишнинг узи бир катта мактаб, маънавий сабоқ, университет вазифасини утайди. Талант уз-узидан туғилмайди. Уни узлуксиз меҳнат туфайли рўёбга чиқариш мумкин. Энг муҳими, мақсад ва мавзу танлашга эътибор қилиш керак. Истаган жанр сизга саҳна вазифасини бажариши мумкин. Унинг учун ташаббускор режиссёр ва истак керак.

Драматик асарни саҳналаштирмоқчи бўлсангиз ҳажми катта асар бўлса, яхлит тайёрлаш шарт эмас. Бундай иш фақат театр учун шарт. Сиз асарнинг асосий ғоясини очиб берадиган эпизод, қисм, парда, кўринишларни танлаб тайёрласангиз ҳам бўлаверади. Лекин асарнинг воқеа йўналишидаги бош қаҳрамон эътибордан четда қолиб кетмаслиги керак. Саҳна асарида муаллиф ремаркасидан ортиқ тавсифлар йўқ. Матннинг ҳукмдори — асар қаҳрамони. Агар лозим топса бадиий раҳбар — режиссёр тавсиф яратаверади. Лекин шарт шуки, асар ғояси ва мазмунига путур етказмаслиги керак. Саҳнада ижрочи — ҳоким. У ишонтира олса, ишонасиз, акс ҳолда пьесадан ҳам, қаҳрамондан ҳам ихлосингиз қайтади. Энг яхши асарни ҳам ёмон рол уйнаб томошабинни ранжитишингиз мумкин. Ёки уртача асарни ҳам яхши рол уйнаб, ҳаммани қойил қолдиришингиз мумкин. Бу ижрочининг маҳоратига боғлиқ.

“Актёр уз қаҳрамонининг сўзларини томошабинга етказиб бера олмаса, унинг ижросидан ҳеч қандай маъно чиқмайди... Спектаклнинг бутун маъноси томошабинга сўзлар орқали етказилади. Агар актёрнинг дикция ва артикуляцияси яхши бўлмаса, уни ҳеч қандай талант қутқазиб қололмайди. Чунки у ролининг маъносини томошабинга тулиқ етказиб бера олмайди”<sup>1</sup>.

Демоқчимизки, ролни тайёрлашда, айниқса, сўз, товуш устида кўпроқ ишлаш керак. Кейин эса, албатта, «психо-физик» ҳаракат, мизансцена технологиясини пух

---

<sup>1</sup> *И.Илялова*. Халқ артисти Наби Раҳимов. Ҳаёти ва ижоди ҳақида очерк. Бадиий адабиёт нашриёти, Т, 1962, 33-34-бетлар.

та урганиш зарур. Токи, рол уйнаётганда сахнадаги урни ва ҳаракатини яхши ўзлаштирсин.

Ишни энг оддийдан бошлаш лозим. Айниқса, адабиёт ўқитувчиси амалий машғулотлар пайтида матн устида купроқ ишлаши керак. Аввало, ҳар бир ўқитувчи нафақат маъруза ўқиши, балки матнни чиройли ўқиши, керак бўлганда ёддан айтиши билан худди режиссёрдек талабаларини ўз орқасидан эргаштириши даркор. Кейин талабадан ҳам худди шундай ифодали, бадий ўқиш (ўқишнинг чўққиси) ни талаб қилиши керак.

Асосан, дарс пайтида синовдан ўтган талабаларгина “ёшлар театри”га жалб қилинади. Талабани бадий ўқишга қизиқтириш фақат ўқитувчиларга боғлиқ. Купинча талабалар ўзининг рол бажара олишига ишонмайди. Ўзидаги қобилятга гумонсираш билан қарайди. Уларнинг қобилятидан келиб чиқиб ўтказиладиган тадбирингизга қизиқтиришингиз керак. Иш устида машқлар бошлангач, талантлар ҳам кашф қилинаверади. Ҳеч ким рол биладиган бўлиб туғилмайди. Бадий ўқиш таланти бўла туриб “ролга қатнашмайман” деб ўжарлик қиладиганларга ҳам дуч келинади. Лекин танланган ролингизга худди мана шу “ўжар” бола лойиқ. Нима қилиш керак?

Талабаларни ролга тайёрлашнинг қийинчиликлари жуда кўп. Лекин раҳбардан “тил топа билиш”, сабр-тоқатли бўлиш талаб қилинади. Менинг тажрибамда худди шундай талаба Абдуллаев Даврон қайта тарбияланди, кашф қилинди. У ижобийми, салбийми, қайси ролда ўйнамасин ҳаммани ҳайратга соларди. Методим “сир” эмас, мен уни ўз муаллимлик, оналик меҳрим билан “енгдим”.

Фитратнинг юбилейи муносабати билан унинг “Арслон” драмасидан баъзи пардаларни сахналаштирадиган бўлдик. Арслон — бош қаҳрамон — деҳқон йигит. Бу ролни ўта мулойим, лекин гапга чечан талаба Алишер Маматалиев ижро этди. Арслоннинг дўсти қишлоқ йигити Ботир роли Давронга берилди. Ботир — Даврон зулмкор бойнинг дастидан ер-суви, бор-йўғидан ажралиб, кафангадо бўлган йигит. У бошидан ўтган оғир савдоларни дўсти Арслонга кўз ёши билан гапириб, бойни улдириб,

ундан уч олишни айтади. Фигони фалакка кутарилган тарзда рол ижро этади. Унинг бутун вужуди билан титраб, изтиробга тушиши томошабин қалбини ларзага солди. Бу аламли нидодан кўпчилик кўзига ёш олди. Ботир, атиги бир эпизодик образ бўлишига қарамай, узининг актёрлик маҳорати билан томошабин қалбида қолди.

Чулпон таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан унинг «Ёрқиной», «Замона хотини» драмалари сахналаштирилди. Маълумки, Чулпоннинг драматургия жанридаги ва театр соҳасидаги хизматлари бениҳоя катта. У унлаб драматик асарлар яратган. У — таржимон. Шекспирнинг «Ҳамлет» трагедиясини ўзбек тилига ўгирган. Унинг «Халил фаранг», «Чулпон севгиси» (мусиқали), «Чурининг исёни», «Саркаш қиз», «Муштумзўр», «Замона хотини» номли драмалари мавжуд. Шулар ичида «Ёрқиной» (1920-1926) Чулпон ижодида алоҳида ўрин тутади. Мазкур асарни муаллиф (6 пардали) афсонавий томоша деб атаган. «Ёрқиной» халқ оғзаки ижоди анъаналари асосида ёзилган. Асарнинг бош қаҳрамони жасур қиз Ёрқиной «Тўруғли» туркумидаги Юнус пари, Гулчехра, «Алпомиш» достонидаги Барчинойларни эслатади. Чулпон уни идеал қаҳрамон даражасига кўтарган. У отасидан қиличбозликни, кураш тушишни ўрганади. Ёрқиной ўз бахти учун курашда тақдирга тан бермайди. У — эркак зотидан қолишмайдиган жасур, оқила, тадбиркор аёл. Отаси Ўлмас Ботир қизининг орзулари билан ҳисоблашмайди. Уни аёлларга бир буюмдек, улжадек қаровчи Хонзодага бермоқчи бўлади. Аммо Ёрқиной узи билан бирга усган оиланинг қароли мард, ҳалол йигит Пулатни севади. Ота-ю қиз ўртасидаги бу конфликтдан фойдаланган Нишобсой беги (отаси тенги бек) мақр ҳийла билан Ёрқинойни тузоққа илинтиради. Бироқ Ёрқиной усталик билан Бекдан қонли уч олиб, кутулади.

Шундай қилиб, бекнинг режалари барбод бўлади, севишганлар мурод-мақсадига эришади. Муаллиф, инсонни инсон қиладиган қадриятлар бор, бу — севги, садоқат, мардлик, меҳр-муҳаббат деган гоёни илгари суради. «Ёрқиной» драмаси Чулпон қатағон қилинганигача кўп марта сахнада қўйилган.

Биз драманинг учинчи, тўртинчи, еттинчи мажлиси (парда)ларини саҳналаштирдик. Ёрқиной образини ёшлар театрининг таланти “актёр”и Гулбаҳор Норова ижро этди. Гулбаҳор жуда кўп бош қаҳрамон, жумладан “Навоий” драмасида Гули, “Замона хотини”да Шарофат, “Арслон”да Тулғун образларини маҳорат билан ижро этди. Ёрқин образи Гулбаҳор учун янгилик эди. У махсус спорт билан шуғулланувчи мутахассислардан қиличбозликни ўрганди. Ундаги яхши фазилатлардан бири — камтарлик, изланувчанлик, ўз ишидан қониқмаслик, вазифасига масъулият билан ёндашиш. У ҳамиша “Қандай қилсам ролимни яхши ўйнай оламан?” — дер эди. Гарчи ролни меъёрида бажараётган бўлса ҳам қайғурарди. Гулбаҳор мен билан соатлаб маслаҳатлашар, улуғ санъаткорларнинг маҳорат бобидаги китобларини китоблар жавонимдан олиб кетиб, ҳафталаб, ойлаб мутолаа қиларди. Гулбаҳорни “Сен қизим — Дилбарим” деб оналик меҳри билан севиб қолганман. Ахир, шундайлардан фидойи ўқитувчи ёки Сорахонлар чиқади-да.

Дарвоқи, мен ўзим ҳам аспирантлик йилларимда Сорахон опа билан танишиб она-ю қиз бўлиб қолганман. Мана опа билан суҳбатларимиздан бири:

“ — Сорахон опа, илк бор санъатга ҳавас қуйганингизга ким ва нима сабаб бўлганди?

— Мен жуда ночор оиладан чиққанман. Тошкентда болалар уйида тарбияланиб, биринчи очилган “Абдулла Тўқай” номли татар мактабида бир неча татар қизлари билан таҳсил кўрганман. Тўқайнинг “Эй, туған тил” шеърини хор бўлиб айтганмиз (опа бир банд қўшиқ ҳам куйлаб қўйди). Қўшиқнинг маъноси жуда чуқур. Унда она юрт, она тилига ҳурмат ғояси акс этган. Умуман, уша ерда биринчи марта санъатга бўлган меҳрим пайдо бўлди. Бу катта санъатга кириб келишимдаги илк қадамим эди. Биринчи марта (1921-1922) “Капалак” инсценировкасида рол ижро этдим”<sup>1</sup>.

---

1. Ўзбекистон Халқ артисти Сора Эшонтураева билан шахсий суҳбатимиздан. Тошкент, 1989 йил, 15 февраль.

Мана, спектакл кетаяпти. Ёрқинной маккор Бекнинг исканжасида — асира. У қафасдаги оҳудек узини чор томонга уради, нажот излайди. Бекнинг беъмани қистовларига қарши мардларча курашиб, қутулиш чорасини ахтаради.

Уй ичидан қурол ахтаради, ҳеч нарса тополмай хуноб булади. Лекин иродали қиз бутун ақлини туплаб, режа тузади. Режа қалтис. Уни бир айғоқчи кал шу куйга солган. Энди у калнинг узини “йулга солмоқчи” булади. Саҳнага кал киради:

Ё р қ и н.

— Ажалинг яқинлашган кал! Мана бу кал бошинг кесиладир, кал! Бек мени куч билан булса ҳам хотин қилмоқчи, иннай кийин, шу сирни билганлардан уч кишини йуқ қилмоқчи, яъни бошларини кестирмоқчи!”

К а л.

— *(чўчиб)* Булди! ҳаммасини билдим... Пошшам, мана шу оғир кунларга сизни солиб қуйган мен булсам, сизни кутқарган ҳам узим булай! Дунёга келиб, мен ҳам бир яхши иш қилай”...

Б е к.

— *(киради, Ёрқинга яқинлашиб)* Уйнасам, сиз хурсанд буласизми? *(Бек ширакайф)*

Ё р қ и н.

— *(оғир)* Албатта, бу кун хурсандчилик куни-да! Бегим!

Б е к.

— *(Ёрқинга)* Энди сен уйна, тоқат қолмади, меники буласанми, йуқми?

Ё р қ и н.

— Шамни учирсинлар.

Б е к.

— Иннай кийин-чи?

Ё р қ и н.

— Иннай кийин билганлари.... *(Бек шамни ўчиради).*

Шу пайтда чаққонлик билан Ёрқин бекнинг белидаги пичоқни олиб енгига жойлайдир. Бек кутурган туядай букириб, кучогини очиб, югуриб ҳирс билан Ёрқинни қувалайдир. У ҳам кучоқ очиб югуриб келади-да, пичоқни қаттиқ зарб билан Бекнинг кукрагига қадайдир. Бек бир, икки мартаба ёввойи товуш чиқаргандан кейин “гурс” этиб йиқиладир. Бу ҳаракатни биз кўп машқ қилганмиз.

Бу жуда психологик ҳолат. Ёрқин — Гулбаҳор томонидан дастлабки ҳаракат совуққонлик билан бошланади, кейин эса фавқулодда телбаларча югуриб Бекка яқинлашади, кўзлари хонасидан чиққудай тикилиб, яшин тезлигида бир зарб билан шартли... сунъий пичоқ “санчади”. Бек — Искандар бугун кучи борича букириб чинакамига гурсиллаб йиқилади. Бек — Искандар ҳам ролини аъло даражада ижро этди. Жимлик чўккан залдаги одамларнинг кўпчилиги урнидан “гурра” туриб, мағлуб — “душман”га қарашди. Ёрқин бошини баланд кўтарганича “нафрат тўлган кўзларини узоқларга тикиб, ички бир гурур, шиддат билан қўлидаги пичоқни улоқтирди”.

“Қайдасан Пулат! Мен, сени, албатта, топаман!” дея югуриб чиқиб кетади. Гулбаҳор ижросида бу сўзлар ғайритабiiй жаранглайди. Пула...а...а...т! Овоз тембридаги энтикиш, жаранглаш зални титратиб, унинг деворларини ёриб чиққудай эди. Бу қандайдир момақалди роқ гулдирашидай. Яна унинг устига шиддат билан келган ёмғирдай, унинг юзини кўз ёшлари ювди. Ҳа! Гулбаҳорнинг ролга кириши шундай кечди. Мазкур спектакл 93-мактаб сахнасида ҳам амалиёт даврида намойиш қилинди.

Биз яна Чулпоннинг “Замона хотини” спектаклини ҳам сахналаштирдик. Чулпон бу асарини “Фожеа” деб атаган. У 4 пардали. Чулпон марказий қаҳрамонлар — Раҳима хола ва Рустамнинг мураккаб, мушкул тақдирини ёрқин сахналарда акс эттириб беради. Улар кураши мисолида жамият, инсон, замон, тарихий шароит, муҳит ва шахс бурчи ҳақидаги қарашларини олға суради. Чулпон асарда виждонсиз, мунофиқ, жоҳил одам давлатга, халққа етакчилик қила олмайди, фақат одил, ҳақиқатгўй, пок ва фидойи инсонгина халққа бахт бериши мумкин демоқчи бўлади. Бу спектакл буйича куп меҳнат қилинди.

Асарда адолат, фидойилик ғоялари Раҳима хола образи (Саида Мавлонова ижроси)да, нопоклик, мунофиқлик, зулм Рустам образи (Даврон Абдуллаев ижроси)да рақобат қилади. Қолган Шарофат (Гулбаҳор Норова), Жура (Ўткир Омонов), Адҳамжон (8-синф ўқувчиси Феруза Гулбоева) ва бошқалар воқеа ривожиди асар конфликтининг

воситасидирлар. Юқоридаги ансамбл аъзолари гуё соғлом бир организмдай ролларни қиёмига етказиб маҳорат билан ижро этдилар.

Чулпоннинг “Замона хотини” спектаклининг воқеа ривожига эътибор берайлик. Рустам — Даврон Зокиржонга ўхшаш хотинбоз, нашаванд, товламачилар таъсирига тушиб қолади. Айниқса, хотинининг “қушчи” уюшмасига аъзо бўлиб кириши, боз устига қизининг ҳам муаллим Абдулаҳаддай ўқимишли, маданиятли йигитга (Алишер ижросида) кўнгил бергани устига устак бўлади. Чунки у қизини хотинбоз бўлса ҳам пулдор, қиморбоз Тўхтасин бойваччага эрга беришни истайди. Қизи ва хотинини сўз билан кўндира олмагач, зўравонликка ўтади. Воқеа ривожланаяпти, Шарофат отасидан қўрққанидан Абдулаҳад билан йигит кийимида учрашади. Рустам эса қизини марказдан келган агент — мухбир деб уйлаб ўлдиртирмоқчи бўлади.

Қиз бахти чоғиб, фавқулудда фожеадан қутулиб қолади. Улар ўртасидаги конфликт борган сари авж олади. Рустам қутуриб кетади. Хотинини “Қушчи” уюшмасидан истеъфо бериш, қизини Тўхтасин бойваччага узатишга мажбур қилмоқчи бўлади: У ҳаддидан ошади: “Раҳима...а...а...а! Хупми...и...и, йўқ? А...а...а...йт!!!” Давроннинг овози саҳнани ларзага солади. Раҳима гапирмайди. Бу унинг Рустамнинг буйруғини рад этиши эди.

Бирдан Рустам қалтираган қули билан пичоқ олиб даст кўтариб энди Раҳимага яқинлашганда эшикдан Жура югуриб киради (кульминация). Унинг қулидаги пичоқ беихтиёр тушиб кетади. Уша заҳоти милиция кириб, Рустамнинг қўларини боғлайди (ечим).

Бу ижрочиларнинг саҳнадаги хатти-ҳаракати жуда табиий чиқди. Улар ўртасидаги кураш — қизи онасини ҳимоя қилмоқчи бўлганида она-ю қизни бир ҳамла билан уриб йиқитиши, Раҳимани ерга оғанатиб бўғиши ва ниҳоят, қўлда пичоқ билан ҳамла қилишлари таклиф этилган “шарт-шароит”га кириши томошабинни ҳаяжонлантиради. Ўз фантазиясига реал ҳақиқатдек муносабатда бўлиш орқали томошабинни бефарқ қолдирмайди, балки ишонтира

ди. Албатта, бу хатти-ҳаракатни ёш ижрочининг образга кириши деб баҳолаймиз. Фараз қилинг, шу сахна кўри-ниши ўрнида матн ўқиб ёки ҳикоя қилиб берилганида, худди шу хилда ўқувчини ҳайратга солармиди? Аввало, бу асарни топиб ўқиш учун вақт ёки истак бўларми-кан?! Амри маҳол...

Абдулла Қаҳҳорнинг 90 йиллик юбилейи муносабати билан “Аяжонларим” комедиясини тайёрлаб, ҳам уни-верситет, ҳам 93-мактаб ва Алишер Навоий номли мак-таблар сахнасида (амалиёт даврида) намойиш қилдик.

Ролларда: Бўстон — Саида Мавлонова, Жамол — Абду-расул Иброҳимов, Каримжон — Уткир Омонов, Умида — Дилфуза Самадова, Ашуралиев — Искандар Қаршиев, Хайри — Сайёра Тураева, Собир — Нормурод Жураевлар иштирок этишди.

Мазкур комедиянинг яратилганига йиллар ўтган бўлса ҳам оила, қуда-андачилик муаммолари бугунги кун та-лабидек жаранглайди. Айниқса, спектаклда қайнана-ке-лин ўртасидаги келишмовчилик, англашилмовчилик, ниҳоят, муаммонинг адолатли ҳал этилиши ижрочилар фаолиятида юморга бой сахналарда жуда ишонтирарли ҳал этилди. Ҳа, ҳамма гап ишонтиришда. Спектаклнинг ютуғи ҳам шунда. Бунинг учун фақат изланиш, машқ қилишдан чарчамаслик керак!

Ҳамид Олимжон таваллудининг 90 йиллиги муноса-бати билан “Муқанна” драмасидан 5 кўриниш тайёрла-ниб намойиш қилинди. Асарнинг бош қаҳрамони Муқанна — Урал Холиёров, унинг севгилиси Гулойин — Наргиза Бобоева, араб кўшинининг қўмондони Саидбаттол — Искандар Мардонов, Феруз қўл хўжаси — Мўсулов Абдиқодир, Оташ — Жуманазар Тасланов, Гулобод — Тоғаймуродова ва бошқа эпизодик образлар (12 нафар ижрочи) иштирок этишди.

Бир қарашда, асарда оташпарастлик ва ислом дини ўртасидаги рақобат гоёси илгари сурилганга ухшайди. Аслида, асосан, ўзбек халқининг эрк ва мустақиллик учун қўлдорлик зулми, араб кўшинларининг тажовузко-рона ҳужумига қарши кураши етакчи гоёни ташкил этади.

Спектаклда, айниқса, Муқанна — Урол, Гулойин — Наргиза, Феруз — Абдиқодир, Сайидбаттол — Искандар, Оташ — Жуманазарларнинг ижрочилик маҳорати таҳсинга лойиқдир.

Ўзбекистон Қаҳрамони шоир Абдулла Орипов таваллудининг 60 йиллик юбилеи муносабати билан унинг “Жаннатга йул” драматик достони сахналаштирилди. Хусусан, спектаклда Она ролини ижро этган Адиба Бойқулова томошабинлар қалбида учмас из қолдира билганига амин бўлдик. Она фавқулудда уз угли билан учрашиб, кейин уни йўқотиб қўйиш ҳолати, изтироби, сунъий эмас, ҳақиқий кўз ёшлари ва ҳушини йўқотиши билан томошабинларни ҳайратга солган эди.

Спектаклда йигит (онанинг угли) ролидаги Тоштемир Бадалов, Дуст ролидаги Шерзод Турақулов, Фаришта ролидаги Шоҳиста Маҳмарайимова (Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори), фаришталар ролидаги Феруза Назарова, Дилбар Кучарова, ҳурқиз ролидаги Наргиза Саматовалар ҳам ижрочилик маҳоратлари билан томошабин таҳсинига сазавор бўлишди.

Айниқса, ўзбек халқининг сеvimли достони “Алпомиш” бўйича нафақат университет, вилоятимиз, республикамиз эмас, дунё бўйлаб анжуманлар ўтказилиши қувончли воқеа бўлди.

Маълумки, ўзбек халқининг сеvimли эпоси “Алпомиш” ЮНЕСКОнинг назарига тушди. Унинг 1999 йил тадбирига киритилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси “Алпомиш” достони яратилганининг 1000 йиллигини нишонлаш ҳақида қарор чиқарди. Юбилей асар қаҳрамони Алпомишнинг ватани Сурхондарёда нишонланди. Аммо юбилей Ўзбекистоннинг ҳар бир гушасида давом этди. Шу қисқа вақт ичида бу ноёб миллий меросимиз ҳақида юзлаб мақолалар, асарлар, спектакл, кинофильмлар яратилди. Ажойиб боғлар, ёдгорлик ва иншоотлар барпо этилди. Ижод давом этапти. Жумладан, Усмон Азимнинг “Алпомишнинг қайтиши” драмаси вилоят сахнасининг юзини кўрди.

Мазкур эпос бўйича жойларда мусиқавий ансамбллар тузилди, инсценировкалар қилинди. Жумладан, бизнинг университетимиз ҳам шундай инсценировкаларнинг бир нечасини намойиш этди. Вилоят ва марказий телевидениенинг назаридан ҳам четда қолмади. Эндликда юбилей утиб бўлди, иш битди демасдан эпоснинг янги-янги қирраларини ишлаш, саҳналаштириш, инсценировка қилиш лозим деб ўйлайман

Савол туғилади: ҳозирги мустақил республикамиз ёшлари “Алпомиш” достонидан нимани ўрганиши мумкин? Бизнингча, аввало Алпомиш ва Барчиной образлари ўзларининг барча инсоний фазилатлари билан ёшларимизга ибрат бўла олади. Эпоснинг қиммати ҳам мана шунда.

Университетда ўтказилаётган тадбирлар кўп ва хилма хил. Айниқса, филология факультети тилшунослик кафедрасининг вилоятимиз ва республикада таниқли профессори Холмирза Холиёров, филология фанлари доктори Қудрат Жураевлар ҳар қандай тадбир ва кечалар ўтказишда ёшларга устоз сифатида жонбозлик кўрсатишаётганликларини алоҳида таъкидлаш лозим. Биргина вилоят бўйича Х.Холёров ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига ўн бир йил тўлиши муносабати билан ўтказилган анжуманда ўзбек тилининг нуфузи тобора ортиб бораётгани, унинг ҳатто халқаро анжуманларда алоҳида обрў, эътибор қозонаётганлиги, бундан кейинги ривожда ёшларимиз ўз ҳиссаларини қўшиши даркорлиги ҳақида истак билдирганлари ҳаммани қувонтирди. Яна бир республикамизда ўзининг методик қўлланмалари ва Хожа Самандар Термизийнинг “Дастур ул-мулук” (“Подшоҳларга қўлланма”) асари таржимасини амалга оширган нуфузли олим, кўп йиллар саҳна санъати тажрибасига эга фидойи инсон Жаббор Эсоновнинг мураббий сифатидаги қимматли маслаҳатлари мақтовга лойиқдир.

Биз Хожа Самандар Термизийнинг бу ноёб асари асо-сида инсценировка тайёрлаб намойиш этдик. Асардаги «Адолат ҳақида», “Жасорат ҳақида”, “Мулозимларга муносабат ҳақида”, “Мулозим сақлаш ҳақида”, “Душман

сўзига ишонмаслик ҳақида”, “Уйлаб гапириш ҳақида”, “Ҳасаднинг зарари ҳақида”, “Дунёнинг бевафолиги ҳақида” бобларидаги (фаол дейилган) нафис байт ва ҳикматлар, ҳикоятлар талабаларимиз томонидан образли ижро этилдики, кўпчилик олим ва томошабинлар бунчалик бўлишини кутмаган эдик, дейишди.

Сурхондарёда шундай бир шоир бор — Шафоат Раҳматулло Термизий. Мен баъзан нега бу одам марказда ижод қилмайди, ахир, шунга лойиқ-ку, деб уйлаб қоламан. Унда сурхондарёликлар Шафоатсиз нима қиларди? — деб ҳам хаёлга чўмаман.

Дарҳақиқат, университетда шеърхонлик кечаларига шу камтар, сўзамол инсон ҳам шеърларининг мазмунан, ҳам ўқилиши жиҳатидан гўзаллиги билан фойз киргилади. Шафоатсиз шеърхонлик кечаларининг утишини тасаввур қилолмайман.

Биз шоир билан 4-курс рус тили ва адабиёти гуруҳида учрашув утказдик. Бу “ҳаёт факти” ва “санъат факти”га бой кечамиз ҳақидаги таассурот талабаларимиз қалбида абадий қолганлигига имоним комил. Аввало, шоир барча узоқ яқиндаги сурхондарёлик шоирлар ҳақида маълумот берди. Кейин ёш қалбларни ёндирадиган даражада маҳорат билан гўзал шеърларини ўқиди. Айниқса, “Оҳу” поэмасини тинглаган толиба қизлар кўзларига ёш олди. Асар қаҳрамони — йигит оҳуга айланиб қолган севгилисининг кўзларидан таниб: “Оҳ! у... у...у...!” деб беҳуш йиқилибди. Дугонасининг хиёнаткорлиги дастидан қиз оҳуга айланган, эмиш-да.

Қандай гўзал ва фожеавий фантазия. Ҳақиқат деб уйлайсан киши. Қайси шоир оҳуни шу хил таърифлабди? Бу асар инсценировкага туртки бўлади. Нега бу асарни инсценировка қилиб бўлмас экан?! Бўлади, албатта.

Филология факультетининг декани, профессор Дўстмамат Қўлмаматов бошлиқ жонкуяр олимларимизнинг тадбиркорликлари алоҳида диққатга молик.

Олижаноб инсон, профессор Холмирза Холиёров, уз касбининг шайдоси, нуфузли олим Жаббор Эсонов, камтар инсон, уз касбининг билимдони профессор Аҳмад

Абдуллаев, узбек адабиёти кафедрасининг мудир, зукко олим Бобоназар Муртазов, профессор Қудрат Жураев, уз касбини севган билим соҳиблари Парда Алимов, Хушбоқ Холмуминов, Ҳайдар Оқбутаев, профессор Жаббор Омонтурдиев, уқитувчи доцентлар Жума Ҳужакулов, Нормат Йулдошев, Рамазон Абдуллаев, Эшназар Жабборов, Анвар Омонтурдиев ва бошқа баркамол олимлар нафақат факультет ва университет, балки вилоят миқёсида утказиладиган тадбирларда ҳам уз қимматли фикрлари, ташкилотчиликлари билан элнинг назари, эътиборини қозонган инсонлардир. Уларнинг ибратли чиқишлари юқорида қайд этилган барча тадбир ва кечаларнинг мазмун ҳамда моҳиятини ташкил этади.

Филология факультетининг маънавият буйича декан уринбосари Анваржон Омонтурдиев ҳақида алоҳида тўхталишни лозим топаман. Бу изланувчи ёш олим маънавият ишига ҳаётини бағишлаган фидойи инсон. Унинг раҳбарлигида жуда кўп дид билан безатилган, материалга бой маънавият хонаси қад кўтарган. Факультетда Анварсиз маънавиятни тасаввур қилиб бўлмайди. Биз утказадиган ҳар бир тадбирдан ҳам Анваржон хабардор ва ташкилотчи. Керак бўлса, сахна учун сценарийни ҳам ўзи ижод қилаверади. Масалан, “Авф” номли кичик сахна асарини яратди. Тайёрланган спектакл талабаларнинг Республика “Ниҳол 2000” II фестивалида иштирок этиб, обрўли соврунга эришиш бахтига сазовор бўлди.

Танланган мавзу долзарб ва замонавий бўлиб, ёшларни ҳалолликка, турли оқимлар таъсирига тушиб қолмаслик — хушёрликка, ҳаётдан уз ўрнини топишга ундайди.

Хуллас, ибратли маърузаларсиз бадиий уқиш ва инсценировка — сахна кўринишларига урин йўқ. Тадбир ва адабий-бадиий кечалар маъруза ва бадиий чиқишлар уйғунлигидагина мароқли, мазмунли, эстетик гузал утади. Уларнинг бири иккинчисини тўлдиради, миллий, маърифий, маданий, мафкуравий тушунчамизни тарбиялайди, маънавиятимизни бойитади.

**САҲНА НАМОЙИШИ, АДАБИЙ КЕЧА  
АФИШАЛАРИ НАМУНАСИ**

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Х. Олимжон номидаги Қарши давлат  
педагогика институти филология  
факультети, узбек адабиёти кафедраси**

**Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий асари**

**“ТУҲМАТЧИЛАР ЖАЗОСИ”**

**Қарши — 1982 йил**

Ролларда филология факультети ўзбек тили ва адабиёти бўлимнинг 4-курс талабалари иштирок этадилар:

Фотима — Дилфуза Файзиева.  
Қосимжон — Нафас Шодмонов.  
Домла имом — Асад Ҳайдаров.  
Султон пианиста — Ниёз Ашуров.  
Акбарали — Абдулла Хўжанов.

Саҳналаштирувчи—доц. Ч.Султонова.  
Ассисентлар — доц. Ф.Э.Эшимов.  
Рассом — Н.Шодмонов.  
Саҳна ёритувчиси — Р.Рўзиев.  
Овоз режиссёри — Ш.Бобожонов.  
Костюмчи — Ш.Зоҳидова.

*Ўзбекистон Республикаси*  
*Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги*

*Термиз Давлат Университети*  
*Ўзбек филологияси факультети*

**АБДУЛҲАМИД СУЛАЙМОНҚУЛ**  
**ЎҒЛИ ЧЎЛПОН**

**100 ёшда**

**Термиз — 1997 йил**

## ТАДБИР ДАСТУРИ:

1. Термиз давлат университети ректори, профессор **Н.Й.Тўраев**нинг кириш сузи.
2. XX аср узбек адабиёти ва Чулпон: маърузачи ф.ф.н. **Н.Йўлдошев**.
3. Чулпон драматург: маърузачи ф.ф.д. **Қ.Жўраев**.
4. Чулпон — адабиётшунос: маърузачи доц. **А.Б.Бароталиев**.
5. Чулпоннинг “Замона хотини” драмаси хусусида: маърузачи доц. **Ч.Султонова**.

## БАДИИЙ ЎҚИШ

- “Гузал”. Ўқийди: **О.Худойбердиева**, 4-курс.
- “Юпанмоқ истаги”. Ўқийди: **Г.Ортиқова**, 3-курс.
- “Қиз қушиғи”. Ўқийди: **М.Хушишева**, 4-курс.
- “Сочилган сочингдек...”. Ўқийди: **З.Авазова**, 4-курс.
- “Мен ва бошқалар”. Ўқийди: **Н.Тангирова**, 3-курс.

## САҲНА КЎРИНИШИ

“Замона хотини”. 3 кўринишли.

“Ёрқиной”. 3 кўринишли.

Режиссёр — доц. **Ч.Султонова**.

*Ташкилий қўмита*

## ХУЛОСА ЎРНИДА

Хуллас, ҳар бир спектакл ёш ижрочилар учун ҳам бир мактаб ролини уйнайди. Ҳар бир спектакл ойлар, йиллар давомида тайёрланар экан, худди бир оиланинг аъзоларига ўхшаб меҳнат қилинади.

Йиллар ўтган сари мана шу беминнат касбнинг ёшлар характери ни шакллантириш ва тарбиялашдаги роли кўпроқ сезилмоқда. Ижрочилик санъати ёш томошабинларни тарбиялаши билан бирга, ёш ижрочининг ўзини ҳам тарбиялашга хизмат қилади. Энг аввало унинг характерида ўзгаришлар ясайди, ҳаётга фаол муносабатда бўлишига олиб келади ва комил инсон бўлиб етишишига кўмаклашади. Айни чоғда унинг нутқининг шаклланишига, кўпчилик олдида фикрини аниқ-тиниқ ифода этиш имкониятини беради. Энг муҳими, у бошқаларга ўзининг керакли эканлигини ҳис қилади. Театр санъатининг аҳамияти яна шундаки, у ўқувчи, талабаларнинг адабиётдан олган билимларини мустаҳкамлайди ва ўстира боради.

Буюк ҳаёт дарслиги булган адабиёт — инсонга мангу йўлдош. Ўқувчи ҳам, талаба ҳам “инсоншунослик”дан иборат булган нафис адабиёт фанини фақат жадвалдаги дарс соатларидагина тўла-тўкис ўзлаштира олмайди. Билимларни янада чуқурлаштириш учун мустақил ўқиш, фан тўғрақлари, савол-жавоб кечалари, илмий-амалий конференциялар, адабий-драматик тўғарақлардан унумли фойдаланиш мумкин.

Энг муҳими, адабий-драматик тўғарақ ўқувчи учун ҳам, талаба учун ҳам, ҳар қайси мазкур соҳа билан қизиқувчилар учун ҳам битмас-туғалмас маънавий сабоқдир.

## ИСТЕЪДОД СОҲИБАСИ

Аслида Чулпоной опа сулим Шахрисабзнинг Дукчи қишлоғида туғилиб усган қишлоқ қизи. Дадаси Гаффор аканинг касби ҳисобчи булишига қарамай, ҳаммани оғзига қаратадиган суз устаси — санъаткор, онаси Раҳима хола эса хат-саводли бўлиб, паранжили узбек аёлларини уйида ўқитган қишлоқ муаллималаридан эди. Муаллима “Қуръон”, “Муҳаммадия”, “Ҳафтияк” ва бошқа диний китоблардан ташқари, айниқса, Абдулла Қодирийнинг араб ёзувидаги “Меҳробдан чаён” романини қироат билан ўқир, савод урганувчилар кўзда ёш билан уни тинглар эканлар.

Қисқаси, бу икки фазилат — санъаткорлик ва муаллимликка бўлган эътиқод оила мероси бўлса ажаб эмас. Шу боис Чулпоной опа ўз падари бузруквори ва волидаи муҳтарамаларини алоҳида ифтихор билан эслайди. Уруш туфайли отадан етим қолишига қарамай, бева қолган онага ҳамроҳ бўлиб, ҳаётнинг оғир-енгил юklarини нозик елкасига олади, аммо санъат, илмга бўлган ҳаваси сўнмайди. Ҳаёт суқмоқлари ёш Чулпонойга қанчалик мушкул бўлмасин, қийинчиликларни енга олади, санъат, илм билан видолашмайди. Аксинча, иродаси бушашмай, ўз бахти учун курашиб, мақсадига етади. У босиб ўтган йўллар мул: мактаб, педагогика билим юрти, Қаршидаги 2 йиллик ўқитувчилар институти, Бухоро давлат педагогика институти, аспирантура — Ўзбекистон Фанлар академиясининг тил ва адабиёт институти.

Чулпоной опа ўқитувчи, олима (филология фанлари номзоди, доцент), мураббий, жамоатчи, суз санъаткори даражасига етади. У ҳаётдан ўз урнини топишига кумаклашган олижаноб дўстлари, устозлари: Олия опа (мактаб ўқитувчиси), Таслия опа, профессорлар: Қурбон Ўлжабоев, Қулмурод Шодмонов, Н.Ўлжабоева, Дамин Тураев, доцентлар Клара Ризаева (Қарши институти), профессорлар: М.Мирзаев, С.Алиев (Бухоро педагогика институти), профессор ва доцентлар: Х.Холиёров, Ж.Эсонов, А.Абдуллаев, Қ.Жураев, Ж.Омонтурдиев, А.Муртазов, П.Алимов (Термиз давлат университети), Иззат Сулгон, Маҳмудали Юнусов, Ҳомил Ёқубов, Турсун Собиров (Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти) каби олимлар, Зулфия опа (шоира дўсти), Сора Эшонтўраева (санъатдаги устозлари)дан ҳаммиша миннатдор ва бурчдорлигини алоҳида эҳтиром билан хотирлайди.

Чулпоной опа хотин-қизларнинг севган мураббийси, Сурхондарё вилояти хотин-қизлар қўмитасининг аъзоси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ҳомийси.

Унинг севимли фани — адабиёт ўқитиш методикаси. Айниқса, ифодали ўқиш фанини жон-дилдан севади. “Мен дарсда бир дақиқа актёр бўлмасам, кўнглим жойига тушмайди. Адабиёт ўқитишда энг муҳим нарса образлилик. Талаба шундагина дарсингиздан баҳра топади. Аудитория ва саҳна, бири иккинчисини тўлдиради, ёшларни эзгу орзулар сари етаклайди. Бу ўқитувчи ва талаба учун бир бахт эмасми?!” дейди опа. Унинг вилоят ва республика нашриётларида бир қанча мақолалари, рисола, қўлланмалари чиққан: “Драма, образ, интернационаллик” (“Ўзбекистон” нашриёти, Тошкент, 1982), “Адабий-драматик тўғарақлар” (“Ўқитувчи” нашриёти, Тошкент, 1993) методик қўлланмаси ёшларга тақдим этилди. Яна (Султонова Ч. “Драматургическое мастерство Уйғуна”. “Краткая литературная энциклопедия”, Москва, 1972, №7) Уйғун ҳақидаги маълумот қомусга киритилган.

Тиниб-тинчимас Чулпоной опанинг назаридан бирор тадбир, адабий-бадий кеча қочиб қутулмайди. Опа тайёрлаган саҳна куришнишлари ўтказиладиган кечаларга жон бағишлайди. Ёши бир ерга борган Чулпоной опа иши ва талабаларини қалбдан севади. Чарчаш нималигини билмайди. Дарс утиш билан бирга соатлаб янги-янги тадбирлар, спектакллар тайёрлайди.

Ч. Султонова икки воҳа — Қашқадарё ва Сурхондарёнинг севимли мураббийси. “Шогирдларим қаерда кўпроқ эканини билмайман-у, улар қадамду рупарамдан чиқиб “Ассалому алайкум устоз!” — дейишларини эшитсам бошим осмонга етади. Уларни санаб булармиди?! Мен шунинг учун бахтлиман”, — дейди опа.

ЧулпонойСултонова 50 йилдан ортиқроқ педагогик, олимлик ва жамоатчилик фаолияти учун бир неча бор университет, ижтимоий таъминот уюшмаси, вилоят, республика ташкилотлари томонидан тақдирланган. 3 марта Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлиги “Фахрий ёрлиги”, “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси” унвони соҳибаси бўлган. “Мустақиллик”, “Шуҳрат” медаллари билан мукофотланган.

Чулпоной опа — ҳақиқатан ҳам уз касбининг фидойиси. Опадаги бу талант, истеъдодни куриб тасаннолар айтгинг келади киши. Ҳа, у — истеъдод соҳибаси, у кишининг таърифини бир суз билан ифода қилиб бўлмайди.

**С.Н.ТУРСУНОВ,**

*тарих фанлари доктори, профессор.*

## АДАБИЁТЛАР

*Ислом Каримов.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.: “Ўзбекистон”, 1995.

*Ислом Каримов.* Ўзбекистон XXI аср бусағасида. Т.: “Ўзбекистон” 1997.

*Ислом Каримов.* Ўзбекистон — буюк келажак сари. Т.: “Ўзбекистон”, 1998.

*Ислом Каримов.* Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётнинг пойдевори. Т.: “Ўзбекистон”, 1998.

*Ислом Каримов.* Хушёрликка даъват. Т.: “Ўзбекистон”, 1999.

Баркамол авлод орзуси. Т.: “Шарқ”, 1999.

*Абу Абдуллаҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий,* Ҳадис. I-жилд, Ал-Жамиъ таҳририяти, Т.: 1947.

*Алишер Навоӣ.* “Хамса”, Ўздавнашр, Т.: 1947.

*З.М.Бобур.* “Бобурнома”, Т.: “Юлдузча”, 1990

Темур тузуклари. Т.: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.

*Хожа Самандар Термизий.* “Дастур ул-мулук” (подшоларга қўлланма). Т.: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997.

*Ойбек.* Асарлар. 4-жилд “Навоӣ”, Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т.: 1969.

*Иззат Султон.* Асарлар I-жилд, “Драматургия”, Т.: Ф. Фулом, номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти” 1971.

“Алпомиш”. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. Т.: ЎЗФА, “Фан”, 1999.

*Рўзи Мустафо, Болта Ёриев.* “Алпомиш” талқинлари” (она тили ва адабиёт ўқитувчилари учун қўлланма). Термиз, 2000.

*К.С.Станиславский.* “Моя жизнь в искусстве” Собр. соч. том-1, М.: “Искусство”, 1954.

*Шоу Бернард.* Избранные Произведения. В 2-х томах, М.: “Госполитиздат”, 1956.

Адабиёт назарияси, 2-жилдлик, “Фан” 1978-79.

*С.Долимов, Х.Убайдуллаев, К.Аҳмедов.* “Адабиёт ўқитиш методикаси. “Ўқитувчи”, Т. 1967.

*А.Зуннунов, Н.Ҳотамов, Ж.Эсонов, А.Иброҳимов,* “Адабиёт ўқитиш методикаси”, Т.: “Ўқитувчи”, 1992.

“Халқ таълими”. Илмий-методик журнал, 1-сон, 1998.

*А.Қодирий.* “Уткан қўнлар” Т, “Ўқитувчи”, 1985.

*А.Қодирий,* “Меҳробдан чаён”, Т.: “Ўқитувчи”, 1978.

*Бехбудий.* Танланган асарлар. Адабиёт. “Маънавият” Т.1997

*А.Фитрат.* Адабиёт. Т, “Маънавият”, 1997

*Абдулҳамид Чўлпон.* “Гузал Туркистон”, Шейрлар, Т.: “Маънавият”, 1997.

- Чулпон. Асарлар. Уч жилдик, Т.: Ф. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994.
- Озод Шарафиддинов. Чулпон. Т. "Чулпон", 1991.
- Қ.Орипов, М.Обидова. "Ифодали ўқиш", Т.: "Ўқитувчи", 1994.
- Болалар адабиёти. Мажмуа. Т. "Ўқитувчи", 1993.
- М.Жумабоев. Болалар адабиёти. (Дарслик-мажмуа) Т.: "Ўқитувчи" 1994.
- С.Мирвалиев. Ўзбек адаблари. "Ёзувчи", 2000.
- Санъат Маҳмудова. Бир юракнинг юз жасорати (хужжатли қисса), Ф. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т.: 1989.
- И.Илялова. Наби Раҳимов (Ўзбекистон халқ артисти), Ўздавнашр, Т.: 1962.
- Я.С.Фельдман. Олим Хужаев. Ўздавнашр, Т.: 1961.
- Аёлга эҳтиром. Т.: "Ўзбекистон", 1999.
- Турсуной Содиқова. "Ҳазрати аёл", Т.: Ф. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999.
- Н.Каримов, С.Мамажанов, Б.Назаров, У.Норматов. О.Шарафиддинов. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Т.: "Ўқитувчи", 1999.
- Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Т.: "Ўқитувчи", 1997.
- Абдураҳим Эркаев. Маънавият миллат нишони. Т.: "Маънавият", 1999.
- Жондор Тўленов. Қадриятлар фалсафаси. Т.: "Ўзбекистон", 1998.
- О.Мадаев. Аруз вазидаги ғазалларни ифодали ўқиш. Т.: "Ўқитувчи", 1998.
- Ҳ.Олимжон. "Муқанна" Асарлар, мажмуа 3-жилд. Т.: Ф.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1971.
- Абдулла Қаҳҳор. Асарлар, мажмуа, 3-жилд, Т.: Ф. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1971.
- Саида Зуннунова. Нилуфар. Шеърлар. Т.: Ф, Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1972.
- Шафоат Раҳматулло Термизий. Гулоб. Шеърлар, Термиз, "Жайхун". 1992.
- Ўзбекистон Олий ва Урта махсус таълим вазирлиги, Термиз давлат университети профессор-ўқитувчиларининг илмий-назарий конференцияси материаллари. 1999, 2000.
- М.Ҳасаний, Г.Жўраева. Навруз ва табиат сирлари. Т., "Меҳнат", 1991.
- Бердиали Имомов. Ўзбек болалар адабиёти юксалища. Т.: "Ёш гвардия" 1973.
- Б.Имомов. Драматургик лавҳалар. Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти Т.: 1974.
- Б.Имомов. Трагедия ва характер. Ф. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997.
- Б.Имомов. Драматургик маҳорат сирлари. Т.: Ф. Гулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991.
- Б.Имомов, К.Жўраев, Ҳ.Ҳақимова. Ўзбек драматургияси тарихи. Т.: "Ўқитувчи", 1995.
- Қ.Жўраев (ҳамкорликда). Ҳамза — улкан шоир, драматург ва мохир педагог. "Термиз" нашриёти, 1990.
- Қ.Жўраев. Драматургик жараён йўналишлари. Т.: "Билим", 1991.
- Қ.Жўраев. 20-йиллар драматургияси. Т.: "Университет" 2000.

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Театр — маданият, маънавият, ва тарбия учоғи.....	11
Адабий монтаж ва сценарий.....	17
Ижрочи ва режиссёр.....	41
Ҳаваскорлик саҳнаси.....	48
Образга кириш нима?.....	66
И. Султоннинг “Имон” асарини саҳналаштириш тажрибасидан.....	71
Термиз давлат университети ёшлар театри.....	85
Саҳна намойиши, адабий кеча афишалари намунаси.....	102
Хулоса урнида.....	106
Истеъдод соҳибаси.....	107
Адабиётлар.....	109

